

Сирожиддин САЙИД

# Осмои ўзи тутгай сенга ойналар

## МУҲАББАТ КОШОНАСИ

Муҳаббатни ташлаб кетманг боғларга,  
Эрмак бўлар, хор бўлар у зоғларга.

Азал гўзал нишонаси бир гулдир,  
Муҳаббатнинг кошонаси кўнгилдир.

Марвариддай асраб юрса қиз уни,  
Хазонларга ташлаб кетманг сиз уни.

Ҳаволардан танлаб Момо Ҳаволар  
Юборгандир тонгда боди саболар.


Шабнамлардан олмиш рангу атрини,  
Пайпоқларга тенг этмангиз қадрини.

Азал ифор эшиклари бор ҳаёт,  
Асал, бедор бешиклари бор ҳаёт.

Диллар кейин етишмагай дилларга,  
Муҳаббатни ташлаб кетманг йилларга.

Кўнгил шу деб кўз очур ҳам кўз юмур,  
Бутун умр, бори умр, бир умр.

Кўксингизда олиб ўтинг доғларни,  
Муҳаббатга ташлаб кетинг боғларни.



## НАВОИЙ ТУҒИЛГАН КУН

Ҳар кўнгил ишқ ичра пок  
тийнат бўлар кундир бу кун,  
Битта сўз олам аро  
зийнат бўлар кундир бу кун.  
Тийра дунёга зиё сочгай  
мунаввар бир исм,  
Бир исмдан бир улус  
миллат бўлар кундир бу кун.

## ЎСКИ ТАШБЕҲ

Нола қилди най бўлиб қирқ йил қамиш,  
Оҳларимдан, ёр, келиб қирққил қамиш.

Қирқ қамишдай қийма-қийма қирқ йилим,  
Бир қамишимдир, ажаб, қирқ қилқамиш.

Бир кўнгилдан ер уза қирқ настаран,  
Қирқ гиёҳ унгай яна қирқ хил қамиш.

Том қилгил бу қамишлардинки, кўр:  
Ястанибдир йўлинг қирқ дил қамиш.

Сочларингни биз учун қирқ қилмадинг,  
Сенда қоматлар қамишу бел - қамиш.

\* \* \*

Инжа, нозик хол тушибдур  
инжа бу лаб остида.  
Тушмиш ул андиша айлаб  
ўнг эмас, чап остида.

Ушбу холнинг ҳолатидин  
сен менинг ҳолимни кўр:  
Қалб аро минг битта доғу  
мингтаси қалб остида.

Қошу мижгонлардин ул  
холнинг қатор жаллоди бор,  
Охир ўлгумдир, ёронлар,  
бу қатор саф остида.

Эл аро овоза бўлдим  
холга мен кўнгил бериб,  
Ўтгай умрим, қолгум энди  
бир умр гап остида.

## ОҚ ЁҚАЛАР

Ишим тушди сенинг оппоқ ёқачангга,  
Йил қанчага чўзилдию ой қанчага?  
Фаслларни алмаштириб ранглар синди,  
Мен йиғлаган майсаларга чанглар инди.

Талабалик йилларимдан қолган хаёл,  
Сен бир ниҳол, нозиккина бир навниҳол.  
Мен соғиндим, қанча ёзу қишим учди,  
Сенинг оппоқ ёқачангга ишим тушди.

Ҳар тонг нафис капалакдай пайдо улар,  
Бир кўрмасам, ўрганаман: қайда улар?  
Ёқаларинг охир шайдо қилди мени,  
Талабалар ичра гадо қилди мени.

Менинг тоза, оқ, муаттар япроқларим,  
Оқ хаёлдай кечди дарсу сабоқларим.  
Ёқаларинг қандай гўзал фунун бўлди,  
Дорилфунун менга дорилжунун бўлди.

Фаслларга ранг алмашиб синди ранглар,  
Мен йиғлаган варақларга инди чанглар.  
Диллар кўрдим - мисли сувнинг лойқалари,  
Кўнгилларга йўлиқдим - кир ёқалари.

Гилосларнинг гулларидай оқ муҳаббат,  
Ёшлигимнинг тонгларидай пок муҳаббат,  
Кўлдан ғозим, қўлларимдан қушим учди,  
Яна оппоқ ёқачангга ишим тушди.

## ҚИЗЛАР

Бунисининг исми Дирабо,  
Кўзлари кўк, қошлари қаро.  
Қаро зулфлар остида холи  
Фитна билан тугал можаро.

Бунисини дерлар Зилола,  
Худди оқшомдаги ҳилол-а.  
Гулбаданга қара, Гул бадан -  
Бирлашмишдир гўё гул ва тан.

Лайлога боқ, қиличдай Лайло,  
Қиз эмас бу, офат ё бало.  
Қиёматнинг оловими бу?  
Мажнунларнинг заволими бу?

Қайдан келмиш бу атлас ёнғин?  
Раънога боқ - куйгину ёнғин.  
Кокилларин ёйса Пайваста  
Жонгинангдан умид уз аста.

Нозиккина турмиш Нодира  
Ғазаллардан гўё хотира.  
Зебо боқар Моҳларойимдай,  
Менинг тонгда тортган оҳимдай.

Нечун маъюс бу ой қизгина,  
Сенга нима бўлди, Мадина?  
Кийикмисан, гулми беозор?  
Бу дунёнинг сайёдлари бор.

Муҳаббат-чи, бир қиз бўлибди,  
Изларидан қирқ из бўлибди.  
Нурга тўлиб кетгай қирқ сарой  
Бир жилмайса агар Гулчирай.

Ё раб, кўнглим тугунларин еч,  
Бунисини мақтамайман ҳеч.  
Қизаргай ҳам қилгайдир ҳаё,  
Бунисининг исми...



## ЁМҒИРЛАР ВА КЎЗЁШЛАР

Йилларга ҳам ёмғир ёқар,  
Умримизга ўхшар боғлар.  
Ҳижрон бўлиб қолар тоғлар,  
Дилларга ҳам ёмғир ёғар.

Баҳорийми, кузгимизми -  
Биз излаймиз севгимизни.  
Бу ёмғирлар раҳм қилмай  
Ювиб кетар изимизни.

Ойларимиз сўлғин-сўлғин  
Сингилларга айландилар.  
Юзимиздан оққан селлар  
Кўнгилларга айландилар.

Соғинч қоғлар хонамизни,  
Ўйлаб ёлғиз жонимизни,  
Биз қолдириб кетгайдирмиз  
Ёмғирларга онамизни.

Оқ бўйинли танноз дунё,  
Ўйнар тилло занжирлари.  
Кимни кутар ёмғирларда  
Она уйнинг тандирлари?

Биз орзу ҳам армонларнинг  
Ёқаларин кўтаргаймиз.  
Толе бир кун ёр бўлса гар  
Ёмғирларда кўкаргаймиз.

## ЎЗБЕКНИНГ “ЁР-ЁР”И

Ота уйнинг эшигидай эшик йўқ,  
Оламни кез, Фарҳодингдай ошиқ йўқ.  
Бу кеч тошу деворларинг сел бўлар,  
Бу дунёда “Ёр-ёр”ингдай қўшиқ йўқ.

Ўстирганинг қизмиди ё гулмиди?  
Қиз кўнглидан жаннатларга йўлмиди?  
“Ёр-ёр”ингдан титроқ тушиб ойларга,  
Қўшилишиб оқиб кетар сойларга.

Ҳеч юртда йўқ қайрилмақош янгалар  
Остонангга сочса тилло тангалар.  
Ота эшик, қанча ифорларинг бор,  
Қизинг билан кетар баҳорларинг бор.

Бу кеч тошу деворларинг сел бўлар,  
Қанча нозик кўнгилчалар дил бўлар.  
Не кечгайдир бундан кейин ҳолларинг?  
Йиғлар бу кеч теракларинг, толларинг.

Бошинг узра нурли фалак айланар,  
Осмон ўзи тутгай сенга ойналар.  
Дуо энди отангдандир, халқдандир,  
Қиз болага бахту толе Ҳақдандир.

Маили, етти иқлимларда тўй бўлсин,  
Ҳар қарич ер ўлан бўлсин, куй бўлсин.  
Оламни кез, бешигингдай бешиқ йўқ,  
Бу дунёда “Ёр-ёр”ингдай қўшиқ йўқ.





## МЕҲР

Гуллар тўкиб баҳор кетар сўрингиздан,  
Эрта-индин ой ҳам кетар қирингиздан,  
Нима фойда кўнгилдаги қирингиздан,  
Меҳрингизни қизғанманг бир-бирингиздан.

Майсалар ҳам бир-бирига суйкалади,  
Қаранг, ҳатто чумолилар тўй қилади.  
Нечун ҳасад кўксингизда куй чалади?  
Меҳрингизни қизғанманг бир-бирингиздан.

Бугун сизга оқ дастурхон тўшар ҳаёт,  
Таронани тоғорага қўшар ҳаёт.  
Ҳам сингил, ҳам ёрингизга ўхшар ҳаёт,  
Меҳрингизни қизғанманг бир-бирингиздан.

Келолмагай энди ҳаргиз тупроқ ёриб,  
Отангизнинг мазорлари бунча ғариб.  
Онанинг изларини ўпинг бориб,  
Меҳрингизни қизғанманг бир-бирингиздан.

Дунёнинг бу паллалари топилмайди,  
Эшиклари тун-кун очиқ, ёпилмайди.  
Меҳр кейин дўконларда сотилмайди,  
Меҳрингизни қизғанманг бир-бирингиздан.

## СОҒИНЧ ТОРЛАРИ

*Муаллимларга*

Боқсам йилларимнинг сардафтарига,  
Сиз мудом камтару хоксор тургансиз.  
Менинг юрагимнинг кабутарига  
Ватан деган сўзни хатлаб берган Сиз.

Қуёшдан заррин ҳам зарҳалларига,  
Боқсам у йилларнинг саҳарларига:  
Менинг энг мунаввар, гўзал онларим -  
Она деган сўзни ёзган тонгларим.

Биз кетдик - севинчу қувончларингиз,  
Фасллар, кечаю кундузлар бўлиб.  
Қолмиш ортимиздан кўзёшларингиз  
Мактаб томи узра юлдузлар бўлиб.

Шарҳлаб бермоқ учун меҳнатингизни -  
Сизнинг бир соатлик заҳматингизни,  
Қирқ минг чироғ билан кўп шамлар керак,  
Қирқ баҳор яна қирқ кўклар керак.

Илму эзуликдан зиналар тиклаб,  
Ҳар ўғил - болангиз, ҳар қиз - қумрингиз.  
Ўтдингиз дафтари китоб қўлтиқлаб,  
Дарсу сабоқларда кечди умрингиз.

Боқсам у йилларнинг сарҳадларига,  
Бирдан қайтгим келар саҳарларига.  
Соғинч торларини чертар дилларим,  
Муаллималарим, муаллимларим.

Бугун Жаҳонгирлар мактабга борар,  
Меҳр чироғидир қароғларингиз.  
Оламда энг улуғ, камгарин зотлар,  
Ҳеч қачон ўчмасин чироғларингиз.

## “ТАЛАБАЛИК ОЧЛИК ДАВРИМ”

Ҳазил

Уч кундир оч яшайман  
Термулиб қотган нонга.  
Чўнтакнинг ҳам “қорни оч”,  
Мадад беролмас менга.

Девордан жилмаяди  
“Олтин талабалигим”.  
Қарайман, хўрсинаман,  
Хўрсиниб қўяр қорним.  
Стипендиянинг қотили  
Ана, қирқ сўмлик туфли,  
Бақрайганча қарайди  
Менга даҳлиздан туриб.  
Ял-ял ёниб курседош қиз  
- Кинога, - дейди, - юринг!  
Кинога бало борми,  
Қорни тўқ-да, аблаҳнинг!  
Отам берган пулларнинг  
Китоб олдим барига.  
Кулбам мени сир тутар,  
Яширгандай бағрига.  
Суратимга қарайман,  
Бир нарса деб бўлмайди.  
Китоб - дўстдир, валекин  
Китобни еб бўлмайди.  
Таниш шоир келади,  
Кўзойнаги ялтирар.  
Баччагарнинг қорни оч,  
Мени ғам босар баттар.  
У ҳам кириб ўлтирар,  
Англагандай ноламини.  
Тор кулбада шеър ўқиб,  
Сайр этгаймиз оламини.  
Шеърят қанотида  
Тоғлар, сойлар кечамиз.  
Қотган нонни бўктириб,  
Бирга чойлар ичамиз.  
...Ярим тун, қўзгалару  
- Яхши қол, - деб жўнайди.  
Кўзойнаги ялтирар,  
Осмон юлдуз ўйнайди.  
Ўша кеча, тор хужра,  
Фақиргина кўйлақда,  
Шоирлик, талабалик  
Тутинди ака-ука.



1977

## ИНСОН

Бир қўлда қуролу  
Бир қўлда Куръон,  
Сен қандай манзилга кеб қолдинг, инсон?  
Қасри бунёдингни барбод айласанг,  
Билиб бўлмаса гар -  
Қайсинг мусулмон.

Бир қўлда қуролу  
Бир қўлда Инжил,  
О, инсон,  
Энг аввал ҳаддингни билгил.  
Бир-биринг айласанг гар хонавайрон,  
Билиб бўлмаса гар -  
Қайсинг носарон.

Лекин жаҳолатнинг миллати бўлмас,  
Разолатнинг дину элати бўлмас.  
Буни тан олгайдир Ҳилол, Хочинг ҳам,  
Сўра, йиғлаб айтар тўқу очинг ҳам.

Сени яратганда қудрату кучин  
Кўрсатиб, Яратган кўп қарам қилган.  
Унутма,  
Энг эзгу амаллар учун  
Сени Ер юзиде мукаррам қилган.

## ЧУМОЛИГА ҲАЗИЛ

Бу дунёда фақат меҳнат,  
Заҳматни билган чумоли.  
Онам ёшган қулчаларга  
Илашиб келган чумоли.

Юрган эдинг уйимизда,  
Гоҳ тому гоҳ сўримизда.  
Кавминг сени излар ҳали,  
Тополмайин йиғлар ҳали.

Зерикдингми турмушингдан,  
Қочдингми ё юмушингдан?  
Бўйнимда жонинг уволи,  
Тошкентга келган чумоли.

Сени нима қилсам экан?  
Кошки ўзим билсам экан.  
Элтайми боғ, гулзорига  
Ё мардикор бозорига?

Сен ўқишга киролмайсан,  
Асло вазир бўлолмайсан.  
Дунёнинг ожиз саволи,  
Тошкентга келган чумоли.

Ростин айтсам, қотди бошим,  
Ош бўлмас ҳеч еган ошим.  
Яхшиси, кет маконингга,  
Жўнатайин Сурхонингга.

Ширинликлар, мойлар қўйсам,  
Сени ипсиз бойлаб қўйсам.  
Жиянимнинг халтасига  
Билинтирмай жойлаб қўйсам.



Бу ишларга бўлма ҳайрон,  
Яхши боргил, чумолижон.

Сен кетдинг туғдай ўсдим,  
Кечир, агар кўнглинг буздим.  
Мен сен ҳақда шеър ёзайин,  
Сен ишлагин бориб, дўстим.

## УЗИЛГАН ТОРЛАР

Охунжон, Муҳриддин, Муҳаммад Юсуф,  
Келдилар, кетдилар тарона тузиб.  
Энди тўйларимда сизлар йўқсизлар,  
Қандоқ яшай энди мен кўнгил узиб?

Юлдузлардан излар сизни кўзларим,  
Юлдузларга кетган менинг дўстларим.  
Манглайим урилар синиқ созларга,  
Узилган торларга тегар юзларим.

Куйнинг ҳам насиба, ризқи бўлурми?  
Куйни ҳам авжида қирқса бўлурми?  
Ай сиз, булбулзабон, куйчи дўстларим,  
Қўшиқ ҳам шунчалар қисқа бўлурми?

Севгим - осмонларга учган оқ каптар,  
Сенинг қанотингга битайин хатлар.  
Ногаҳон қарайман: булутлар гужон,  
Ёмғирларда қолмиш бир шеъринг дафтар.


Васлу ҳижронингга жон-жоним пайванд,  
Ҳаёт, пардаларинг бунчалар баланд!  
Гоҳо товуш етмас, гоҳо етмас сўз,  
Етса, овозларга ташлайсан каманд.

Улар яшадилар ошиқлар янглиғ,  
Кеча-кундуз очиқ эшиқлар янглиғ.  
Қўшиқлари қолди фарзандларидай,  
Фарзандлари қолди қўшиқлар янглиғ.

Ул кун Фарғонадан кетолмай қолдим,  
Узоқ ёлғиз кезиб, ўйларга толдим.  
Охунжон, Муҳриддин, Муҳаммад Юсуф,  
Қандоқ кетай энди мен кўнгил узиб?..

## ШЕЪРИЯТГА КИРИШ

Ҳар ким шеъриятга ҳар хил киргайдир,  
Биров кириб келар рубоби билан,  
Биров секин чалиб кўнгил найини,  
Биров - кетмонию мироби билан.  
Шарму ҳаё билан киргайдир биров,  
Кўнгилда инсофи - ҳижоби билан.  
Биров ёнғин бўлиб кирмоқчи бўлар,  
Биров - салқин туну маҳтоби билан.  
Биров гуноҳларин шунда тўккайдир,  
Биров - яхшилиги, савоби билан.  
Биров - калласию биров - танаси,  
Биров - чойи билан, шароби билан.  
Биров этикларин ечгайдир шунда,  
Кетгай ялангоёқ, шитоби билан.  
Биров жумбоқ бўлиб кирмишдир, қаранг,  
Яшар устозларнинг хитоби билан.  
Роҳат топайин деб киргайдир биров,  
Биров эса кирар азоби билан.  
Шеърият, укалар, ўзга дунёдир,  
Кирманг бу дунёнинг ҳисоби билан.



## ДЕҲҚОН МАДҲИЯСИ

Тун чоғида томинга  
Томчилаган ёмғирдир.  
Бир томчиси - севинчу  
Бир томчиси - оғриқдир.  
Дастасига сиғмайин  
Ерни қўмсар кетмонинг.  
Умринг - дашту далангнинг  
Меҳнатлари оғирдир.

Чопонингда тупроғу  
Заҳматларнинг иси бор.  
Юзларингда - минг ташвиш,  
Қисматларнинг изи бор,  
Одам Атодин қолган  
Ҳикматларнинг изи бор,  
Бу ҳикматни билмаган -  
Ўз юртига сағирдир.

Ким ўйлади оламини,  
Сен ўйладинг далангни.  
Даланг бирлан ўтказдинг  
Ёмғир селу жалангни,  
Бозорларга кўз тикдинг  
Ўқитолмай болангни,  
Тақдир - гоҳ қўю қўзи,  
Гоҳ сут бермас тарғилдир.

Пайкалларга ўтидан  
Базм бергай куёшинг.  
Бу бир қизгин базмким,  
Синалгайдир бардошинг.  
Кетмон - сенинг йўлдошинг,  
Еринг - сенинг дилдошинг,  
Терларинг шароб бўлғай,  
Кўк чойларинг чоғирдир.



Тупроқ билан дардлашмоқ  
Бу - қадимий бурч, шараф.  
Сен-чун асли бу даврон,  
Сенга бўлсин бу шараф.  
Ким етишди, ким етди,  
Ким бўлмади мушарраф,  
Ўзбекистон, онажон,  
Мангу иссиқ бағирдир.

## УЧ КЎЗА

(Хайёмона)

Бир кўзада - меҳнатларим, заҳматларим,  
Бир кўзада - гурбатларим, ҳасратларим.  
Армонларим чайқаладир бир кўзада,  
Ҳижронларим лойқалидир бир кўзада.  
Энди менга май тўла кўза келтиринг,  
Жом тўлдилинг, пиёла, коса тўлдилинг,  
Сипқорайин, токи битсин заҳматларим,  
Тамом бўлсин меҳнатларим, ҳасратларим.


\* \* \*


Яхши бўлди бу дунёда суйганларим,  
Кўрдим гоҳи мурувват ҳам ёрлигини.  
Яна билдим, севиб кўнгил қўйганларим  
Орасида шунчалар мард борлигини.

Яхши бўлди бу дунёда куйганларим,  
Кўрдим гоҳи муҳаббат ҳам хорлигини.  
Яна билдим, севиб кўнгил қўйганларим  
Орасида шунча номард борлигини.

## УМИД

Умидсиз юрма оламда,  
умид омад кетургайдир,  
Агарчи дўстларинг кетгай,  
у ёнингда ўтургайдир.  
Умид - кўксингдаги боланг,  
умид - кўнглингдаги лоланг,  
Агарчи ҳеч ишинг битмас,  
умид бир кун битургайдир.  
Тириклик кони заҳматдир,  
ҳаётинг гул бўлар бир кун,  
Умидим шулдир Оллоҳдин  
умидингда етургайдир.





ТОҒАЙ МУРОД,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# БАДИИЙ МУТОЛАА ИНСОН КЎЗИНИ ОЧАДИ

Тоғай Мурод, сўзсиз, ўзбек адабиётининг, хусусан, ўзбек насрининг пешқадам вакиллари қаторида қалам сурди ва шунга яраша адабиётда моҳир сўз санъаткори эканини исботлаб кетди. Ёзувчининг бирор қисса, ҳикоя ёхуд романи ўқувчилар томонидан эътибор билан қаралган, ҳикоя ёхуд романи ўқувчилар томонидан эътибор билан қаралган, ҳикоя ёхуд романи ўқувчилар томонидан эътибор билан қаралган...

борсиз кутиб олинмагани рост. Фоний дунёни эллик ёшга кириб-кирмай тарк этган адиб учун, эҳтимол, икки роман ва тўрт-бешта қисса етарли ҳисобланиши мумкин. Чунки бу даражада маҳсулдор ижод қилишга қурби етмай ўтганлар қанча!

Аммо биз бир ўқувчи, муҳлис, китобхон, журналхон сифатида ҳали навқирон ёшдачи ёзувчидан АСОСИЙ асарини кутиб юрардик. Начора, умр вафо қилмади. Бу, энди, бутун бир адабиётнинг ғамли армонига айланди.

Тоғай Мурод минбарларда, идораларда деярли кўриниш бермасди. Шунингдек, журналистлар, ҳатто ёзувчилар билан ёзилиб суҳбат қуришдан ўзини олиб қочарди. Балки соф бадиий адабиётга содиқлиги туфайли шундай қилгандир. Аммо ҳаётининг сўнгги кунларида у “Маърифат” газетаси махсус муҳбири Хулкар Тўйманова билан суҳбатлашишни эп кўрди. Газета талабидан келиб чиқилган бўлса керак, мазкур суҳбат “Маърифат”да тўлиқ босилмаган экан. Ёзувчининг умр йўлдоши, истеъдодли адиба Маъсума Аҳмедова кўмагида биз ўша суҳбатнинг тўлиқ вариантини қўлга киритдик. Куйида суҳбатни ёш адиблар, қаламкашларга ибрат бўлар деган мақсадда журнал саҳифасида чоп этишга жазм қилдик.

Тоғай Муроднинг кундалик дафтарида қолган фикр-мулоҳазаларидан ҳам Сизни баҳраманд этмоқчимиз. “Ёшлик”нинг кейинги сонларида ҳам кундаликлардан саҳифалар ўқишингиз мумкин.

*Тахририят*

- Мен Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Хўжасоат қишлоғида дунёга келдим. Онамиз оғирроқ бўлади. Бир оқшом оғир оёғи билан бир девор қўшимиз - тоғамизникига боради. Тоғамизникида онамизни тўлғоқ тутати. Момочи излаб, югур-югур бўлади, чоп-чоп бўлади. Аммо, момочи топилмайди. Онамиз энгил кўз ёради. Оғир оёғидан энгил кутулади. Мен ана шундай дунёга келаман. Йиллар ўтади, биринчи синфга ўқишга бораман. Бир куни Вахшивор қишлоқ советидан мактабимизга вакиллар келади. Биринчи синф болалари учун туғилиш гувоҳномаси тўлдирмоқчи бўлади. Қишлоқ совети вакили онамиз Тоғамиз Қурбоновани сўроқ қилади:

“Ўртоқ Қурбонова, ўғлингиз қачон туғилган?”

“Ўғлимизми? Ўғлимиз... Нормурод чавандоз оддан йиқилган йили туғилиб эди”.

“У чавандоз қачон оддан йиқилган?”

“Нормурод чавандозми? Шу, беш-олти йил бўп қолди-ёв?”

“Хўп, йилини айтинг, ойини, кунини айтинг”.

“Мен ой-кунини қаердан билайин? Ана сиз, ана Нормурод чавандоз, уйига бориб сўраб билаверинг”.

“Хўп, ўша йилларни тахминан айтинг”.

“Тусмоллаб айтсам, ўша йили... йўлбарс йили эди. Қора узумлар қорайиб пишиб эди. Куни? Куни... Ҳафта боши куни эди, тоғамизникида бир тўда аёллар билан гурунглашиб ўтириб эдик. Аёллар, Нормурод чавандоз оддан ёмон йиқилиб-

ди, ўлар ҳолатда эмиш, деб гурунг қилди. Шунда, бирдан тўлғоқ тутиб қолди. Сўнг, мана шу бола дунёга келди. Тоғамизникида туғилгани учун отини Тоғай қўйдик, муродига етиб юрсин деб Тоғаймурод қўйдик”.

“Ўртоқ Қурбонова, бизга аниқ даталари керак, даталари”.

“Нимаси-нимаси?”

“Дата! Йили...”


“Йили... Мулла Қарши Армиядан келган йили эди. Мулла Қаршини аёли Турдихол момо чақалоққа момочи бўлиши керак эди... Дастёр юбориб эдик, келмади. Эрим армиядан келди, боролмайман, дебди. Агар ишонмасангиз, ана мулла Қарши, ана Турдихол момо, бориб сўраб келинг”.

Вакиллар оғизларини ушлаб кулади, юзларини четга буриб кулади.

- Кейин?

- Кейин, мактабимизда катта кутубхона бўлар эди. Унда Хадича опа деган татар аёл кутубхоначи эди. Хадича опа Қозон шаҳридан келиб қолган эди. Ана шу Хадича опа болаларни кутубхонага аъзо қилолмай сарсон эди. Хадича опа болаларни қўлидан етаклаб, кутубхонага олиб келади. Болалар китоб олмай қочади. Олса-да, китобни ташлаб қочади. Бир кўни коридорда ўйнаб юриб эдим, Хадича опа мени қўлимдан етаклаб, кутубхонага олиб кирди. Қўлимга бир китоб берди.

- “Эрта китоб. - деди. - Шуни бир ҳафта ичида ўқиб келиб, менга мазмунини гапириб берасан”.



Мен майдагина эртақ китобни... бир ойча ўқидим. Ҳар куни беш-олти сатрдан ўқидим. Иккинчи ой деганда кутубхонага гердайиб кириб келдим. Хадича опа мени пешонасига ўтирғизиб қўйиб сўради:

“Қани, бир бошидан бошлаб айтиб бер-чи!”

Мен китоб мазмунини ўзимча айтиб бердим. Эсимдан чиққан жойларни Хадича опани ўзи айтиб турди. Мен такрорладим. Биримиз қўйиб, биримиз ҳикоя қилдик. Хадича опа ҳикоя қилса, мен бош ирғаб тасдиқлаб турдим, мен ҳикоя қилсам, Хадича опа бош ирғаб тасдиқлаб турди. Кейин мен учун алоҳида бир журнал очди. Китоб олинган-топширилган кунларни ёзди. Менга илк бор... баҳо қўйди. Тагин бир эртақ китоб берди. Кейин, болалар китобини берди, дoston берди. Ундан кейин ҳикоялар китобини берди. Кўпларига тушунмасам-да, ўқиб чиқдим. Хадича опага келиб гапириб бердим. Опани журнали мен ўқиган китоблар номига тўлди, мен олган баҳоларга тўлди. Хадича опа янги журнал очди. Тўққизинчи синфга бориб, мактаб кутубхонасидаги китобларни... ўқиб бўлдим! Шунда, Хадича опа қўлимга тўртта китоб рўйхатини берди. Янги чиққан китоблар, деди. Шаҳарга бориб олиб кел, деди. Мен шаҳардан ушбу китобларни кўтариб келдим. Бир бошидан ўқиб чиқдим. Хадича опага гапириб бердим. “Беш” баҳо олдим. Ўн биринчи синфни битирганимча шаҳардан китоб олиб келиб ўқидим, Хадича опага ўқиганларимни ҳикоя қилиб бердим, қўша-қўша баҳолар олдим. Мен математикадан ё физикадан “икки” олишдан кўрқмас эдим. Мен кутубхоначи Хадича опадан “икки” олишдан кўрқар эдим.

- **Демак, сизни илк бор адабиёт оламига етаклаб киврувчи устозингиз татар халқи вакили, кутубхоначи Хадича опа экан-да?**

- Шундай, менда адабиётга ҳавас ҳам ихлос уйғотувчи кутубхоначи татар халқи вакили эди. Биз халқлар дўстлиги деганда икки халқ бир-бирларини нон-туз тутиб кутиб олишини тушунамиз. Йўқ, халқлар дўстлиги пойдеворини мустаҳкамлашни турмушнинг ўзидан излаш керак. Турмушнинг чуқурроқ қатламидан излаш керак. Чор ҳукумати, кейин Қизил ҳукумат татарлардан воситачи - таржимон сифатида фойдаланиб, татарларни балога қолдиради. Татарлар ўрис ҳукумати билан ўзбек халқи ўртасида тилмочлик вазифасини бажарган, холос. Шу билан ўзбек халқи кўзига ёмон кўриниб қолган. Аслида, татарлар ўзбек халқи тараққиётида бекиёс роль ўйнаган. Шу боис, мен “Отандан қолган далалар” романимда татар халқи образини яратдим. Бу образ кино бўлиб экранга чиқди. Ушбу образ татар халқи олқишига сазовор бўлди. Халқлар дўстлиги, айниқса, туркий халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш учун масалани ана шундай таг-заминидан кўтариш керак.

- **Ана шу кутубхоначи сизни адабий ижодга бошлаган экан-да.**

- Шундай, ана энди адабий лавҳалар машқ қил, деди Хадича опа. Мен адабий лавҳалар машқ қилдим. Район газетасига жўнатдим. Газета лавҳаларимни босмади. Мен конверт бетларига гуллар чизиб жўнатдим. Адабий лавҳа чеккаларига булбуллар расмини чизиб жўнатдим. Адабий лавҳа тепасига оғзида гул тизлаб турган каптар расмини чизиб жўнатдим. Барибир газета адабий лавҳаларимни босмади. Бир куни район газетасида илк бор мени исми шарифим билан бир мақола пайдо бўлди. Ҳайрон бўлдим. Мен бунақа мақола жўнатмаган эдим. Ҳамма мени табриклади. Мен билдирмай, гердайиб юравердим. Биз шунақа ёзамиз, деб қўйдим. Адабиёт ўқитувчимиз Ҳамза Ҳамроев мени четроққа олиб борди.

“Газетани кўрдингми? - деди. - Ўшани сени номингдан мен қилдим. Газета ходимларига ҳам тайинлаб келдим. Ана энди ғайрат қил”.

Дарҳақиқат, Ҳамроев район, область газеталарини штатсиз муҳбири эди. Ана шундан кейин газетادا мунтазам чиқиб турдим. Яқинда уйимизга ориқ бир чол кириб келди. Оппоқ соқоллари кўксига тушади. Бу чол ўша адабиёт муаллимимиз Ҳамза Ҳамроев бўлди.

“Умрим педагоглик билан ўтди. - деди Ҳамроев. - Сизни ўқитганим учун педагоглик умримдан мингдан-минг розиман”.

- **Сурхон воҳаси – киндик қонингиз тўқилган юрт. Юртингизга борсангиз, сизни яхши кутиб оладиларми?**

- Бориб тураман. Оғайнилар бағрига босиб йиғлайди, пешонадан ўпиб йиғлайди. Қўйлар сўйиб сийлайди. Ўқмишли юртдошлар: “буюгим”, деб эркалатади, “улуғим”, деб сўяди. Юрт раислари: “Элимизнинг фахри ва ғурури”, дея елкамга қоқади. Афсус, ўз уйида пайғамбар бўлмас, дейдилар. Ушбу гапни барча улкан зотлар ҳаётига қўлласса бўлади. Айниқса, мен учун. Бир яхшига бир ёмон ҳар ерда бор. Қадамимни санайдилар, ичкилитимни пойлайдилар, салом-алигимни муҳокама қиладилар. Ғийбат, иғво, фисқ-фасод қиладилар. Зимдан номимга ёрлик ёпиштирадилар, шайнимга лой чаплайдилар. Бу ҳасад, ичи қоралик, кўролмаслик, куйганлик оқибати. Мақсад – елкамдан пастроққа босиб қўйиш, попугимни пастайтириб қўйиш, ўзи қатори қилиб қўйиш. Кейин, кетидан эргаштириб юриш, бурнимдан ип ўтказиб, етаклаб юриш. Улар бу ғаламисликларини ўзбекчилик, одамгарчилик, ошна-оғайнигарчилик, қўни-қўшничилик ниқоби остида қиладилар.

- **Сиз эса билиб турасиз?**

- Нафақат билиб тураман, бундай ғаламисликларини... ич-ичимдан ҳис этиб тураман. Жуда кўплар ҳайрон бўлар эмиш. Бу ёзувчи уйида ишлайди, кўчага чиқмайди, кўча-қўйдаги гапларни қаердан билади, дер эмиш. Худо менга камдан-кам бандаси учун ато этажак қудрат ато этди. Худо менга учун... интуиция, дея аталмиш қудрат ато этди. Бадиий асарларим ана шу... интуиция маҳсули бўлди. Мен уйимда ўтириб... бор дунёни қалбимда ҳис этиб ўтираман. Дунёнинг юрак уришини эшитиб ўтираман. Масалан, кўнглим... қачон ёмғир, қачон қор ёғишини шивирлаб айтиб туради. Мен учун ким душман, ким дўст, кўнглим пичирлаб айтиб туради. Бирор одамни кўрсам, шу одамни дилида менга нисбатан нима гапи бор, миясида нима гапи бор, тилида нима гапи бор – барчасини кўнглим айтиб туради. Масалан, бирор воқеа бўлди дейлик. Шу воқеани оқибати бир-икки йилдан кейин, ҳатто, беш-олти йилдан кейин нима бўлади – барчасини кўнглим айтиб туради. Мен кўнглимни тилимга чиқармайман. Мен тилимга эрк бермайман. Мени кучим тилимда эмас, мени кучим дилимда. Мен фақат бир вазиятдагина кўнглимдагини юзага чиқараман. Мен кўнглимни... бадиий асарларимда кўз-кўз қиламан. Шу боис, мен кўнглимни яхши-ёмон кўзлардан бекитиб юраман – ҳеч кимга қўшилмайман, ҳеч нарсага аралашмайман. Қафасдаги кибулиб кўз олдингизга келтиринг. Ана шу булбулга эрк-демократия беринг, мансаб-мартаба беринг, депутатлик мандати беринг, минбар беринг... Бўлди, булбул узоққа боролмайди. Бирор корихол бўлиб, ҳалок бўлади. Булбулга қафас ичида-да қийин. Яхши бор, ёмон бор. Биров қафас тешигидан чўп тикиб ўйнайди. Биров бармоғини тикиб ўйнайди. Биров булбулини майна қилиб сайрайди. Биров булбулга пуфлаб ўйнайди. Биров булбулга ишшайиб кулади. Бир сўз билан айтсак, булбулга тинчлик бермайди. Булбулни қафас ичида-да, авайламанса бўлмайди. Адиб қалби... ана шу қафасдаги булбулга ўхшайди! Адиб ўз қалбини ўзи қафасга солиб авайлаши керак. Мени қудратим-да интуициям, мени... фожиам-да интуициям.

- **Фожиа?**

- Шундай, интуициямни қудрати – мен ҳеч бир ёзувчи кўра олмовчи ҳаёт нозикликларини кўраман, ҳеч бир ёзувчи эшита олмовчи ҳаёт оҳанглари эшита оламан, ҳеч бир ёзувчини етти ухлаб тушига кирмовчи асарлар ярата оламан. Интуициямни фожиали томони – мен уйда ўтириб... ерни тағида илон қимирласа билиб ўтираман., ҳис этиб, кўнглимда кечириб ўтираман. Ана бу... ёмон, ёмон! Оқибат, руҳий азоб чекаман. Дунё нега бундай, дея асабийлашаман. Одамлар нега бунақа, дея ҳаяжонланаман. Дунёдан бош олиб кетгим келади. Шу боис, мен тоифаларга яшаш қийин, қийин!

- **Унда ким яхши яшайди?**

- Довдир-совдир одамлар яхши яшайди, телба-тескари одамлар яхши яшайди, эси кирар-чиқар одамлар яхши яшайди, томи кўчиб кетган одамлар яхши яшайди. Боиси, бундай одамларни кўп нарсаларга ақли етмайди, фаҳм-фаросати етмайди. Дунё шунақа экан, дея узун-қисқа бўлиб юраверади.

- **“Юлдузлар мангу ёнади” асарингиз Сурхон полвонлари ҳаёти ҳақида. Асардаги бош образлар — Бўри полвон, Насим полвонларнинг прототиби ҳаётда борми?**

- Сурхон полвонлари асарни ўқиб, асардан ўзларини топиб эдилар, асарда ўзларини кўриб эдилар. Неча-неча полвонлар мени бағрига босиб: “Яша, ука, мени ёзибсан”, деб эдилар. Дарҳақиқат, асардаги деярли барча полвонларни ҳаётда ўз прототиби бор эди. Ўша полвонлар ҳозир ҳам ҳаёт. Қариллик таштини суриб ётибди. Асарда ўзим ҳам бор. Ўзим ҳам баҳоли кудрат давраларда курашиб эдим. “Юлдузлар мангу ёнади” асарим 1976 йили “Шарқ юлдузи” журналида чоп этилиб эди. Асар, йилнинг энг яхши асари, деб тан олинди эди. Мен ўшанда 25 яшар болакай эдим. У вақтларда кураш, кўпқариларга ёмон кўз билан қаралар эди. Ўшанда Ўзбекистон спорт комитети ҳузурида республика кураш федерацияси ташкил этмоқчи бўдилар. Аммо, спорт комитет раҳбарлари оғриндилар. Самбо бор, бўлади, дедилар. Ҳатто, йиғилиш ўтказиш учун...мажлислар залини ҳам очиб бермадилар. Кейин, кураш аҳли спорт комитет подвалига тушдилар. Подвалда кичкинагина... буфет бор эди. Ана шу буфет полвонларга лиқ тўлди. Ўзбекистон кураш федерацияси ана шу подвалда, ана шу... буфетда ташкил этилди!

Раҳбарият сайланди, президиум сайланди. Федерация низоми тасдиқланди. Ана шунда профессор Назаров деган бир киши мени жойимдан тургазиб, шундай деди:

“Ўртоқлар, кураш билан кўпқари сўзларини айтиб бўлмайдиган, ҳатто кураш федерацияси ташкил этиш йиғилиши учун мажлислар зали очиб берилмайдиган бир замонда мана шу укамиз ўзбек кураши ҳақида гўзал бир асар яратди. Келинглар, мана шу укамиз учун бир қарсақ чалайлик!”

Ҳозиргина туғилган кураш федерацияси аҳли жойидан туриб, мен учун қарсақ чалди. Мен федерация аҳлига куллуқ қилиб ташқари чиқдим. Бир бурчакка ўтириб... ҳўнг-ҳўнг йиғладим.

- **Ҳурматли адибимиз Саид Аҳмад бир китобингизга ёзган сўзбошида: “Тоғай Мурод адабиётга тутаб эмас, ёниб кирди”, деб ёзади. Сиз ушбу баҳони қанақа қабул қилдингиз?**

- Мен бу гапни Саид Аҳмадона мардлик ва ҳалоллик, деб қабул қилдим. Айрим нопок адиблар асарларимни ўқиб: “Қадам олишингиз ёмон эмас”, “Тенгдошларингиздан кам эмассиз”, “Анави асарингизни бир ўқиса бўлади” қабилда сассиқ гаплар қилди. Ҳатто: “Адабиётга аралашиб қолибсиз? Оббо, сиз-ей”, дегувчи ичи қора адиблар ҳам бўлди. Саид Аҳмад эса: “Тоғай Мурод ўзбек тилини қуйлатди, ўзбек тилининг жами жилваларини офтобга солиб кўрсатди”, деб ёзди. Ҳар бир асаримни ҳалоллик билан кўз-кўз этиб улуғлади. Мукофотлар, унвонлар олишимда бош-қош бўлди. Саид Аҳмад ана шу ҳалоллиги, ана шу мардлиги учун, мана, тўқсон ёшни қоралаб бораппти.

- **“Отамдан қолган далалар” романингиз тўрт серияли кино бўлди. Романинг экран кўриниши сизга ёқдимми?**

- Мен романи экран учун ё театр учун яратмадим. Мен романи ўзбек адабиётини бойитиш учун яратдим. Шу боис, асарларим экран ё театрга қўйилишини жуда ёмон кўраман. Мутлақо қарши бўламан. Аммо... бундан ўн беш йиллар муқаддам ўзбек адабиёти ва санъати... нонкўрлик даврини бошидан кечирди, муттаҳамлик даврини бошидан кечирди. Бетга чопарлик, юзсизлик, сурбетлик даврини бошидан кечирди. Ўзбек адабиёти ва санъати алгов-далгов кунда қолди. Ўзбек маданиятини яратган санъаткорлар бир бурчакка тиқиб ташланди. Ўзбек адабиётини бойитган адиблар бир четга суриб қўйилди. Улкан адабиёт ва санъат намояндалари мисоли... чиқитга чиқариб ташланди. Бу — бир тўда қайта қурувчи ниқоби остидаги гуруҳлар эди. Демократ ниқоби остидаги тўдалар эди. Ватанпарвар ниқоби остидаги ватанфурушлар эди.


Ҳақиқатни айтувчи ниқоби остидаги шаллақилар эди, бузуқилар эди. Мен ушбу даврни “Бу дунёда ўлиб бўлмади” романимда тўлақонли тасвирлаб бердим. Ана шундай бурчакка тиқиб ташланган санъаткорлардан бири — кинорежиссёр Шухрат Аббосов эди. Ўзбек кино санъатида тўртта манаман деган фильм бўлса, ана шунинг учтасини ана шу Шухрат Аббосов яратиб эди. Биласиз, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Сен етим эмассан”, “Тошкент — нон шаҳри”. Наҳотки, ана шундай фильмлар яратган санъаткор... чиқитга чиқариб қўйилса? Биз ана шу фильмларни кўриб ўсдик-ку? Бир сўз санъаткори сифатида мени ана шу туйгулар қийнади. Мен Шухрат Аббосов билан таниш эмас эдим. Ҳатто, ҳаётда қўл бериб кўришмаган эдим. Аммо мен сўз санъаткори сифатида ўз сўзимни айтишим керак эди. Ўшанда “Отамдан қолган далалар” романимни беш-олтита кинорежиссёр кино қилмоқчи бўлди. Мен ҳаммасига рад жавобини бердим. Кинокомпания бош муҳаррири телефон қилиб, бир режиссёр билан шартнома тузишга таклиф этди. Мен бу режиссёрни-да рад этдим. Кинокомпания раиси яна бир режиссёрни тавсия этиб, шартнома тузишга қақирди. Мен бу режиссёрни рад этдим. Ана шунда кинокомпания раҳбарлари мен билан шартнома тузмасдан кино қилмоқчи бўлди. Агар романимни мени ихтиёримсиз кино қилсаларинг, судга бериб, жиноий жавобгарликка тортаман, дедим. Сену менга бориб қолдик. Унда, ўз номзодини айтишга айтишди. Мен Шухрат Аббосов номзодини айтдим. Ҳаммасининг пешонаси тиришиб кетди. Боиси... айнан ана шу зотлар Шухрат Аббосовни бир четга суриб ташлаб эдилар. Мен ўз сўзимда турдим. Эртаси кўни кинокомпанияга бориб, шартнома туздим. Ана шунда Шухрат Аббосов билан умримда илк бор салом-алик қилдим, қўл бериб кўришдим. Мени мақсадим битта эди - мен бир бурчакка тиқиб қўйилган ўзбек киносининг тирик классиги Шухрат Аббосовни киносанъат аренасига қайта олиб чиқиш эди. Шухрат Аббосовнинг мавқеини қайта тиклаш эди. Мен ана шу мақсадимга эришдим. Мен ана шундай ишларим учун... ўзимга ўзим қуллуқ қиламан, ўзимга-ўзим сифинаман. Э яша, дея кўкрагимга уриб қўяман.

- **Ҳозир мактабларда дарсликлар миллийлаштирилмоқда. Жумладан, адабиёт дарси ҳам. Шу ҳақдаги фикрингиз?**

- Мактабларда адабиёт дарси ўқитишда суҳбатимиз бошида мен айтган кутубхоначи Хадича опа усулини қўллашларини таклиф этар эдим. Дунёга келмиш ҳар бир бола индивидуал шахсдир. Индивидуал шахс эса албатта бирор нарсага қизиқади, бирор соҳага мойиллик беради. Бола қайси соҳага қизиқади — болани ана шу соҳага йўналтириб юбориш керак. Бола учун ана шу соҳага кенг йўл очиб бериш керак. Ана шунда бола бирор-бир соҳани мукамал билади, ана шу соҳа бўйича бирор нарса ярата олади. Аммо, мактабларда ҳар бир боладан барча фанлар бўйича “беш” баҳо талаб қиладилар. Тўғри, бола барча фанлар бўйича “беш” олиб ўқийди. Вояга етгач эса, бирор-бир фанни мукамал билмайди. Бирор соҳа бўйича етук бўлиб етишолмайди. Оқибат, дунёга индивидуал шахс бўлиб келган бола вояга етиб... умумий одам бўлиб қолади. Юқорида айтилган кутубхоначи Хадича опа усулида дарс ё машғулот ташкил этиш керак. Дарс номини бадий мутолаа, деб аташ керак. Боиси, бадий китоб бола кўзини очади, бола руҳиятини ўстиради, болалик ҳис-туйғуларини тарбиялайди. Оқибат, бола ҳаёллар оғушида бўлади, орзулар оғушида бўлади. Бола романтик бўлиб ўсади. Романтизм эса ҳаётга чорлайди, келажакка чорлайди. Романтизм етилиб, реализмга ўсиб ўтади. Қарабсизки, бола тўлақонли, реал шахс бўлиб етилади. Ўғил-қизларимиз маънавий баркамол бўлсин, десангиз — бадий китоб ўқитинг. Ўғил-қизларимиз қалбан бой бўлсин, десангиз — бадий китоб ўқитинг.







# БОҶИМАНДАЛИК ҚАРАШЛАРИ ВА ОИЛА

Кишилик жамияти тарихидан маълумки, ҳар қандай халқ, давлатнинг келажаги, тақдири унинг ёшларига, ёшлар тарбиясига боғлиқ. Мустабид тузумлар учун ўзларига қарам мамлакатларнинг тақдири аҳамиятсизлиги ҳам тарихий ҳақиқатдир. Шу сабабли Республикамиз мустақиллиги нафақат бугунимиз, балки келажагимиз учун ҳам кенг истиқбол йўлларини очиб берди.

Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати ёшларнинг ҳар томонлама камол топишига мустақилликнинг дастлабки кунларидан юксак ғамхўрлик намунасини кўрсатиб келмоқда. Ёшларимиз ҳам халқ ишончини оқламоқда.

Бугунги кунда биз бутун жаҳонга фахрланадиган ёшларимиз билан бир қаторда, афсуски, ғиёҳвандликка чалинган, турли диний оқимлар таъсирига тез бериладиган, Фарб маданиятига кўр-кўрона сиғинадиган, оила ва Ватан тақдирига бефарқ қарайдиган ўғил-қизлар ҳам учраб туради. Ёшларимиз дучор бўлиши мумкин бўлган иллатлардан бири - боқимандалик қарашларидир.

Текинхўрликнинг ўзига хос кўринишларидан бири бўлган боқимандалик қарашлари ҳам мураккаб ҳодиса бўлиб, ўз тарихи, шаклларига эга. Унинг ўзига хос хусусиятларидан бири, одатда, жамият назаридан яширин кечишидир.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланаётган, иқтисодий ислохотлар чуқурлашаётган ҳозирги даврда ўтмишнинг кўпгина иллатлари, жумладан, боқимандалик қарашлари ҳам яққол кўзга ташланиб қолди. Бу эса олимлардан, хусусан, социологлар ва маънавиятшунослардан бу ҳодисани чуқур ўрганиш, таҳлил этиш, уни бартараф қилиш йўллари ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

Боқимандаликнинг аниқ бир илмий талқини бўлмагани учун биз уни ҳозирча онгли равишда текин яшашга интилиш, жамият ёки оила ҳисобига текин яшаш, деб изоҳлаб тураемиз.

Бизнинг инсон дунёқарашига оид бу салбий ҳодиса ҳақидаги мулоҳазаларимиз мунозара характерига эга бўлиши мумкин.

Боқимандалик турлари кўп. Улардан давлатга боқимандалик ва оилага боқимандалик алоҳида ажралиб туради.

Давлатга боқимандалик кишиларнинг, корхона, ташкилотларнинг имкониятлари бўла туриб, давлат ҳисобидан яшашидир.

Боқимандаликни зарурият ва муваққат (вақтинчалик) қарамликдан фарқлаш зарур. Кишилар мажбурий ишсизлик, ногиронлик, касаллик туфайли оила ёки давлат таъминотига муҳтож бўлсалар, буни зарурият деб баҳолаш мумкин. Сабаби биринчидан, инсон ҳаёти - энг азиз нарса. Ҳар бир жон ўзини ўзи моддий жиҳатдан таъминлай олмаса-да, яшашни истайди ва бу унинг табиий ҳуқуқи. Иккинчидан, тарихдан маълумки, айрим мамлакатларда меҳнатга яроқсиз кишиларни, ногиронларни йўқ қилиб юборишган. Аммо демократик ва адолатли жамият ўзининг ҳар бир аъзоси ва фуқароси учун қайғуриши шарт.

Муваққат қарамлик болаларнинг, ўқувчилар, талабалар, хуллас, балоғат ёшига етмаганларнинг вақтинча оила ёки давлат таъминотида бўлишидир. Пайти келиб, улар бирор касб-

хунар ёки илм эгаси бўлиб, ўзларига сарфланган моддий харажатларни тўла оқлабгина қолмай, оила боқадилар, жамият ва ватанга манфаат келтирадилар.

Боқиманданинг энг типик мисоли қилиб, оилани боқиш имкони бўла туриб, ичкиликка муккасидан кетган, моддий жиҳатдан оилани талайдиган кишини кўрсатиш мумкин.

Дастлабки кузатишлар ёшларда боқимандалик қарашлари ҳозирда оиладаги нотўғри тарбия натижасида шаклланиб боришини кўрсатади. Оила - ҳар қандай жамиятнинг асоси. Шунинг учун оилалардаги боқимандалик қарашларини ўрганиш ва бартараф этиш ҳар доимо долзарб вазифа бўлиб қолаверади. Аммо бу ўринда ўзбек оиласининг ўзига хос миллий менталитетини унутмаслик керак.

Ҳозир Фарбда ота-оналар ўз фарзандларини болаликдан меҳнатга ўргатади, кўпгина миллионерлар болаликда машина юриб, кўча супуриб ўзларини боқишган, нимага эришса, ўзлари эришган, деган гапларни кўп эшитамиз.

Нима, ўзбек оилалари болаларини меҳнатга эмас, текинхўрликка ўргатадими? Болалигидан кетмон чопмаган, кўй боқмаган, ўзидан кичкиналарга қарамаган бирор ўзбек ўғил-қизи борми?

Президентимиз Ислон Каримов 2000 йил 24 февралда Соғлом авлод дастурини тасдиқлашга бағишланган мажлисда сўзлаган нутқида, жумладан, шундай деган эди: "Фарзанд ўн саккиздан ошгач, ота-онасининг уйида яшаётгани учун уларга ижара ҳақи тўлайдиган мамлакатлар ҳам бор. Эҳтимол, бундай хусусиятлар баъзи бир халқларга эриш туюлмас, лекин бизнинг миллатимиз буни ҳеч қачон қабул қилмайди".

Юртбошимизнинг бу ҳикматли сўзларидан ўзбекларда ёшлар, фарзандлар қирққа кирса ҳам ота-онаси ҳисобидан яшаш мумкин ёки яшаб келган деган хулоса чиқмайди, албатта. Аксинча, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 63-моддасида: "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар", дейилган бўлса, 66-моддасида: "Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар", деб ёзиб қўйилган.

Асосий Қонунимиз кўп асрлик анъаналаримиз, миллий менталитетимиз, жаҳоннинг илғор тажрибалари асосида қабул қилингани эса ҳаммамизга маълум.

Афсуски, шунга қарамай ёшларда боқимандалик кайфиятларининг шаклланишида, юқорида айтганимиздек, айрим оилалар етакчи бўлиб қолмоқда ва бу хусусий ҳодиса умумий манфаатларимизга зарар келтириб, бой маънавиятимизга хуснбузар бўлиб тушмоқда.

Оила ёшларда боқимандалик қарашларини қандай шакллантиради? Ҳеч бир ота-она ўз фарзандининг ёмон бўлишини истамайди-ку, деган табиий саволлар туғилади. Бундай саволларга эса жиддий илмий изланишлар, социологик сўровномалар натижаларини таҳлил қилиш орқали жавоб бериш мумкин.

**Мукаррам ТОЛИПОВА,  
Муҳайё ҚУРБОНОВА**



# ЎТДИ ЮЗ ҚАТ ОСМОНДАН ОРЗУ

\* \* \*

Ушбу гулшан узра мендан ёғдирар афсун бу сув,  
Кўзлар ичра чақнатар ҳар лаҳза минг мазмун бу сув.

Не заиф базм ул бизим нисбатда дарё мавжлари,  
Нағмадек оққай йиликлардан, бўлиб қонун, бу сув.

Гар синиқ диллар хира тортар эса, топмас илож,  
Томир ичра мавжланиб қон рангда оққан кун бу сув.

Оҳ-фиғон ойинасидир кўз ёшим шабнам киби,  
Осмонга юксалиб, бўлди адо Мажнун бу сув.

Осуда олмоқ нафас имкони йўқ олам аро,  
Ишқ олов дарёсида тинган ажиб ҳомун бу сув.

Индамаслик тилсимин асрори деб осудалик,  
Равшан этди дур билан менга теран мазмун бу сув.

Табъим, оҳ, бегонадир кўп ишқ сафосин домиға,  
Лекин ўз мавжига монанд бўлди кундан-кун бу сув.

Наҳру уммон бўлмади, оҳ, бир саробча мен учун,  
Шу қадар қилмиш юракни маҳруму мафтун бу сув.

Ваҳдатим жуфт тухмат ичра, токи ўзлик бирламен,  
Ўзида акслантирар сувдан не чиқса, чун, бу сув.

Соф дилларни баҳор шавқи бўғизлаб, Бедилим,  
Йўл топиб оқмоқда гулбарг томирига кун бу сув.

\* \* \*

Мен камолот ихтиёр қилмоқчиман,  
Яъни йўқлик ошкор қилмоқчиман.

Кўп чигал борлиқ ўриш-арқоқлари,  
Бир нафасда тор-тор қилмоқчиман.

Ҳам олиб қанча сифр йўқликдан, оҳ,  
Бир ўзимни минг-ҳазор қилмоқчиман.

Ҳеч киши бермас жавоб, сўрсам савол,  
Тоғ аро фарёду зор қилмоқчиман.

Дард доғидан баҳор бўлғайму деб,  
Лолазорга эътибор қилмоқчиман.

Ўтса ўтсин, майлига, гул фасли, ёр,  
Бир қадаҳдан минг баҳор қилмоқчиман.

Топмагунча дилда муштоқлик камол,  
Мен висолни интизор қилмоқчиман.

Фарқи йўқ, дўзахми-жаннат манзилим,  
Ёд сизни, гулбозор, қилмоқчиман.

Бир гуноҳим авф этишга арзимас,  
Арзитай деб, қайта бор қилмоқчиман.

Ўтди юз қат осмондан орзу,  
Унга ўзни мен дучор қилмоқчиман.

Бўлмаса ибрат далили давримиз,  
Шаъм ёқиб, сайри мозор қилмоқчиман.

Ўз таним тупроғини йўқликка хат  
Битгали ман бир ғубор қилмоқчиман.

Васл йўқ, чун, икки оламдан кечиб,  
Энди узлатни қарор қилмоқчиман.

Осмон бир юзтубан бечорадур,  
Мен не чора, мен не кор қилмоқчиман?

Етди вақт, Бедил, ўзимдан мен қочиб,  
Сухбатимдан энди ор қилмоқчиман.

\* \* \*

Кимниким хотиржам айлабдур, жонда бўрё\*,  
Ул харид айлабди, бахмал деб, дўконда бўрё.


Сен оёқ қўйма фақр аҳлин адабгоҳига ҳеч,  
Ухлатур арслон қамишзор - найситонда бўрё.

Ҳеч адабгул ҳидлари кетмас димоғидан, то мени  
Бағрида яслантирар бул хонумонда бўрё.

Бир жаҳон таскин ҳоким, кўзчалар пинҳон нишон,  
Ҳолимиздан айлар огоҳ бул нишонда бўрё.

Чекса гар заҳмат биров, қошинда ғофил турмағил,  
Олғуси уйқунг, ўсиб мижжанг томонда бўрё.

\* Бўрё - бўйра; бу сўзининг қашшоқ маъноси ҳам бор;  
тасаввуф шеър матнида икки дунё ўртасидаги кўприк  
маъносида ҳам келади.



Чикмағил маълум бир издан, кўр, ўзи ҳад кўрсатиб,  
Йўлингга жадвал чекибдир бул маконда бўрё.

Ажз биносин пойида гарчи фикримиз устувор,  
Тиш бўлиб чайнаб ютар бизни бир онда бўрё.

Мен қаноат кунжида оғзим юмиб, оромдаман,  
Бўлди най жим, бўлдию шаккар ситонда бўрё.

Ҳеч емас Бедил жаҳонда бошқа неъматдан фириб,  
То уни меҳмон қилибдур бул замонда бўрё.

\* \* \*

Омонлиғдан, кўнгил туғён этиб, бегоналиғ мавжуд,  
Кишан ҳар ҳалқасиндак, шалдираб, девоналиғ мавжуд.

Гадолиғда, бу не савдо, йўқ ҳеч бир шўришу гавго,  
Жунун ганжи учун унда ажиб вайроналиғ мавжуд.

Губоримин солар туғёнга йўқлик ҳам, қилиб жилва,  
Чирогим сўнса ҳам, чунки, пару парвоналиғ мавжуд.

Бор имкони бўлақлардан қилур жам ушбу оламким,  
Қаноти тўзғиганларга қафасдан шоналиғ мавжуд.

Нафас кўнглингда ҳар дам айланур кўнглингни очмоққа,  
Калигда кулфиға бўлғайму ҳеч бегоналиғ мавжуд.

Сен ҳеч ортгирма бошинга бу борлиқнинг балосини,  
Ўзингда собит ўл, бунда ажиб мардоналиғ мавжуд.

Агарчи ифтихор этгуси шод бахт соғари бирлан,  
Гадода ҳам тиланмоқдан улуг мастоналиғ мавжуд.

Қамиш от мин ва кезгил Қаҳқашонни, бахт-саодат бу,  
Ки шоҳликни талашмоқда ўйин тифлоналиғ мавжуд.

Сен эй шаъм шуъласидан кўзларини юммаган асло,  
Ки ноз уйқунгда, билсайдинг, нечоғ афсоналиғ мавжуд.

Эзар маҳрам эмаслик дарди Каъба излаганларни,  
Агарчи ич ва сирт ҳалқа аро ҳамхоналиғ мавжуд.

Қаноат жаъм этар дунё, Бедил, икки кун сабр эт,  
Тузоқ дунёда сув йўқ гарчи, лек сердоналиғ мавжуд.

\* \* \*

Чиннинафас аҳли, не ёзуқ нур, кўринглар,  
Ҳар лаҳзани, ёзгурмангу, фағфур кўринглар.

Ҳар қайдаки дом бўлди пароканда ва ов йўқ,  
Сиз барча тузоқ кўзларини кўр кўринглар.

Жуфт кўз ики дунёни яланғоч десалар ҳам,  
Кирпик бари беркитгали мажбур, кўринглар.

Халқ бори бу майдонда ҳаво кибр ила машғул,  
Кўргулиги не, пар чиқариб мўр, кўринглар.

Борлиқ ари ин, келдингиз айлашга тамошо,  
Ин тирқишидан, кенг денгу масрур, кўринглар.

Борлиқда шакл барчаси охирда қародур,  
Рангларни сиз охирда қаро нур кўринглар.

Юз фойда ниҳон эслаки, нур пардаси ичра,  
Муҳтож не учун марҳама носур, кўринглар.

Чақчақлашур улфатхонада, маст бари бедард,  
Ток навдасида, оҳ, бу не дастур, кўринглар.

Ҳар заррада жам жилвалари ушбу жаҳоннинг,  
Ҳар тошга, ки кўз тушса, ани Тур кўринглар.

Фарқ қилмоқ ахир яхши-ёмонни бу қоронғу,  
Қисматни, назар ташлангу, манзур кўринглар.

Номавжуд эса дунёда не жилва, юракда  
Қилғуси аён Бедили маъзур, кўринглар.

\* \* \*

Ҳаққа таслим бўлубон, шавқ тўла чоғ топғил бир,  
Бошни ҳам айла ва меърож кулоҳ топғил бир.

Икки оламини қилувчи забт навмийд нафас,  
Шу нафсни тила сен, чеккали оҳ топғил бир.

Қисқа гул суҳбати теккудек узангига оёқ,  
Гар умидвор эрсанг, тоза нигоҳ топғил бир.

Ёр хатти кечалар қилса ҳужум, сергак бўл,  
Ҳар нафас ҳамласига шай, ки, сипоҳ топғил бир.

Дилда дуд тўлғаниши белгиси муштоқликнинг,  
Қора кўз қилғали бунёд қора доғ топғил бир.

Эй талаб бандаси, тоқай югурарсан халлос,  
Сен оёғингни қабарт, тингали чоғ топғил бир.

Бўл Юсуф, Ийса Масиҳ бўлғали гар йўқ ҳолинг,  
Етмасанг чархи фалакка, қани, чоғ топғил бир.

Борлиғу йўқлик эрур кўзни очиб юммоқлик,  
Чўғ киби икки жаҳонингга нигоҳ топғил бир.

Бахт дурри шарафи аслида шулдир билсанг,  
Сен гадоликка чўкиб, иззат шоҳ топғил бир.

Ақду ҳуш шамъи куйиб қолди-ку бу хилватда,  
Хоки пой бўлғил ўзингга ва паноҳ топғил бир.

Икки олам яратур сели бўл, эй оташи ишқ,  
Оқизиб кетгали биздан, пари қоғ топғил бир.


Сурма деб ҳар нени мижжангга, ки, суртма, Бедил,  
Тўтиё йўл чангидан кўзингга, оҳ, топғил бир...

*Форс тилидан*

*Матназар Абдулҳаким таржималари*



Ҳабибулла ҒАҒУР



# Қўрғоқдаги дўжар

Қисса

1

Нотекис кенгликнинг унчалик чуқурроқ бўлмаган жойида булоқ кўз ёрди. Кун сайин ундан сув сизиб чиқавериб, катта бир ҳовузга айланди. Атрофда яшаётган аҳоли бундан хабар топиб, бирин-кетин ҳовуз атрофига кўчиб кела бошлади. Кўп вақт ўтмай бу ерда қишлоқ пайдо бўлди. Ўша сирли ҳовуз булоқ суви билан лиммо-лим тўлган-у, аммо суви тошмаган, камаймаган ҳам. Йиллар ўтавергач, қишлоқ кенгайиб, халқ кўпая борди.

Қишлоқ аҳли ҳар йили Наврўз кунлари арафасида, ҳовузнинг ёнида иккинчи, яъни ҳаром ҳовуз қазишиб, унинг сувини бунисига ўтказиб олишардилар-да, булоқ кўзига қозонни тўнтариб кўйиб лойқа билан тўлиб қолган ҳовузни ҳашар уюштириб тозалардилар. Сўнгра бир мол сўйиб, худойи қилишгач, булоқ устидаги қозонни олишади. Булоқдан тагин сув сизиб чиқиб, бир пасда ҳовузни тўлдириб ташлайди.

Қишлоқ аҳли ҳовузни ўзи пайдо бўлганлиги учун муқаддас билиб, уни эъзозлашарди. Ундаги балиқларни овлашга ботина олмадилар. Энди иккинчи, яъни ҳаром ҳовуз суви қишлоқнинг чорва, хонаки ҳайвонлари учун ишлатиларди. Ҳовуз суви бирам толли-таъмли, мазали эдики, унинг сувини ичган одам албатта роҳатланарди. Кунлар ўтавериб, аста-секин қишлоқнинг номи ҳам Толли деб атала бошлади.

Толлилик Бозорбой дунёга келган ўғлига - ҳайит кунлари эди - Ҳайитали деб исм қўйди.

\*\*\*

Оддий деҳқон Бозорбойнинг бисотида тўрт бош қорамол, ўн бешга яқин қўй ва оти бор эди. Шуларнинг барини даштга олиб чиқиб ўтлатиб келиш, боқиш ёш Ҳайиталининг зиммасига тушганди.

Ҳайитали нон ва у-бу нарсаларни рўмолчага ўраб,

белига тугиб олди. Отни минди-да, мол ва қўйлари орқасидан тушиб, яйлов томон ҳайдади, у ерга биргина Ҳайитали эмас, балки қишлоқнинг кўпгина болалари ҳам молларини ўтлатгани олиб чиқишар эди. Яйловда ўт-ўланнинг сероблиги қўй ва эчкиларни боқиш учун анча қулайлик туғдирарди. Кўшни қишлоқдан ҳам чўпонлик қилувчилар бу ерга келишадиган бўлишди.

Далварзинлик Жўра оқсоқолнинг мол, қўй ва эчкилари кўп эди. Уларни оқсоқолнинг Абдулла исмли ўғли олиб чиқиб, ўтлатиб келарди. Абдулла Ҳайиталидан бир мунча ёш бўлса-да, улар қалин дўст бўлиб қолишгандилар. Ҳар гал молларини даштга ҳайдашиб, ўзларига кузатиш учун ўнғай бўлган тепалиқдан жой танлаб олишиб, ўша ерда бир-бирига ҳазил-хузул қилишарди. Ҳайитали кўлидаги калтагини мисоли соз қилиб, дўстига терма айтиб берарди.

Ҳайитали мол ва қўйлари серўт яйловга ҳайдади-да, ўзи отини миниб сойга тушди. Отдан тушиб, оёқ яланг бўлиб от билан бирга сой ичида сув кечиб югура кетди. У отини доим кун қизиганда сойга тушириб ювинтирарди. Ҳайитали бу машғулоти хуш кўрарди, унга алоҳида меҳр қўйганлиги сабабли, мол-ҳоллардан кўра отга катта эътибор берарди. У сойда ювиниб турувди, тепалиқдан Абдулланинг овози қулоққа чалинди:

- Ҳайитали! Кел энди. Бизлар тайёрмиз, - деб қолди у.

- Ҳа, хўп, ҳозир! Боряпман, - жавоб қилди Ҳайитали.

У отини минди-да, юқори томон чоптирди. Борсаки, чўпон болалар отлари билан сафланиб туришган эканлар. Ҳайитали уларнинг ёнига бориб турди.

- Қаергача? - сўради Ҳайитали.

- Айритомгача, - жавоб қилди чўпон болалардан бири.

Ҳотамтой тепалиқдан Айритом адиригача бўлган масофа унчалик узоқ бўлмаса-да, аммо йўл баланд-пастликдан иборат эди. Шунинг учун ҳам мўлжалга осонгина бориш бироз мушкулроқ. Пойга бир имо билан бошлан-



ди. Чўпонлар қий-чувлашиб, отларини қамчилашди. Биринчи қадамнинг ўзидаёқ Ҳайиталининг оти бошқаларни ортада қолдириб кета бошлади. У пойгачиларни ҳайратга соладиган ҳаракатлари билан, яъни югуриб кетаётган отнинг устидан пастига айланиб ўтиб, юқорига бир ирғиб, отга тескари миниб, гоҳ отнинг бўйнига осилса, яна бир мартасига бир оёғини узангида қолдириб, иккинчи оёғини ерга тегизиб олиб, тагин отнинг устига кўтарилиб барчанинг ҳавасини уйғотарди.

...Ҳайитали деярли ҳар куни подадан қайтар пайтда бир йўла даштдан ўтин териб қайтарди. Бугун ҳам зарур бўлиб қолганлиги сабаб даштга ўтин тергани чикди. Кун иссиқ. Кўёш борликни қиздира бошлади. Аммо шуниси борки, бепоеъ даладаги эсаётган ёқимли, майин шамол кишига ором бахшида этмоқда. У хуш кайфият билан ҳар ер-ҳар ерда ётган ўтинларни тера бошлади. Бир пасда анча-мунча ўтин териб ҳам қўйди. Куннинг иссиқлиги унга панд бериб, эринчоқлиги тута бошлади. Бироз дам олгани ўзини бир дарахт сояси тагига олди. Чарчаган ва толиққан эмасми, уни дарҳол уйку элитди. Шу орада туш кўрди. Тушида бир нуруний чол ёнига келиб:

- Тур, болам! Кечга қолмагин тагин, - деб елкасидан бир туртди.

Ҳайитали уйғониб кетиб атрофга назар солди. Ҳеч ким йўқ. Вақт эса шомга яқинлашмоқда. У туш кўрганлигини англаб, терган ўтинларини боғлаб елкасига олдида, уйлари томон шошилди. Ҳайитали ўтинларни олиб бориб ошхона ёнига туширди. Кийимини алмаштириб чиқиш учун ичкарига кирди.

- Ҳа, болам! Нега ҳаяллагини? - сўради Бозорбой.

- Дарахт соясида ухлаб қолибман, - деди у.

Ҳайитали кийимини ечаётган эди, ёнида турган отаси унинг елкасидаги янги пайдо бўлган беш панжали изни кўриб:

- Нима, сен биронта билан жанжаллашдингми? - деб сўраб қолди.

Ҳайитали ҳайрон бўлди. Далада бирор кишини кўрган, ҳатто учратган ҳам эмасди. Кейин ёдига тушиб, отасига кўрган тушини сўзлаб берди. Тушида унга Хўжаи Хизр учраганди. Елкасидаги беш панжали из абадий сақланиб қолди.

\* \* \*

Бозорбой Ҳайиталининг соч олар тўйини ўтказди. Зиёфатдан сўнг меҳмонлар олдида отаси унинг сочини қишлоқнинг энг кексасига:

- Шу бобонинг ёшига етиб юрсин, - деган ният ила биринчи қайчини урдирди.

Кейин бобонинг ишини сочолар уста давом эттирди. Фақат бошининг ён қисмида бир тутам соч - кокил қолдирди. Ҳайитали улғайган сари кокил ҳам узун бўлиб ўса бошлади. Уйнагани ташқарига чиққанида доим тенгқурлари уни кокилидан тортавериш, жаҳлини чиқарарди. Ахийри безор бўлиб қолганлигидан, бир куни у дўстларидан бирига назр қилинган сочини олдиртириб ташлади. Энди пичоқ билан қириб олинган сочининг ўрнида кўтир пайдо бўлди, бошнинг ўша жойидан умуман соч чиқмай қолди. Шу-шу, аста-секинлик билан ҳамма уни "Ҳайиткал" деб чақирадиган бўлишди.

...Толли қишлоғи. 1918 йилнинг ёз ойлари. Денов тарафдан келаётган қарвон Толлига етиб келди. Кўчада бир қанча йигит бўлиб қолган болалар от чоптиришиб, ўзаро мусобақалашмоқдалар. Йигитлар, чамаси, эликталарча ярим қулочдан келадиған пахта савовларини (пахта савалаш учун махсус қамишдан ясалган чўп) ерга икки қатор қилиб қадаб устишган. Шарт бўйича болалар чопиб кетаётган отнинг қишдан туриб, қўлларидаги калтаклар билан икки ён тарафдаги қадаб қўйилган савовларни биронтасига ҳам ўтказиб юбормасдан уриб йиқи-

тиб чиқишлари керак.

Болалар аввалига етти-саккиз эшакни ёнбошига навбатма-навбат қатор қилиб қўйишиб, устидан сакраб ўтиш шартини бажаришга тушдилар. Сўнгра, отларига минишиб, кейинги шартни навбати билан бажаришга тушдилар. Бу шарт болалардан эпчилликни, хушёрликни, эҳтиёткорликни талаб қиларди. Бир калтак билан икки ёндаги савовларни уриб йиқитиб чиқиш жуда қийин кечарди. Икки қўл ҳаракатда бўлганлиги сабабли отнинг жилловини ушлаб боришнинг иложи йўқ. Шартни уддалай олиш мушкулроқ туюлади. Бирининг қўлидаги калтаклари ерга тушиб кетса, яна бири отдан йиқиларди. Бошқа бировлари эса мўлжалнинг охиригача борардилар-у, бироқ савовларни бир қанчасини йиқита олмасдилар. Хуллас, кўнгилдагидек бўлмаса-да, озчил болалар бир бало қилиб, шартни зўрға уддалардилар. Фақат биргина йигит буни тўла-тўқис бажара оларди. У отни чоптириб, қадаб қўйилган қамишларни ура кетди. Қўлларидаги калтаклар бирин-кетин айланиб келаверди. У шартни шундай бажара олдики, қойил қолмасликни иложи йўқ. Ҳаммани лол этиб, ҳайратга солган йигит ўша Ҳайитали бўлиб чиқди.

Болалар томонидан кўрсатилган бу томошани қарвондагилар ҳам тўхташиб, анча муддат кузатдилар. Қарвон таркибида сиёсатчилар бор бўлиб, кейинчалик улар қандайдир уруш олдидан тайёргарлик кўришаётганликлари ва ўша ерда йўл-йўлакай кўнгилларига ўтирган йигитларни ўз сафларига тақлиб қилиб юрганлари аён бўлди...

Қарвоннинг ҳам ўтганига бир неча йил бўлди. Шунча вақтдан бери Толлида йигит бўлиб қолган икки ёш ҳам кўринмай қолди. Бири - Ҳайитали бўлса, иккинчиси - Тошан Ҳасан ўғли эди.

2

1920 йил. Толли қишлоғи. Ҳали ҳам Ҳайиталидан дарак йўқ. Бозорбой ўғлининг йўлига кўз тикиб чарчади. Ниҳоят, у ўғлидан умидни узди. Қариндош-уруғларини чақириб, иси-чирогини ўтказиш кунини белгилаб олди. Тасодифни қарангки, худойи ўтказилаётган куни Ҳайитбек олти отлик йигитлар билан бирга Толлига кириб келишди. Улар Ватанни қизиллардан ҳимоя қилиш мақсадида махсус тайёргарлик кўриб, тўлиқ қуролланиб қайтандилар. Улар: Ҳайитбек, унинг ҳамқишлоғи Тошан, Норқобил, юрчилик Мамасайид, Алиқул калта, Эшқобил ва Сайимлар эди.

\* \* \*

Болалар қишлоқнинг кўчаларини чангитиб, ўйнашгани кенглик томон югура кетди. Негадир Юсуф дўстлари билан эмас, ёлғиз ўзи ўйнагиси келганди. У уйлари-дан сал нарироқда ўйнаб турувдиам, қишлоққа етти отлик киши кириб кела бошлади. Улар Юсуфдан узокроқда бўлса-да, шулардан иккиси унинг кўзига иссиқ кўринди. Отлиқлар бир пасда Юсуфнинг ёнига етиб келишди. Энди у кўзига илиқ кўринган кишиларни ростакамига таниди. Бири катта акаси Тошан бўлса, иккинчиси эса ҳамқишлоғи Ҳайитбек эди. Ҳайитбекнинг кетидан етаклама, яъни эргаштириб келаётган иккинчи от ҳам бор эди.

Тошан уйлари ёнига келгач, отдан тушди-да, йўлга кўринмайдиган жойга, қора уйнинг ён тарафига ўтказиб бойлади. Сўнг уйга кириб, онаси ва инилари билан кучоқ очишиб кўришишди.

Тошан иниларининг қўлларига икки донадан подшойи танга бериб тарқатди. Кейин Юсуфга:

- Йўлда кетимиздан қизиллар тушиб эди. Уларни адаштириб келувдик. Айланиб қишлоққа ҳам кириб ке-

лишлари мумкин. Сен ташқарида ўйнаб тургин. Мабодо, бегона кишилар кўрингудек бўлса, дарҳол менга хабарини етказгин, - деб тайин қилди.

Юсуф кўчага қараб чопқиллаганича кетди.

Бозорбойнинг хонадонига оға-инилар, яқинлари ва қариндош-уруғлари жам бўлишган. Ҳайиталининг ҳақиға худойи берилмоқда. Узоқ ва яқиндан хабардор бўлган кишилар фотиҳа ўқишиб, келиб-кейтиб туришибди. Бехосдан шу қишлоқли бир киши югурганича Бозорбойнинг хонадонига кириб келди.

- Суючи беринглар, суюнчи! Ҳайитали тирик экан. Ҳозир шу ерга етиб келади, - деди ҳаяжонда.

Бозорбой шошилиб кўчага чиқди. Ҳайитбек ҳам бир неча отлик кишилар билан етиб келишди. Аза тўйга айланди.

Юсуф тенгқурлари билан йўлда ўйнаётганди. Узоқдан кўп одам от чоптириб келаётганлиги кўзга тушланди. Юсуф акасини бундан огоҳ қилиш мақсадида уйлари томон югура кетди.

- Ака, Тошан ака! Келишяпти, - деб уй ичкарасига ҳовлиқиб кирди. Тошан ўрнидан турди-да, оти томон шошилди.

Бир зумда қизиллар қишлоққа кириб келишди. Унгача Ҳайитбек ўз йигитлари билан чиқиб кетишга улгуришган эдилар. Отряд уларнинг изидан кува кетди. Ўртада отишма бошланди. Қўштегирмон қишлоғи яқинида Мамасайидга ўқ теғди. У ўша ернинг ўзида жон берди. Тўхтовсиз отилган ўқлардан бири Ҳайитбек миниб кетаётган отни яралади. У дарҳол орқасидан эргаштириб келаётган тарлон отнинг устига ўтиб олди-да, қамчи уриб Сурхон томон учди. Қолганлар ҳам қизилларни йўлда адаштириб, чалғитиб Сурхондарё бўйидаги тўқайзорда учрашдилар.

Ҳайитбек отини етаклаб дарё бўйига борди. Отнинг сувсаганлиги унинг дарё томон юрганлигидан сезиларди. Ҳайитбек отнинг жиловидан қўлини олиб, қўйиб юборди-да, ўзи узоқроқдан туриб отнинг сув ичаётганини кузата бошлади. Хаёлидан ўтган кунлари кеча бошлади.

У бир неча йил махсус тайёргарлик кўрилган жойда ҳарбий маҳорат кўрсатиб, барчанинг эътиборини ўзига жалб қилганди. Унинг машғулотларда отган ўқи мўлжалга бехато теғар, яккама-якка бўлган курашдами ёки қиличбозликдами, у доим ғолиб чиқарди. От минишда эса ҳар хил хунар кўрсатиб, бошлиқларнинг ҳавасини уйғота оларди. Уни ўша ерда сўнгги йиллари барча бек деб атайдиган бўлишди. Бошлиқ беклардан бири уни ёқтириб қолиб, унга тарлон совға қилганди. Шунинг учун ҳам тухфа қилинган отни авайлаб, ҳатто минмасдан эргаштириб келаётганди. От дарёдан тўйиб сув ичиб бўлгач, Ҳайитбекка қаради...

Қизил аскарлар Ҳайитбекни толлилиқ эканлигини билиб олишгач, қишлоққа тинчлик беришмади. Айниқса, Бозорбойнинг уйи уларнинг кўз остига олинди. Бу нотинчиликлардан безор бўлган бир неча хонадон, ҳатто пишиб ўримга тайёр бўлиб қолган буғдойларини ташлаб бўлса ҳам, Толлидан Жолти қишлоғига кўчдилар.

3

1920 йиллар. Иброҳимбек бошлиқ кўшин катта жанга тайёргарлик кўрмоқда. Улар Овчи атрофидаги қишлоқларда жойлашишган. Иброҳимбек лашкарлари таркибида бўлган Ҳайитбек эса йигитлари билан Овчи қишлоғининг ўзида кўноқ топишди. Шу атрофдан ҳам анчамунча йигитлар келиб қўшилиб, лашкар сони кўпая борди.

Бойсунлик Эшим чўпон адирма-адир укасини қиди-

риб кетаётганди, тўсатдан жанг бораётган жойдан устидан чиқиб қолди. На ортига ва на олдига қараб юришни билди. Жанг эса шиддатли бормоқда эди. Кейин у ўзича: "Ўзим тепалиқда турибман. Кўзга ташланадиган жой бўлса. Улар ёки буларми менга қараб ўқ узишса борми ёки от чоптириб келишиб чопиб ташламасалар тагин", деб ўйлаб эшакнинг қозигини ерга қадади. Ерга ётиб олди. Устига эса желагини тортди. Ўқларнинг овози, қиличларнинг жаранг-жаранг товушлари унинг бемалол ётишига ҳалал берарди. Чидаялмасдан бошини сал кўтариб кенгликдаги жангни кузатиб турди. Урушда Иброҳимбек лашкарларининг қўли балан келарди. Қизиллар талвасага тушиб, ҳар томон тўзғий бошлади.

Бир йигит отда юқоридан пастга қараб қочаверди. Орқасидан эса олти-етти қизил аскар қувиб келишмоқда. Йигитнинг минган оти кўпқариларга кўп қўшилганга ўхшайди, ўзи ҳам чаққон шекилли, чопаятган жойидан тўсатдан ўнга бурилади. Куваётганларнинг отларида ҳам, ўзларида ҳам бундай эпчиллик йўқлиги сезилди. Улар отларини тўхата олмай, тўппа-тўғри пастга қаарб эниб кетавердилар. Йигит отнинг устидан тушди-да, қиличини кўтариб, уларнинг орқасидан ташлаиб, хужумга ўтди. Бир пастда душманларини ер тишлатди. Тепалиқдан эҳтиёткорлик билан кузатиб турган киши сал кейинроқ, яъни унга яқинроқ келгач, ўша йигитни таниди. Бу Ҳайитбек эди.

Ўша жангдан сўнг, қўлга туширган қуроллар эвазига Ҳайитбек йигитлари билан тўлиқ қуролландилар. Жангда қизил аскарлар кўп талофат кўришди.

4

1920 йилнинг ноябрига келиб Шарқий Бухорода аҳвол жиддий тус олди. Амир кўшинларининг хужумга ўтиш хавфи бор эди. Ана шу танг кунлари қизиллар сафига ёрдам кучи келиб қўшилди. Марсов қўмондонлигида "Ҳисор экспедиция" отряди ташкил этилди. "Ҳисор экспедиция"си отряднинг бирлашган ҳарбий қисмлари таркибида Михаил Ефимович Рогонов қўмондонлигидаги икки отлик полки бўлган биринчи отлик, Владимир Григорьевич Дьяконовнинг биринчи отлик тоғ батареяси, отряднинг командири қилиб тайинланган Владимир Михайлович Ионоунинг Туркистон отлик дивизияси ҳарбий ҳаракатларга шай бўлиб турарди.

1921 йилнинг бешинчи январ куни. Экспедиция қисмлари амирнинг Дарбанддаги кўшинига қарши шиддатли хужумга ўтди. Саримаст тоғи устидан ошиб, Амир кўшинининг орқа тарафидан зарба бердилар. Амир кўшини Бойсун ва Шерободга чекинишга мажбур бўлди.

Қизил кўшин Бойсун шаҳрини хужум билан ишғол қилди. Бойсуннинг шарқ томонидан бек Олимжон ўз йигитлари билан хужумга ўтди. Шаҳар кўчаларида найзабозлик бошланди. Қизил отлиқларнинг Волков бошчилигидаги олтинчи полки уларга қаттиқ талофат етказди.

\* \* \*

Бақати қишлоғи Боботоғнинг этагидаги адирликда жойлашган. Ери нотекис бўлганлиги учун аҳоли ҳар ер-ҳар ерда яшарди. Сон жиҳатидан бошқа қишлоқларга қараганда кўп эди.

Киш кириб келган. Совуқ ўз ҳукмини ўтказмоқда. Бир томони Сурхон дарёсидан эсаётган совуқ шамол Бақатини ҳам четлаб ўтмасди. Совуқ совуқлигини қилсада, болаларнинг ўйинларига ҳалал беролмасди. Болалар иссиқ, қалин уст-бошига ўраниб олиб, қор устида ўйнашгани-ўйнашган.

Абдурахмон кўчада тенгқурлари билан ўйнаб турувдям, энаси уни ёнига қақриб қолди. Ўйинни ташлаб кетишига қизганса-да, ноилоҳ волидасининг олдига бор-



ди. Уйга кириши биланоқ янги пишган ноннинг ёқимли ихди унинг димоғига урилди. Энаси тандирдан янги узган кулчаларни дастурхонга ўраб олиб хуржунга жойлаштираётган экан. Мирза ўғли Абдурахмонни ёнига чақириб:

- Ўғлим, сен укаларингга бош бўлиб тургин. Энангни айтганларига қулоқ солинглар. Вазият огирлашиб бормоқда. Душманлар уруш бошлаб, бостириб келаётган эмиш. Эҳтиёт бўлиб ётинглар, - деб тайин қилди.

Ўша куни бошқа қишлоқдагилар каби Бақатидан ҳам анча киши Бойсун томонга йўл олди.

Ҳамон газага кетганлардан тайинли бир хабар йўқ. Начора, кутишдан ўзга чора йўқ, Ниҳоят йигитлар қишлоқларига қайта бошладилар. Қайтмаганлар ҳам бўлди. Қайтганларнинг эса кайфиятлари бузуқ эди.

Мирза ҳовлисига маъюс ҳолда кириб келди. Кўнглида қандайдир ғашлик борлиги сезилиб турарди. Дарҳол капаларни буза кетди.

- Тинчликми? - сўради Абдурахмоннинг энаси.

- Ёрдам беринглар. Керакли нарсаларни тезроқ йиштириб олайлик. Боботоққа қочамиз. Қизиллар Бойсунни эгаллаб, бизларни Миршодигача қувиб келишди, - деди у. Сўнгра, бир уф тортиди-да: - Уларнинг қуроллари зўр экан. Ҳаммалари отда. Бизларда эса қуроласлаҳа кам. Боз устига, отлар ҳам етишмасди. Кўпчилик қуролсиз борган. Улар жуда кўп одамларни қириб ташлашди. Қуруқ таёқ билан енгиб бўлармиди? - деди афсусланиб.

Қишлоқдагилар керакли бўлган нарсаларни тўплашиб, ҳовли, айримлари эса мол-ҳолларини ташлаб бўлса ҳам, бола-чақаларини олиб, тоққа қараб кўчишди. Қишлоқ хувиллаб қолди.

5

Денов чор-атрофи тоғлар билан ўралган. Ўша тоғ ён бағирларида Денов беклигига қарашли бўлган бир неча қишлоқлар жойлашган. Шулардан бири Ойбарак қишлоғидир. Қишлоқ кун ботар тарафдаги тоғ этагида жойлашган бўлиб, аҳолиси асосан узумчилик билан шуғулланишарди.

Узум пишиги пайти. Абдураззоқ энди ўн тўрт ёшни қаршилаган. Отаси Тоғай ҳаммаларини каллайи-сахардан уйғотиб, узум теришга олиб борди. Улар ғайрат билан узум теришаётгандилар. Тўсатдан пастдан ўқ овози эшитилди. Тоғай болаларига пайкал ичига яширинишни буюрди ва ўзи ҳам паналади. Абдураззоқ эса пайкалдан бошини кўтариб, пастга қараб-қараб кўярди.

Уч қизил аскар бир отни қувиб келишарди. Отда одам борлиги сезилмасди. Ёлғиз отни уч киши қувиб келаётганига Абдураззоқ ажабланиб:

- Ота, нега улар отни қувиб келишяпти? - деб сўради.

- Секин гапир. Ўзларингни кўрсатиб қўйманглар. Эҳтиёткорлик билан қаранглар. Қизил аскарлар Ҳайитбекни қувиб келишмоқда, - деди Тоғай.

- Ҳайитбек дейсизми?

- Ҳа.

- Отда ҳеч ким йўқ-ку.

- Ҳайитбекни билмайсизлар-да, У ҳозир отнинг ёнбошида бўлиши керак. Отда юрган пайтларида унга ўн, ўн беш одам бас келолмайди. Уни отиш ҳам қийин. Қилич билан рўбарў келадиган одамнинг ўзи йўқ, - деди Тоғай.

Олдинда югуриб кетаётган от бир чуқурлик ёнидан ўтаётгудай, бир нарса отдан чуқур ичига тушиб қолгандек бўлди. От чуқурдан анча нарига бориб тўхтади. Қувиб келаётганлар бундан беҳабар қолишиб, отнинг тўхтаганини кўришгач, ҳайрон қолишди. Отнинг ёлғиз ўзи тур-

ганди. Улар шу атрофда айланиб қолдилар. Ҳар томонга назар солишарди. Ораларидан бири чуқур ёнига келувдям, бир шарпа чиққандек бўлди, от устидаги қизил аскар тап этиб чуқур ичига тушиб кетди. Шерикларининг кўринмай қолганидан бу икки аскар талвасага тушиб қолишди. Бир оз вақт ўтгач, аскарлардан яна бири билмаган ҳолда чуқур олдига келиб қолди. Буниси оти билан бирга қулади. Учинчи аскар қочиб қолди.

6

Толли. Қизиллар ҳали шу атроф ҳудудларда ўз ҳукмронлигини тўлиқ ўрнатганича йўқ. Қишлоқни кучайтирилган назорат остига олишганлари билан Ҳайитбек қишлоққа аҳён-аҳёнда келиб турарди. У ўз она қишлоғига бирон марта ҳам атрофига ясавуллари олиб, йигитлар билан от солиб келмаган. Бундай ишни қишлоғи ва қишлоқдошлари учун ҳурматсизлик деб биларди. Қишлоқ ёнидан "Баротбой" ва "Жуннисой" деб аталган сойлар оқиб ўтади. Атрофида ўсиб ётган янтоқлар, қамишлар шундай баланд бўлиб бўй чўзганки, кўрганни ҳайратга солмасдан қўймасди. Айниқса, Ёнтоқсойни оралаб юрган отлик одам аранг кўринди.

Ёз кунларининг бирида Ҳайитбек шу атрофда кўналға топди. Атрофга соқчиларни жойлаштириб, бирон-ярим ўтаётган одамлардан вазиятни суриштириб турди. Ишончлиларини ўтказиб юборар, гумонсираганларини эса маълум бир муддат ушлаб турарди.

Ҳайитбек қишлоқнинг оқсоқолларини чақиртириб, отларига ем, ўзларига озиқ-овқат тўплаб келишлари учун буйруқ берди.

Кеч тушди. Ҳайитбек кунни қоронғулатиб, ёлғиз ўзи қишлоққа кириб борди. Унинг она қишлоғидан чиқиб кетганига анча йил бўлган. Яқинлари ва қишлоқдошларини жуда-жуда соғинган. Айниқса, ўз тенги бўйинсаларининг суҳбатларини ҳамиша қўмсар, улар билан бирга бўлгиси келар эди. У яқинларидан хабар олди-да, отини миниб, бўйинсалари томон ошиқди. Қишлоқ йигитлари кун бўйи қилган меҳнатларининг чарчоғини чиқариш мақсадида, кеч тушгач, ҳар доимгидек қишлоқ оқсоқолининг сомонхонасида тўпланишарди. Бу йигин жойини Ҳайитбек жуда яхши билади.

Кеч тушиб, ҳамма ёқ зимистонга айланган пайт. Ҳайитбек сомонхона эшигини секингина очди.

Сомонхонада Ҳайитбекнинг амакиси Мўминсаркорнинг кичик ўғли Назармат ҳам бор эди. У танигандек бўлиб:

- Бу Ҳайит акамга ўхшаяпти, - деб юборди.

Ҳайитбек иқрор бўлиб, ўзини таниди. Шу тун сомонхонада тенгқур бўйинсалар тонггача суҳбат қуриб, бироз бўлса-да, олам ташвишидан ҳоли бўлишди. Йигитларнинг бари шу ерда тунаб қолишди.

Ҳар ерда маҳаллий халқ вакилларидан қизил отрядлар тузила бошланди. Шулардан бири - Тулалик мулла Эрдон эди. Оқ юзли, кўзлари мовий рангдан келганлиги учунми ёки қизилларга сотилиб, отряд бошлиғи бўлганлигиданмикан, халқ уни Эрдон кофур деб атайдиган бўлганди.

Эрдон кофур отряди Ҳайитбекни ушлаш мақсадида Толли қишлоғига кўп келиб турадиган бўлди. Бир куни Эрдон командир ёлғиз ўзи Ҳайитбекнинг отаси Бозорбой ёнига келди. Аслида Эрдоннинг Ҳайитбекларга қариндошлик томони ҳам бор эди. Шу туфайли ота Эрдонни илиқ кутиб олди.

- Ҳайиткал қани? - сўради Эрдон.

- Билмайман. Анчадан бери уни кўрганим йўқ, - деб жавоб қилди Бозор.

Эрдоннинг жаҳли чиқиб отдан тушдида, қамчини Бозорнинг ияги тагига олиб бориб дўқ уриб ҳақоратлай бошлади. Лекин тўсатдан у отига шошилич равишда

миндию, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Бозор бу ҳолни кўриб, аввалига ҳайрон қолди. Сўнгра бунинг сабабини тушуниб етди. Қишлоққа Ҳайитбек кириб келаётган экан. Эрдон Ҳайитбекдан ниҳоятда кўрқарди.

Ҳайитбекни қўлга тушириш мақсадида қизиллар Толли қишлоғини исканжага олишди. Натижада Ҳайитбек ўз яқинларидан хабар олиш имконидан ҳам маҳрум бўлди.

Эрдон кофур бир куни яна Бозорниқига келиб, хонадондагиларнинг барисини уриб-сўкиб, мол-мулкларини мусодара қилиб кетди. Фақатгина далада қолиб кетган биргина тирриқ от олиб кетилмади. Ҳатто, қора уй, капаларини ҳам бузиб, отларга юклаб кетгандилар.

Оқибатда Бозор оиласи билан кўчада қолиб, ҳар кимнинг уйларига бўлиниб кун ўтказа бошлади.

7

Эрта кўклам. Март ойининг совуқ кунлари. Майдалаб ёғаётган қор ер юзини қоплай олмаса-да, изгиринли шамол юзни, қулоқларни гўёки ўйиб юбораётган даражада. Шундай кунда Ҳайитбек бошлиқ йигитлар йўлларида давом этиб, Тула қишлоғи сари боришарди. Улар йўлда Эрдон кофур отрядидаг дуч келишди. Одатдагидек, Ҳайитбек жангдан кейинги учрашадиган мўлжал жойни эълон қилди-да, йигитлари билан бирга Эрдон кофур отряди устига ҳужум бошлади. Майдонда ҳайқириқлар, отишмалар, қиличларнинг жаранг-жаранг этган овозлари авжа чикди. Жангда устунлик секин-аста Ҳайитбек томон ўтаётганлиги сезила бошлади.

Ҳайитбек Эрдонни мўлжал қилиб, унга яқинлаша борди. Хавфсизроқ бўлган жойдан жангни кузатиб турган Эрдоннинг кўзи беихтиёр унга яқинлашиб келаётган Ҳайитбекка тушди. Юзидан ранг-қути учи, ҳеч иккиланмасдан қочмоқликка тушди. Ҳайитбек уни Қорлиқ қишлоғига қувиб борди. Эрдоннинг эрта пайқаб, қочганлиги наф бериб, Ҳайитбекни ортда қолдириб кетди...

Кечга яқин Туладаги жанг ҳам поёнига етиб қолди. Ҳар томон тарқалиб жанг қилишган йигитлар мўлжалланган жойга бориб йиғила бошлашди. Ҳайитбек ҳам тўлиб-тошиб оқаётган Сурхондарёдан амаллаб кечиб ўтди-да, белгиланган жойга етиб келди. Қоронғу тушиб қолган. Тўпланган йигитларини йўқлама қилиш мақсадида, уларни кўздан кечиб чикди. Бир отда икки киши ўтирганини кўриб:

- Мингашган киши ким? - деб сўради ундан яқинроқ бориб.

- Аёл киши, - жавоб қилди йигит.

- Нега уни олиб юриьсан?

- Ахир, бу душманамиз Эрдон кофурнинг келини. У билан ўйнашиб, эрмак қилсак, девудим. Бунинг нимаси ёмон?

Ҳайитбекнинг жаҳли чиқиб кетди.

- Бу аёлни қаердан олиб келган бўлсанг, ўша ерга соғ-омон олиб бориб қўйгин. Агар бирон бир зиёнлик етказадиган бўлсанг, мендан омонлик кутма. Ахир, биз нима мақсадда юриьмиз-у, сен нима иш қилиб юриьсан? Она-тупроқ мустақиллиги йўлида, иймон йўлида юрган одамлар шундай иш қиладими? Гуноҳкор Эрдоннинг ўзику, бу аёлда не гуноҳ. Ҳозироқ йўлга туш. Уни ўз уйига етказ. Қайтгач, бизларни Боқатидан топасан, - деб уқтирди-да, қолган йигитлари билан йўлга тушди.

8

Боботоғ. Гўзал баҳор. Кўз илғамас узоқ-узоқларгача табиатнинг яшил гилами ёйилган.

Чўпон йигит қўйларнинг яйраб ўтлашига, баҳорнинг мафтун этувчи оромбахш ҳавосига маст бўлиб ёнбошлади. Ундан бир неча қадам нарида олапар ити ётибди.

Қуёш ғарбга оққан. Бирдан тепанинг нарёғидан бир

гуруҳ отлик чиқиб қолди. Ҳаммаси қуролланган. Олдиндаги тўриқ отда Ҳайитбекнинг ўзи. Улар Иброҳимбек хузуридан қайтишаётган эдилар.

- Ассалому алайкум, бек бобо! Келинлар, - деди чўпон йигит ўрнидан ирғиб туриб.

- Ҳой, йигит! Икки қўйингни бизларга бера оласанми? - сўради бек.

- Бек бобо, садағангиз кетай, қўйларнинг ўз эгаси бор. Ундан сўроксиз бериб ўлмас, - деб икки қўлини кўксига қўйиб жавоб қилди у.

- Эгаси шу ерга яқинми?

- Хув анаву кўриниб турган қапада.

- Бориб келгин. Ҳайитбек айтапти, дегин, майлими? - деди бек. Чўпон йигит юргунанича отасининг олдига - қапага кетди. Отаси рози бўлди, шекилли, йигит бир зумда қайтиб келди. Сўнгра у:

- Марҳамат. Танлаб олинглар, бек бобо! - деди.

Ҳайитбек йигитларидан бирига:

- Ака у олабош билан манавусини ушла, - деб қўйруғи силкиллаб турган ола тўқлини кўрсатди.

Йигитлар бек кўрсатган қўйларни ушлашиб, бир чеккага ўтказишдилар-да, ҳалоллаб сўйдилар. Йўлда икки йигит бир қучоқдан равоч тери олишганди. Уни ҳам дастурхонга қўйишди. Баҳорнинг янгилиги ҳисобланмиш равочни айниқса, чўпон йигит маза қилиб тузлаб еди.

Хуллас, ўша куни Ҳайитбек йигитлари билан ўша ернинг ўзида зиёфат уюштириб, қўй гўшtidан тўйганларича тановул қилишди. Қайтар пайти чўпон йигитни чақириб:

- Ҳой, чўпон! Сенга катта раҳмат. Қўйларнинг эгасига бизнинг номимиздан миннатдорчилик билдирасан, - дея Ҳайитбек белбоғидаги бойловли бир тугунчани олиб узатди.

Тугунча ичидаги пулга беш-олти қўй берарди.

9

...Унчалик катта бўлмаган Даҳана қишлоғи худуди баланд-пастликдан иборат, аҳоли уйларини сел тошқинларидан хавфсизроқ бўлганлиги учун тепаликларда қуришган. Дехқончилик боғ-роғлари эса суғоришга қулай бўлган пастликда жойлашган. Барот элбегининг уйи тепаликлардан бирида. Ҳовлисининг пастида ёзда дам оладиган жойи бор. Ҳовузнинг гирд атрофи дарахтзор. Айниқса, ёнғоқ дарахти бирам ёйилиб ўсганки, соясида қурилган супада ўн беш-йигирма нафар одам бемалол жойлаша олади.

Барот элбегининг назоратида бўлган худуддаги кишилар экиш ва йиғим-терим пайтлари таътилга чиқишса, ўша ҳовуз бўйидаги супада дам олишарди. Овқатлари учун кетадиган барча ҳаражатлар элбегининг ҳисобидан бўларди. Элбегининг ўша дам оладиган супасида Ҳайитбек ҳам ўз йигитлари билан бир неча марта ҳордиқ чикаришганди. Ҳар гал у келгудек бўлса, ҳовуз бўйида жуда кўп одам тўпланарди. Чунки Ҳайитбек созини шундай сеҳр ва меҳр билан чертардики, терма ёки дoston қуйлаганда эшитган одам борки, унга яқин келмасликдан ўзга илож топа олмасди.

Бу сафар ҳам Ҳайитбек йигитлари билан Барот элбегининг ҳовузи бўйига ташриф буюрди. Элбеги иш билан чиқиб кетган экан. Меҳмонларга эса унинг ўғи пешвоз чиқди.

- Ассалому алайкум! Уш келибсиз! - деб икки қўлини кўксига қўйди Худойкул.

- Тақсир, рухсат берсангиз, шу супада бироз дам олсак, - деди Ҳайитбек.

- Албатта. Марҳамат қилинлар. Ҳар доим дам оладиган жойларингиз-ку, - жавоб берди у.

- Ҳа, айтгандай, ташвишга ўрин йўқ. Обу номимиз ўзимиз билан бирга. Бемалол ўз ишингизни қилаверинг, - деди Ҳайитбек.





Барот элбеги шаҳарга тушиб, ишларини бажариб бўлгач, яна Даҳанага қайтди. Ҳовлига ҳали кириб улгурмаган эди, ўғил пастда меҳмонлар борлигини айтиб қолди. У отдан тушди-да, ҳовуз томон юра бошлади. Пастга тушмасданок унинг кўзи ёнғоқ дарахтига қўлтиғидан осиб кўйилган одамга тушди. Меҳмонлар эса пинагини бузмай бемалол ўтиришардилар.

- Ассалому алайкум, бек! Мен учун шу одамни кўйиб юборинглар, - деди Барот элбеги.

Меҳмонлар Элбегига нисбатан ҳурмат бажо келтириб, ўринларидан туришди.

- Элбеги жаноблари! Бекорга ўртага тушаяпсиз. Ахир бу одамнинг қандай эканлигини билмайсиз-ку? - деди Хайитбек.

- Менинг даргоҳимдан ҳеч ким хафа бўлиб кетмаган. Илтимос қиламан: шу одамни кўйиб юборинглар! - деб Барот Элбеги меҳмонлар томон пастга қараб тушиб келаверди. Меҳмонлар элбеги билан куюк сўрашиб чиқдилар.

Хайитбек йигитларига бир имо қилувди, икки йигит дарахт тепасига чиқиб, бандини бўшатиб тушишди. Хайитбек:

- Мана, бу маротаба ҳам омадинг келди, қутилдинг. Яна шу ишингни давом эттиргудек бўлсанг, ўзингдан кўр. Бу дафъасида қаттиқ хафа қиламан, - деб бандига жавоб бериб юборди.

- Қани, бек. Дўмбирангизни қўлга олиб, бир жўшиб куйлаб берсангиз, - деди элбеги.

Хайитбек Барот элбегининг сўзини ҳечам ерда қолдирмасди. У созини қўлга олиб, куйлай бошлади. Дўмбирадан янграётган куй барчани сеҳри билан ўзига ром этди. Бир маҳал кўриқчилардан бири шошилишч от чоптириб келиб, ўтирганларнинг эътиборини чалғитди.

- Бек! Ҳалиги одам ўзи билан бирга бир отряд қизилларни бошлаб келмоқда! - деди.

- Сизнинг рўйи-хотирингиз учун уни кўйиб юборгандим. Унинг қандай одам эканлигини яхши билмас эдингиз. Ана, кўрдингизми, у қанақа инсон, у ўғри ҳамда соткин! - деди Хайитбек элбегига қараб.

Булар отряддагиларга нисбатан озчиликни ташкил қиларди. Боз устига, Барот элбегининг хонадонидан қон тўкилмаслиги учун ҳам улар бу ерни тарк этишди. Элбеги эса қилган ишидан пушаймон бўлганича қолаверди...

## 10

Бир неча йиллардан буён ушлаёлмаганлиги сабабли Деновда Хайитбекнинг боши учун қизиллар жуда катта миқдорда мукофот эълон қилишганди. Мукофот эълон қилинган, Хайитбекнинг ўзини қўлга тушириш мақсадида якка ҳолда қидирувчилар ҳам кўпайиб қолди. Шундайлардан бири - Мирза Эсон эди. У ҳам Хайитбекни қўлга тушириш ниятида, ҳеч кимга сездирмасдан, ўзича қишлоқма-қишлоқ кезиб юрадиган бўлди.

Бир куни Мирза Эсон Хайитбекни қидириб, Олатемир қишлоғига бориб қолди. Ўша қишлоқда Эсоннинг яқин қариндоши яшарди. Бироз дам олиши учун унинг уйига борди. Ортиқ бобо Эсонни яхши кутиб олиб, меҳмон қилди. Дастурхон бошида Мирза Эсон Хайитбекни ушлаб бериш мақсади борлигини ошқора этди. Шунда Ортиқ бобонинг жаҳли чиқиб:

- Нима деяётганингни биласанми, ўзи? Эҳтиёт бўлгин, Хайитбекнинг қандай одам эканлигини билмайсан, шекилли, - деди.

- Нима деяпсиз? Ёлғиз ўзини учратиб қолсам бўлгани. Қўлимда қуролим бор. Отаману қўяман.

Аввалига Ортиқ бобо анча насиҳат қилди. Ҳеч бўлмагач:

- Ўзинг биласан, - деб қўйди.

Қариндошлар куёш ботгунга қадар суҳбат қуришди.

Кеч тушди. Кўча тарафдан бир гала отларнинг гупур-гупурлаб келаётган овози эшитила бошланди. Гўё келишилганидек, отлиқлар тўппа-тўғри Ортиқ бобонинг дарвозаси ёнига келиб тўхташди. Хонадон эгаси меҳмонларга пешвоз чиқди. Отлиқлардан фақатгина Хайитбекнинг ўзи Ортиқ бобонинг хонадонига қоладиган бўлди. Буни кутмаган Эсон зудлик билан ўзини оғилхона ичига олди. Хайитбек отдан тушди-да, отини етаклаб Ортиқ бобонинг ҳовлисига кирди. Ортиқ бобо бекнинг қўлидан отини олиб, ўзи оғилхонага олиб кирмоқчи бўлувчи, Хайитбек кўнмади, Бекнинг ўзи отини оғилхона ичкарасига олиб кирди. Ортиқ бобо данг қотди. Бир оз вақт у ўқ овози чиқишини кутаётгандек бўлди. Аммо ўқ отилмади. Аксинча, Хайитбек оғилхона ичидан эсон-омон чиқиб келди. Ортиқ бобо бекни меҳмонхонага таклиф этди...

Вақт алламаҳалдан ошавергач, Хайитбек қайтажагини билдирди. Шунда:

- Тўхтанг, бек. Энди навбат бизга. Отингизни ўзим олиб чиқаман, - деди Ортиқ бобо.

Бу гал ҳам Хайитбек кўнмади. Тагин отини ўзи оғилхона ичидан олиб чиқди. Ортиқ бобо меҳмонни дарвоза ташқарисига кузатиб қўйди. У кўздан ғойиб бўлгунча ичкарига кирмади. Ортиқ бобо чўпдан ясалган дарвоза иллагини ўтказди-да, Эсондан хабар олгани оғилхона ичига кирди. Эсон охурнинг орқасига ўтиб, яшириниб ётибди. Қўлида эса қурол.

- Ҳа, Эсон. Тирикмисиз? - сўради Ортиқ бобо.

- Ортиқ бобо, айтганингиз рост экан. Хайитбекнинг бир балоси боров. Уни кўрган заҳотиёқ ичимда бир гулгула пайдо бўлди. Сал бўлмаса, жоним чиқиб кетаёзди, - деди Мирза Эсон.

- Мен сенга нима девдим, - деди гапининг тасдигидан мамнун бўлган Ортиқ бобо.

Шу кундан бошлаб Мирза Эсон Хайитбекнинг изига тушишдан бош тортди.

\* \* \*

Деновда Хайитбекнинг ўлдирилгани тўғрисидаги хабар катта шов-шувга сабаб бўлди. Унинг боши бир ҳафта давомида Саййид-Оталиқ мадрасасининг олдида осиб кўйилибди. Бу ишни заҳартепалик Абдишукур исмли киши қилган экан. Бу иши учун катта мукофотга эга ҳам бўлибди, деган гаплар тарқалди. Миш-мишлар Хайитбекнинг отаси Бозорнинг ҳам қулоғига бориб етди. У қаттиқ ҳаяжонга тушиб, кичик ўғлини ёнига қақирди.

- Ҳамза, болам. Деновга боргин-чи. Мадраса олдида акангнинг бошини олиб кўйишганмиш. Ҳамма шундай деяпти, - деди.

Ҳамза Деновга йўл олди. Мадраса олдида ҳақиқатдан ҳам бир одамнинг боши осилган ҳолда турибди. Яқинроқ бориб қаради. Осиб кўйилган бошни Ҳамза таниди. У ободонлик Шафоат исмли кишининг боши эди. Шафоатнинг ҳам Хайитбекдек боши кал эди.

Ўша кунлари Хайитбек Боботоғ, Кафарнихон дарёси бўйларида, Қоратоғ томонларда юрганди. Анча кунлардан сўнг Хайитбек бу тарафларга ҳам етиб келди.

Хайитбек Абдишукурнинг изидан тушди. Абдишукур Деновдан Бақатидаги гарнизонга маълумотлар етказиб турарди. У Бақатидан қайтишда Эшакўлди қишлоғидан ўтарди. Шунинг учун ҳам Хайитбек уни шу қишлоқнинг кун чиқар тарафидаги тепалиқда кутадиган бўлди. Кунларнинг бирида Абдишукур ҳамроҳлари - Норқобил ва Бойқобиллар билан Бақатидаги гарнизондан қайтишга ётгандилар. Кутилмаганда олдиларидан бир тўда отлиқлар чиқиб келди.

- Эҳ-ҳей, қандайсизлар? Худди сизларни қидириб юривдим. Омадни қаранг-а, ўзларингиз кеп қолдиларингиз, - деди майин оҳангда Хайитбек. Абдишукурнинг юзи

докадек оқариб кетди. Ҳайитбек қўлига созини олиб, куйлай бошлади:

Каллам кетди Абдишукурнинг қўлида,

Танам қолди тарлон ғирнинг белида...

Норқобил пайт пойлаб, қочиб қолди. Бек йигитлари қўлдан чиқариб юбормасликлари учун қолган бу иккинсининг атрофини ўраб олишди.

- Ҳа, кофур! Сотқин! Қайси бегуноҳнинг бошини олдинг? - деб жаҳл билан сўради Ҳайитбек.

Абдишукур аслида унга ўхшаш бир йигитнинг бошини олиб, қизилларга топширганди. Ўша йигитнинг бўйи Ҳайитбекникига нисбатан сал калтароқ бўлиб, бошқа томонлама фарқ қилмасди. Ақлий жиҳатдан сал заифроқ томони ҳам бор бўлиб, ўзини-ўзи "бекман" деб юрарди.

Ҳайитбек йигитлари Бойқобилнинг оёқ-қўлларини бойлаб қўйишди. Абдишукурни эса тепаликнинг орқасига олиб ўтишди ва... Қайтгач, Ҳайитбек Бойқобилнинг ёнига келди-да, унинг қўл-оёғини бўшатди.

- Энди навбат сенга. Таҳоратингни қилиб, намозингни ўқиб ол! - деди у ўшқириб.

Бойқобил икки ракаатлик намозини ўқиб бўлганидан сўнг боши эгилган ҳолда бек ёнига борди.

- Боботоғда, қизиллар билан бўлган жангда тоғанг катта ёрдам кўрсатганди. Душманларни қувишда ҳиссаси анча баланд бўлди. Ўша яхшиликлар эвазига омон қолгайсан, - деб Ҳайитбек Бойқобилга жавоб бериб юборди.

11

Ҳайрондаранинг кун чиқар томонига беш-олти чақиримча юрилганда, яъни Ободон тепаликларига яқин бўлган жойда эллик-олтмиш одамни отлари билан ўз бағрига сиғдира оладиган текислик бор. Атрофдан назар солиниб қаралса, ўша жой гўёки текисликдек кўринади. Қачонки, ўша жойнинг айнан устига бориб қаралсагина унинг қандайлиги сезилади. Бу кенглик ерга нисбатан чуқурликда жойлашган. Чуқурлик билан даланинг орасидаги фарқ икки от баландлигича чиқади. Ўша жой "Ҳайитбекжар" ёки "Ҳайитбеккўрғон" деб ҳам аталади.

Кеч тушди. Турдиали оқсоқол озиқ-овқатларни отига юклади-да, ўғли Жабборни ҳам бирга олиб, "Ҳайитбеккўрғон"га қараб йўлга тушди. Ёшгина Жаббор отаси ҳамроҳлигида бу ерга бир неча марта борган. Ҳар гал борганида Ҳайитбек уни ёнига ўтиргизиб, дўмбира чертиб, термалар куйлаб берарди. Жабборларнинг меҳмонхоналарида ҳам кўп бора дostonлар куйлаб айтган. Шундан бўлса керак, унинг Ҳайитбекка меҳри баланд эди. Йўлда у отасига Ҳайитбекка боғлиқ саволлар беравериб, безор қилиб юборди. Ҳали кўрғонга яқинлашганларича йўқ эдиларки, соқчиларга дуч кела бошлашди. Соқчилар Турдиали оқсоқолни яхши танир эдилар. Шу туфайли уни бемалол ўтказиб юборишарди.

Чуқурлик роса кенг эди. Лашкарларнинг отлари кўрғоннинг нариги чеккасида бойлаб қўйилган. Кўрғоннинг ҳар ер-ҳар ерида кўриқчилар юриб туришибди. Ўртада катта гулхан ёқилган. Кузатувчи соқчи меҳмонни Ҳайитбек ёнига бошлаб борди. Ҳайитбекнинг қўлида сози. Чертиб турган экан. Улар меҳмонларга ҳурмат бажо этиб, ўринларидан туришди. Ҳайитбек уларни дастурхонга таклиф этди. Анча суҳбатлашишди. Сўнгра Ҳайитбек ёнига ёшгина Жабборни чақириб олиб:

- Кел, яхшиси, сенга бир терма айтиб берай, - деб дўмбирасини черта бошлади. Бироз куй-нағмалардан чертди-да, кейин куйлай кетди.

Туя айтар боласини - бўтам,

Савдогарлар қаторига тортам.

Жилқа айтар боласини - қулуним,

Олис йўлни яқин қилган жон улим.

Қўй айтади боласини - қўзим,

Келгусида қурбонликка ўзим.

Эчки айтар боласини - улоғим,

Тоғдан тошга сакраб чопар чиноғим...

Хуфтон намозини бирга ўқишганларидан сўнг, Турдиали оқсоқол ўғли Жабборни олиб, уйига қайтди.

12

Бухоро амири тахтидан ағдарилгач, бутун мамлакат проқандага учради. Қийин аҳволда қолган халқ тушуниб бўлмайдиган воқеалардан таҳликали ҳаёт кечира бошлади. Бир куни Иброҳимбек фатвоси билан Деновда янги бек тайин қилинса, яна сал муддат ичида ҳокимият қизиллар қўлига ўтади. Хуллас, қайси бирлари идора қилишмасин, турмушнинг барча оғирликлари оддий халқ зиммасига тушарди. Айниқса, оқсоқолларга қийин эди. Негаки, қайси томон келса ҳам уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъмин қилишлари шарт.

Яссово қишлоғи оқсоқоли Эшнӣз бобонинг Ҳайитбекларга яқинлиги бор эди.

Ҳайитбек бир куни кечкурун йигитлари билан Яссово қишлоғига келди. Улар ҳам доимгидек бу ердаги меҳмонхонага жойлашишди. Суҳбат давомида шу қишлоқлик бир киши Эшнӣз оқсоқолнинг устидан тухмат ва бўҳтон сўзлар гапирди. Уни қизилларга ёрдам берувчи ҳамда қизилларнинг айғоқчиси сифатида баҳолади. Бу гапларни эшитган Ҳайитбекнинг жаҳли чиқиб, ётар пайти отланиб, ёлғиз ўзи оқсоқолнинг уйи томон йўл олди. Эшнӣз оқсоқолнинг уйига боргач, отнинг устидан туриб майин оҳангда:

- Эшнӣз бобо, ҳой бобожон! - деб чақира бошлади.

Ҳали уйкуга кетмаган оқсоқол Ҳайитбекнинг овозини таниди. У Ҳайитбекнинг одатини жуда яхши биларди. У кимнинг олдига ёмон ниятда боргудек бўлса, албатта жуда майин оҳангда гапирар эди. Хушмуомалада бўларди. Эшнӣз оқсоқол унинг ёмон ниятда келганлигини пайқаб, болаларига сездирмасдан секингина хотинини ёнига чақирди:

- Хотин. Кийимингни олиб келиб бер. Кийиб олиб, қочмасам бўлмайди, шекилли. У бекорга келмади-ёв, - деб турувди, Ҳайитбек тағин чақириб қолди.

- Ҳа, ҳозир! - деб юборди оқсоқол беихтиёр.

Энди у чиқишга мажбур. Негаки, уйда эканлигини сездириб қўйди. Эшнӣз бобо секин ташқарига чиқди. Дарвоза ёнида Ҳайитбек отнинг устида ўтирарди. Оқсоқолни кўргач, от устидан тушди-да, бобо билан саломлашди.

- Келинг, бек! Ичкарига марҳамат, - деди оқсоқол.

- Қуллуқ. Бошқа сафар...

- Бизга бирон хизмат борми?

- Вақтингиз бўлса, овлоқроқ жойга ўтиб, бир гаплашиб олсак, дегандим.

- Бажонидил, - деди-да оқсоқол Ҳайитбекнинг олдига тушиб, қишлоқ чекаси томон юра кетди.

Оқсоқол шошилгандан оёқяланг чиққан эди, йўлда оёқларига тикан кириб борарди. Негадир, ўзидан умид узганлиги сабабми, тиконларнинг кирганлари сезилмай, хатто унга эътибор бермай йўлда давом этарди. Унинг изидан эса бек отнинг устида борар эди. Овлоқроқ жойга ҳам бориб қолишди. Орадан анча вақт ўтган бўлса-да, оқсоқолнинг назарида бу ерга тез етиб келишгандек туюлди. Улар тўхташди.

- Гуноҳингизни биласизми? - сўради Ҳайитбек.

Эшнӣз оқсоқол бу саволга жавоб беролмасдан миқ этмай тураверди.

- Таҳоратингизни қилинг-да, вақт борлигида намозингизни ўқиб олинг.



Эшнӣёз оқсоқол жонидан умидини узган бўлса-да, ҳарна вақтни чўзиб намоз ўқийверди. Ҳар вақт у энгашиб, кўз қири билан бекка қараб-қараб қўярди. Бек эса қамчини эгарга таяб, иккинчи учига бошини кўйиб қимир этмасдан ўтирарди. Бир вақт у бошини кўтариб:

- Бўлдингизми? - деб сўради.

- Ҳа, - жавоб қилди оқсоқол.

- Одамларнинг айтишича, сиз кўп гуноҳ ишлар қилгансиз. Аммо айбингиз у даражада эмаслиги менга аён бўлди. Бўлди, энди бораверинг! - деб Ҳайитбек Эшнӣёз оқсоқолга жавоб бериб юборди.

Эшнӣёз оқсоқол уйи томон жўнар экан, оёқларига тиконлар кираётганлигини энди сеза бошлади...

13

Қирчиллама қиш. Ругубатли совуқ ўз ишини қилаётган пайт. Ҳаммаёқ оппоқ қор билан бурқалган. Эсаётган изғиринли шамол қулоқларни ўйиб олмоқда. Ҳақиқатан ҳам қиш аввалги йиллардан фарқли ўлароқ жуда қаттиқ келди.

Қизилларнинг бостириб келаётганлиги сабабли қишлоқларни ташлаб Боботоғ томон қочиб борганлар ўзларига енгил-елпи бошпана қуриб олишди. Бироқ ҳамма ҳам бошпана қуришга улгурганича йўқ эди. Турли қишлоқлардан кўчиб келганлар нотекис жойлашган бўлсалар-да, ҳар ҳолда, ўзларига яраша қишлоқ барпо этдилар.

Абдурахмон Чуқур қишлоқдан кўчиб келган янги қўшнисининг ўғли, тенгдоши бўлган Худойкул билан танишиб олди. Энди улар доим бирга ўйнайдиган бўлишди. Бир куни болалар ўйнаб турушувдилар, олдиларига бир тўда отликлар келиб қолишди. Худойкулнинг отаси Аликул уларга пешвоз чиқди.

- Ассалому алайкум! - деди у.

Саломга алик олган:

- Мабодо қизил аскарларни кўрмадингларми? - сўради Ҳайитбек.

- Бизлар кўрдик. Улар юқорига қараб ўтишди. Қизик, отларининг думлари калта экан, - жавоб берди Худойкул отасидан олдин.

Аликул ҳам ўғлининг гапини тасдиқлади. Ҳайитбек йигитлари билан уларнинг изларидан тушишди.

Орадан ойлар ўтиб, қиш ўз ўрнини баҳорга бўшатиб берди. Бу фасл Боботоққа ўзгача ҳаёт бахш этди. Эрталабдан қуёш чарақлаб чиқиб, заррин нурлари билан бутун борлиқни уйғота бошлаган. Айниқса, қир-адирнинг ям-яшил либосга бурқаниб олганлиги дилларга сурур, эртанги кунга умид бағишларди. Аммо қишлоқда аҳвол кундан-кунга оғирлашиб борарди. Аҳоли бир амаллаб кун кечирар эди.

Абдурахмон дўстининг уйларига бориб, Худойкулни ўйинга чақирди. У ҳам энди чиқмоқчи бўлиб турган экан. Улар чопқиллаганича кетишди. Бир зумда ям-яшил адирликка чиқиб олишди. Ўйинга бошқа болалар ҳам келиб қўшилишди. Чарчашгач, бироз дам олгани серўт жойни танлашди-да, ҳаммалари ўша ерга бориб ўтирдилар, баъзи бирлари ёнбошлади.

- Эшитдингларми? - гап бошлади Абдурахмон.

- Нимани? - қизиқиб сўради Худойкул.

- Қизиллар бор-ку, ҳалиги отларнинг думи қирқилган? Улар оташга миниб келишган эмишлар.

- Кимдан эшитдинг? - сўради тагин Худойкул.

- Кеча отамнинг олдиларига беш-олти киши келган эди. Улар шу ҳақда гапириб турган экан, эшитиб қолдим, - деди Абдурахмон.

- Оташ дегани қанақа нарса экан ўзи?

- У темир йўл устида юрармиш. Ичига бир қишлоқнинг одами бемалол кетар экан. Оташдан ташқари, яна

уларнинг бир нарсаси - аэроплан дегани ҳам бор эмиш. Осмонда учар экан. Ундан пастдагиларни бемалол кўриб отиб ташлашлари қулай экан.

- Йўғ-ей, бизларни ҳам отишадими? - сўради Худойкул.

- Билмасам... - жавоб қилди Абдурахмон.

Абдурахмондан эшитган гаплари Худойкулнинг қулогига кўрғошиндек қуюлди. Болалар орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, қулоқ билан эшитганларини кўзлари билан кўришди. Боботоғ осмони узра аэроплан учди. Деярли бутун қишлоқ аҳли даштга - томошага чиқишди. Аэроплан пайдо бўлган пайтда болалар тепалиқда ўйнашиб юривдилар. Шунда Худойкул барчага панага ўтишларини буюрди. Бироқ аэроплан Худойкул кутган нарсани қилмади. Аксинча, у жуда кўп мактубларни сочиб ўтди. Тепадан енгилгина учиб пастлаётган қоғозларни болалар "ким кўп терари" дейишиб, мусобақа бошлаб юбордилар. Бошқа болаларга нисбатан Худойкул кўпини терди. Болалар шунча мактубларни терганлари билан уларнинг бирортасини ҳам ўқий олмасдилар. Шунинг учун ҳам улар қоғозларни катталарга олиб бориб беришди. Катталардан маълум бўлдики, хатда:

"Халойик! Ўз қишлоқларингизга қайтингизлар. Колхўз тузилди. Шўро ҳукумати ҳеч кимга тегинмайди. Молларингиз ҳам тортиб олинмайди", - деб ёзилган экан.

Боботоғда қочоқлардан ташкил топган қишлоқ биргина эмасди. Хатдаги ёзувларга ишонганлар ҳам бўлишди. Ўйлаб топилган фитнес деганлар ҳам бўлди. Не бўлмасин, аксарият аҳоли ўз она қишлоқлари томон кўзғала бошлашди. Боботоғда танишиб, қалин дўстлашиб қолган икки дўст бир-бирларини қучоқлашиб, қуюқ хайрлашишди. Чунки Абдурахмон бошқа томонга йўл олса, Худойкул Чуқур қишлоқ тарафга жўнашлари керак.

Аликул бошқа қишлоқдошлари сингари Боботоғда ўрнатилган қапа, қора уйларини бузиб, нарса-қораларини отларга юклади-да, бола-чақаларини ёнига олиб, қишлоғи томон йўл олди. Адирликлардан энишиб Сурхон дарёси бўйига ҳам етиб келишди.

Дарёнинг икки қирғоғи қалин қамишзорлардан иборат. Тўқайзор ичида йиртқич ҳайвонлар мўл. Шу туфайли тўқайда ёлғиз оралаб юриш жуда хавфли эди.

Аликул полвон қамишзорга етган жойда тўхтади. Дарёдан кечиб ўша режасини тузаётган эди:

- Ота, қаранг, ўша аэроплан тагин биз томонга учиб келаяпти, - деди Худойкул.

Ўз қишлоқлари томон Боботоғдан жуда кўп оилалар отда, эшакда, айримлари пиёда келишаётгандилар. Нарса-қораларини кеч йиғиштирганлар эса ҳали Боботоғдан энишганларича йўқ. Осмонда қайта пайдо бўлган аэроплани кўришгач, улар ҳайрон қолишди. Бу сафар у хат эмас, ўқ ёғдира бошлади. Одамлар ҳар томонга тум-тарақай тўзгидилар. Сурхон бўйига етиб келишганлар бола-чақалари билан жон сақлагани ўзларини тўқайзор ичига урдилар.

14

1924 йилнинг кузи. Хусанбек таклиф этгани боис, Ҳайитбек белгиланган манзилга келди.

- Келдингми? Сенинг келишингга ишонқирамай турувдик, - деди Хусанбек.

Беклар бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашишди. Сўнгра Хусанбек барчага эшитарли қилиб мурожаат этди:

- Ҳурматли беклар! Она-тупроқ мустақиллиги, дини ислом, иймон учун кураш олиб бораётган биродарлар! Вазият жуда оғирлашиб бормоқда. Борган сари қизиллар ҳамма жойни эгаллаб, ўз ҳукмронлигини ўрнатмоқда. Боз устига ўзимизнинг орамиздан ҳам сотқинлар чиқиб турибди. Уларнинг қўли баланд келмоқда. Омад бизлардан юз ўғирмоқда десам, муболага бўлмас. Ноилож, пешонадан

кўрамиз. Элга келган тўй. Куролларимизни топшириб, таслим бўлсак, деган таклифим бор. Шунга нима дейсизлар, - деб маслаҳатни ўртага ташлади.

Бекларнинг кўпчилиги Хусанбекнинг таклифини маъқуллашди.

Шу туришда даврадан очиқчасига эътироз билдириб чиқиб кетиш қийин масала эди. Хуллас, шу ернинг ўзидан Хусанбек бошлиқ барча беклар таслим бўлишгани Юрчи гарнизони томон жўнашди. Ҳайитбек эса пайт бўлди дегунча улардан қочиш ниятида бораверди.

Улар Юрчи томон тобора яқинлашиб борар эди. Йўлда олдиларидан катта ариқ чиқиб қолди. Ҳайитбек барчанинг диққатини ўзига тортиди.

- Ким отини шу ариқдан сакратиб ўтолади? - деди у.

- Э, бу ариқдан от иргитиб бўларканми? Яхшиси айланиб борамиз, - деди ораларидан бири.

Бу гапни бошқа беклар ҳам тасдиқлади.

- Нега ўтказиб бўлмас экан? Бўлмаса, кўриб қўйинглар, - деб Ҳайитбек отини узокроқдан чоптириб келиб, катта ариқдан қушдек учуриб ўтди ва шу тариқа отини тўхтатмасдан кетаверди. Орқасидан беклар тўхтовсиз ўқ уза бошлади. Негаки энди унга рўбарў келсалар, соқтин сифатида жазоланишлари мумкин эди-да...

15

Абдураззоқ ҳайит куни аммасининг уйига борди. Улар ийди рамазонга катта тайёргарлик кўришаётган эди. Кечкурун меҳмонлар келишармиш. Абдураззоқ ҳам аммасининг болалари қатори ёрдамга киришиб кетди. Қутилаётган меҳмонлар оғиз очардан сал илгарироқ ташриф буюришди. Меҳмонлар учун айвонда жой қилинганди, улар ўша ёққа таклиф этилди. Меҳмонлар сардори бўлмиш Ҳайитбек хонадон эгаси билан яқин дўст бўлиб, қачон шу тарафга унинг йўли тушса, албатта шу хонадонга келиб тўхтарди.

Ўша куни хонадон эгаси Ҳайитбекка барча меҳмонлар олдида чопон ва бир кашталиқ дўппи совға этиб, кийгизди. Шунда бек йигитлари:

- Куллуқ бўлсин! - деб туборакбод этишдилар.

Ҳайитбек эса ўрнидан туриб:

- Куллуқ, куллуқ, - деди кўлини кўксига қўйиб.

Меҳмонлар, Абдураззоқнинг аммаси ҳақиқа қойилмақом қилиб тўн қавигани ва пишиқ қилиб каштали дўппи тикканлиги учун:

- Қўлларни дард кўрмасин! - дейишиб дуо қилишди.

Меҳмонлар дастурхонга қўйилган ноз-неъматлардан баҳраманд бўла бошладилар. Зиёфат авжида.

Аммаси Абдураззоқни ёнига чақириб:

- Жиян, емхонадан сомон олиб чиқиб, меҳмонларнинг отлари олдига ташлаб чиққин, - деди.

Абдураззоқ бекнинг оти олдига сомон ташлагани энди борувдиям, айвонда ўтирган Ҳайитбекнинг кўзи унга тушиб:

- Ҳой, йигит. Менинг отимга сомон бера кўрма. У емайди, - деди.

Сўнгра у ўрнидан турди-да, отининг ёнига келди. Хуржундан бир ҳовуч новвот олиб, отининг оғзига тутди. От шунга ўргатилган экан, бир пасда новвотларни қирсиллатиб еб қўйди.

- Мен отимга фақат новвот, қуйруқ едираман, - деди Ҳайитбек Абдураззоқнинг елкасига қоқиб.

Эртаси куни саҳардан ийди Рамазон намозини ўқиш учун жуда кўп намозхонлар Ойбаракдаги масжидга тўплана бошладилар. Шуларнинг қаторида Ҳайитбекнинг йигитлари ҳам бор эди. Яқин йиллар ичида Ойбарак масжидида бунчалик кўп одам тўпланмаган экан. Бомдоддан сўнг ийди Рамазон намози ўқилди. Барча мўмин-мусулмонлар кучоқ очишиб, бир-бирларини ҳайит би-

лан қутлашди. Масжиддан бирин-кетин номозхонлар чиқа бошладилар. Кўчага чиқа туриб Ҳайитбек белидаги белбоғига очиб қўйилган ҳамёнидан бир қанча тилла танга чиқариб, йигитларидан бирига узатди:

- Бориб, ҳолва олиб келинглар. Рўзахўрликни ширинлик билан бошлайлик! - деб Ойбаракли ҳолвачининг уйига жўнатди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, юборилган йигит ҳолвачининг хузуридан қайтди. Ҳолвачи ҳолваларини йиғиштириб қўйган экан. Йиғанакка олиб бориб, қимматига сотар эммиш. Бу гапни эшитибок Ҳайитбекнинг жаҳли чикди.

- Ахир ҳолваларини Деновга олиб бориб сотган тақдирда ҳам бунчалик миқдорда пул ишлаёлмайди-ку! Олиб келинглар уни бу ёққа! - деб сўради у.

Йигитлар ҳолвачини олдиларига солиб келишди. Қишлоқ ўртасида каттакон бир дарахт бор эди. Йигитлар ўша дарахтга Ҳайитбекнинг буйруғи билан ҳолвачини қўлтигидан боғлаб осиб қўйишди. Шунда қишлоқ аёнлари, оқсоқоллар, катта-катта мулла ва эшонлар ҳолвачининг орасига тушдилар. Ҳайитбек ўша одамларнинг хурмати, қолаверса, ҳайит куни бўлганлиги учун ҳолвачининг гуноҳидан ўтди.

16

Йигирма бешинчи йилнинг охирлари эди. Кечда Ҳайитбек йигитлари билан Чўнтошдаги Шоймат бойниқига боришди. Бой уйда йўқ экан. Бойнинг хотини Ҳайриинсонинг розилиги билан Ҳайитбекнинг йигитлари бой омборидан ўзларига керакли бўлган нарсаларни отларига орта бошладилар. Йигитлардан бири нариги, ёпиб қўйилган омборни очмоқчи бўлувди. Ҳайринисонинг онаси Турсунтош момо унинг йўлини тўсди. Йигит момога милтиғини тўғрилагани, момо жаҳл билан бақирди. Ҳайитбек ўша томонга қаради ва йигитга бир имо қилувди, у қуллуқ қилиб, изига қайтди. Шундан сўнг Ҳайитбек йигитлари билан ўз қароргоҳларига қараб кетишди.

Қишлоқдан кимдир Юрчига бориб, қизилларга хабар етказган экан, бир отлик отряд Шоймат бойнинг уйларига етиб келишди. Бой ҳали ҳам уйига қайтмаганди. Шоймат бойга яқинроқ яшайдиган кўшниси гаштак қилаётган экан. Таклиф этилгани учун бой ҳам бу ерга ташриф буюрган. Буни отряд бошлиғи бойнинг хотинидан билиб олиб, гаштак бўлаётган хонадонга кириб борди.

- Ҳайитбекни қайси томон кетганлигини айт. Улар нималарни олиб кетди? - сўради командир бойни қистовга олиб.

- Мен бугуннинг ҳисобидан Ҳайитбекни кўрганим йўқ. Қаерга боришларини ҳам билмайман, - деб жавоб қилди Шоймат бой.

Командир хонадондагиларни ҳаммасини қистовга ола бошлади. Охири безор бўлганларидан ораларидан бири:

- Уларни қайси томонга қараб кетганлиги ва қаерга боришликларини фақат Турсунтош момо яхши билади, - деб айтди.

Командир бир-икки аскарни шу ерда қолдириб, ўзи турсунтош момо ёнига кетди. Командир қанчалик уринмасин, аввалига момо билмайман, деб туриб олди. Бўлмади. Қутилишнинг иложини топа олмади. Момони ҳолижонига қўймадилар.

- Майли, айтишга-ку айтаман. Аммо кейин нима бўлади? Бизларнинг тирик юришимиз даргумон-да, - деди Турсунтош момо.

- Сизларни ўлдиргани қўймаймиз. Соқчилар туришади, - жавоб қилди қизил командир.

Сўнгра момо Ҳайитбеклар Ҳайрондарага, яъни "Ҳайитбек кўрғон" томон кетганликлари тўғрисида айтиб берди. Қизил командир Юрчидан яна қўшимча куч чақиртириб, бу қароргоҳга тўсатдан ҳужум қилиш мақсадида юриш бошлади.



Ҳайитбек ўз қароргоҳида жамоа бўлиб, хуфтон намозини ўқиди. Йигитларнинг ҳар бири ўз жойларига тарқала бошлади. Кун эса совуқ. Йигитлар бўлинишиб, ҳар ер-ҳар ерда гулхан ёқишиб, исинмоққа тушдилар.

Сокин ва рутубатли тун. Негадир бекнинг кўнгли гаш. Сикилганидан ўзини кўярга жой топа олмасди. Айланиб, бир йўла соқчилардан хабар олиб чиқди. Қатор қилиниб бойланган отларнинг ҳам ёнига борди. Унинг тарлон оти бошқа отлардан фарқ қилиб турарди. У анча маҳал отига тикилиб турди. Негадир от ҳам безовталанаётир. Ҳайитбек хаёл оғушига берилди...

Ҳайитбек айланиб бўлгач, кўрғон ўртасига тикилган кўра уйга кирди. Уйқуси келмаса-да, тўшақда чўзилиб ётди. Кўз ўнгида ўтган азобли кунлар, уйқусиз тунлар, қийинчиликлар, жанглар ўта бошлади. Яқинларини жуда-жуда соғинганди. Улардан хабар олишнинг эса ҳозирча иложи йўқ. Бораётган жойларига қизилларнинг пистирмалари жойлаштирилган. Унинг ҳам бемалол, бежавотир яшагиси келарди. Уйланиб, фарзанд кўриш, тўй қилиш ниятлари ҳам йўқ эмасди. У ўйлаб-ўйлаб кўзи эндигина уйқуга илинган ҳам эди, тўсатдан отишма бошланди. Қизил отряд аскарлари кутилмаганда "Ҳайитбек кўрғон"га ёпирилишганди. Ҳайитбек ётоғидан ўқдай учиб чиқди. Йигитлар тайёр бўлмасалар-да, ҳар ҳолда қарши ҳужумга ўтишди. Шиддатли жанг бошланди. Ҳайитбек йигитлари билан куршов ичида қолди. Ноилоҳ қолган бек икки йигити билан душманларнинг заифроқ жойидан ёриб ўтишди. Орқаларидан ўқлар ёғилди. Ўқ зарбидан унга яқин кишисидай бўлиб қолган торлон от ерга кулади. Йигитлардан бири Ҳайитбек ёнига қайтиб келиб, ўз отига миндириб олиб, Бойсун тарафга йўл олди.

Шу тахлит паналаб юришиб, бир неча кундан сўнг Қудратбекка дуч келишди. Қудратбек барча воқеалардан бохабар экан.

- Бек, омад бизлардан юз ўгирди. Афғонга ўтмасак бўлмайдиганга ўхшайди. Бошқа илож қолмади. Ҳар ерда қизиллардан ташқари ўзимиздан чиққан сотқинлар эвазига душман устун келмоқда, - деди Қудратбек.

- Йўқ, бек. Мен кетмайман, - деб жавоб қилди Ҳайитбек.

Шу кундан бошлаб Ҳайитбек икки шериги билан ҳар ерда ҳозир нозир қизиллардан яшириниб юришди. Унда яна ўзига ўхшаш эр йигитлардан аскар тўплаш нияти сўнмаган эди.

\* \* \*

Ҳайитбек ёлғиз ўзи Толлидаги ҳовуз ота ёнида жойлашган катта масжидга борди. Унга домлалару муллалар пешвоз чиқишди.

- Тақсирлар! Бошимга тушган савдодан хабарларингиз бўлса керак. Энди менга барчаларингиз кўл очиб, дуо қилинглар! Мен жангда отдан бир газ олдин учиб ўлай, - деб мурожаат қилди у.

Бундайин дуо беришга ҳеч қайсилари журъат этолмадилар. Шундан сўнг Ҳайитбек миниб олган бегона отни изига бурди-да, кўзига ёш олиб:

Танам тарлон отнинг белида,

Каллам ҳукуматнинг қўлида.

Кўнглим охиратнинг йўлида,

Кўтар бошингни, Ҳайит! - дея отга қамчи солди...

17

1926 йил. 13 январ. Юрчи. Туман босмачиликка қарши курашиш кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Т.Федин, Гайзер, Н.Мақсудов, Вереитинов, Востров, Усманов, Панкратов, Обухов, Габрилянц ва бошқалар иштирок этишди. Кун тартибига қуйидаги масалалар кўрилди:

1. Юрчи, Боботоғ худудларидаги босмачиликка қарши кураш олиб бораётган жангчилар бошлиқларининг маърузалари.

2. Ҳар хил масалалар.

Маъруза учун сўз Т.Востровга берилди.

Т.Востров ўз маърузасида Юрчи тумани жанг майдонларидаги ҳозирги ҳолати тўғрисида ахборот берди.

- Биз маҳаллий халқ ишончини қозониб, уларни ўзимиз томонга ағдара олишга эришмоқдамиз. Ҳозирги кунда улар босмачиларга қарши курашда жуда фаол иштирок этмоқда. Бироқ жанг майдонларида биз учун энг хавфли бўлган икки гуруҳ қолишган. Улардан бири раҳбари Ҳайиткал бўлса, иккинчиси Мулла Турдилардир. Шуни таъкидлаб айтаманки, ушбу худудларда отлиқларнинг етишмаслиги боис, уларнинг ортидан тушишга имкон бўлмаётир. Шу сабабли улар қишлоқма-қишлоқ бемалол ҳаракатда. Яқин кунлар ичида яхши қуролланган 60 отлиқ чавандозни отрядларга бўлиш, босмачиларга бир неча томондан ҳужум қилиш лозим.

Ушбуга келишилди:

Кечиктирилмаган ҳолда деҳқонлар тўдаси билан узвий равишда алоқаларни тиклаш ва уларни курашга чорлаш. Туркманжунинг Бахт тамғали уругидан йигирма кишидан иборат қиличлар билан қуролланган мусулмон отрядини ташкил қилиш зарурият эканлиги ва уларни сиёсий жиҳатдан мақсадга мувофиқ равишда тайёрлаш...

18

1926 йилнинг бошлари. Ҳайитбек икки шериги билан кечаси Ашуржилон қишлоғидаги Ёқуббойнинг уйи томон пиёда жўнашди.

Денов беклигининг алоҳида отлар боқиладиган кўрғони бор эди. Деновнинг сўнгги беки Неъматиллобек Саййид Амир Олимхон билан бирга Афғонистонга ўтиб кетганликларидан бери эгасиз қолган ўша кўрғон қизил аскарларнинг отлари сақланадиган жойга айланди.

Ҳайитбек шериклари билан шу кечанинг ўзида Ёқуббойнинг уйига етиб боришлари керак. Кундузлари эса юра олмасдилар. Ҳар ерда қизиллар изғиб юришибди. Ашуржилон қишлоғи Деновдан анча узоқда. Пиёда бориш қийин. Шунинг учун ҳам уларга от зарур.

Учовлари бирга қизилларнинг отлари сақланадиган кўрғон томон юришди. Кўрғон ёнидаги ҳовуз қаровсизлиги туфайли, сувсизлигидан салкам тўпроқ билан тўлиб қолган. Улар яширинган ҳолда ҳовуз бўйига боришди. Ҳайитбек:

- Сизлар шу ҳовуз ичида яшириниб, мени кутиб турингизлар. Ўқ овози чиққудек бўлса, демак, билингларики, мен ўқ узганман. Кутасизлар. Агар жимжитлик бўлиб, мендан дарак бўлавермагач, кутиб ўтирмангизлар. Тўп-тўғри Ёқуббойнинг уйлари томон жўнанглар, - деб тайинлади.

Тун. Ҳамма ёқ оппоқ қор билан қопланган. Изғирин шамол осмондан тушаётган қорларни эркалаётгандек, у ёқдан-бу ёққа олиб қочмоқда. Қиш-қишлигини кўрсатмоқда. Совуқ бутун борлиққа ўз ҳукмини ўтказиб турибди. Тинимсиз ёққан қор салкам тизза баравар бўлиб қолган.

Ҳайитбек шерикларини ҳовуз ёнига қолдириб, ёлғиз ўзи кўрғон томон жўнади. У қорни ғирчиллатиб босиб борарди. Кўрғон дарвозаси ёнига келиб, ўзини хотирнажам тутиш мақсадида бир пас турди. Кейин секингина дарвозани тақиллата бошлади. Ичкаридан бир киши:

- Ким у? Тунда нима қилиб юрибсан? - деб яқин келаверди.

- Ассалому алайкум, - деди Ҳайитбек майин овозда.

Соқчи саломга алик ола туриб, кўрғон дарвозасини қия очди.

- Мен Ҳайитбекман! - деди у.

Соқчи уни овозидан таниди. Соқчи кўрққанидан дарҳол ўзини кўзи кўрмайдиган кўрга олиб, ёлғондан бўлса ҳам деворларни пайпаслаб кетавериб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Ҳамма ёқ қоп-қоронғу бўлганлигидан унинг қайси томонга кетганлигини билиш қийин эди.

Бек секингина кўрғон ичига кирди. Кўрғонда отларни сақлаш учун барча шароитлар етарли даражада. У қатор бўлиб турган отлар ёнига борди. Отлар оёқларидан кишан ўтказилиб, қулфлаб қўйилган экан. У учта отнинг кишанига қараб ўқ узди ва секинлик билан уларни ҳайдаб ташқарига олиб чиқди. Ҳовуз ичига писиниб ётган бекнинг шериклари ҳам отли бўлишди. Улар ёғарсиз, югансиз яланғоч отларни минишиб, Ашуржилон қишлоғи томон кетдилар. Тўполанг дарёси бўйига етиб боришганларида, тонг оқара бошлаганди. Ҳайитбек отини тўхта-тиб, орқасига қаради. Шериклари ҳали анча орқада. Аммо ўзининг миниб келаётган оти қор устида қип-қизил из қолдириб келаётганлигини сезиб қолди. Қоронғуда кишанга қараб отган ўқ от оёғини яралаган эди. Қолган жойгача из қолдирмасликлари учун улар отларни қўйиб юборишдилар-да, ўзлари дарё устидаги музликлардан ўтишиб, пиёда Ашуржилон қишлоғига кетишди.

19

Тўполанг дарёси Деновнинг шимолий-шарқий тарафида жойлашган тоғликлардан бошланади. Ўша тоғ ён бағирларида ҳам бир неча қишлоқ жойлашган. Қизилларнинг қадами ушбу қишлоқларга ҳам етганди.

Эрдон кофур отряди Тўполанг дарёсининг боши - тоғдан эниб келишаётгандилар. У ерларда, айниқса, тустовуқ кўп бўларди. Қизил аскарлар йўл-йўлакай тустовуқ овлашга киришиб кетишди. Дарёнинг нариги қирғондан бир бола кўли билан ишора қилиб, отряд томон югурганича келаверди. Командирнинг буйруғи билан отряд тўхтади.

Ҳамма ёқ оппоқ қор билан қопланиб, дарё суви музлаган. Бола музликдан ўтиб, командир ёнига келди. У роса ҳолдан тойган экан. Нафасини ростлаб олгач:

- Ҳайитбек шериклари билан бизнинг уйимизда дам олишмаяпти. Ҳаммаси қуролланган, - деди.

Бола Ашуржилон қишлоғидаги Ёқуббойнинг ўғли эди.

Отряд Ёқуббойнинг ҳовлисини ўраб олди. Ҳовлининг ўртасидан ариқ ўтган бўлиб, унинг суви ниҳоятда тез оқарди. Шунинг учун ҳам бойнинг тегирмони ўша ариқ устида қурилган. Тегирмоннинг нариги тарафидаги уйда Ҳайитбек шериклари билан жойлашиб олишган. Отряд ҳовлини ўраб олгани билан улар жойлашган уйга биронта ҳам аскар яқинлаша олмасди. Ариқ суви музлагани бқис тегирмон ишламай турибди. Тегирмон ичида ҳам бугдойларини ўтказмоқчи бўлиб келишган бир неча киши бор эди. Командир тегирмон ичида ўтирган кампирни олиб келтирди ва шу йўл билан Ҳайитбекни қўлга олмоқчи бўлди:

- Момо, бориб Ҳайитбекка айтинг, таслим бўлсин. Унга тегмаймиз, омон қолади, - деб кампирни жўнатди.

Кампир: "Эрдонга айтинг. Биз ҳеч қачон уларга сотилмаймиз!" деган жавобни олиб келди. Кампир иккинчи бор жўнатилди. Яна ўша жавоб.

Ўша куни кечгача роса отишма бўлди. Ҳайитбек сўнгги ўқи қолгунча жанг қилди. Кеч тушгач Ҳайитбек яшири-ниб ётган уйдан уч милтиқ ва уч қилич ташқарига ташланди. Хонадондан Ҳайитбек ва унинг икки шериги чиқди. Уларнинг ҳақиқатан ҳам таслим бўлганлигига амин бўлишгач, қўл ва оёқларини бойлаб, аравага жойлаштиришди. Ҳар томондан аскарлар асирларга милтиқларини тўғрилаб, Юрчи томон жўнашди.

Ҳайитбек Юрчида қирқ кун сўроқ қилинди. Сўроқ

пайтида у икки шеригининг айбсиз эканлигини ва уларни мажбур олиб юрганлигини айтиб ёлғон кўрсатма берди ва уларни озод қилдириб юборди. Барча айбларни ўз бўйига олди. Шундан сўнг махсус комиссия Ҳайитбекни отувга ҳукм қилди...

20

Баҳор. Тоғдаги қорлар эрий бошлаган. Бундай пайтларда Қизилсув дарёси одатини бузиб, тўлиб-тошиб оқа бошлайди. Дарёдан кечиб ўтиш мушкуллашади. Дарё сувининг шовуллаб оқишини узоқ-узоқлардан ҳам эшитса бўладиган даражада. Дарёнинг кун чиқар тарафидаги қирғоғи яқинидаги тепалиқда Денов беклигининг қароргоҳи - деворлари бузилиб, харобага айланган кўрғон савлат тўкиб турибди.

1926 йил. Март ойининг саккизинчи куни. Кўрғонда жуда кўп одам тўпланган. Кўрғон деворининг қалинлиги анча бор. Бир пайтлари девор устида от-аравалар бемалол юра олган. Ўша кунги тўпланганларнинг аксарият қисми ҳам деворлар устида айланасига туриб олганлар.

Соқчилар ҳибсдагиларнинг ҳаммасини кўрғон ичига олиб келишди. Эрдон командир эса ўртага чиқиб, тўпланганларга қарата ваъз ўқий бошлади. Шу пайт кўрғон дарвозасидан от-арава кириб келди. Арава устида қўл-оёқлари боғланган Ҳайитбек бор эди. Унинг кўзлари ҳам боғлаб қўйилганди. Кўрғонда бир зум сукунат ҳукм сурди.

Кўрғоннинг чор тарафида, деворларга яқинроқ бўлган жойларида, зиндонлар бор эди. Шундан иккитаси кўмилиб кетган. Фақат кун ботар тарафдаги икки зиндон унчалик тўлмаган.

Ҳайитбекни ўша зиндонлардан бирининг ёнидан учтўрт қадамча олдинроқ жойга олиб бориб тик қўйишди. Сўнг қизил командир ҳаммага эшитарли бўлиши учун баланд овозда Ҳайитбекни саволга тутди:

- Сенга кимлар қурол етказиб берарди?

- Ҳеч ким! - жавоб берди Ҳайитбек.

- Озиқ-овқат, отлар ва кийим-кечакларни қаердан олардиларинг?

- Биз ҳеч ким от ҳам бергани йўқ, кийим-кечак ҳам, ҳеч кимни танимайман. Ватан хоинлари, босқинчилар билан курашда ёрдам берган ягона дўстим - бу менинг қуролим эди, - деди бек.

Қониқарли жавоб ололмагач, Эрдон кофурнинг жаҳли чиқиб, бек ёнига яқинроқ борди.

- Мана сен кўплаб кишиларнинг бошини олиб, катта гуноҳга ботдинг, энди у ёқда жавобини қандай берасан, Ҳайиткал? - деб дўқ урди.

- Мен неча кишини ўлдирган бўлсам, барининг айбини гувоҳлар олдида ўз бўйинларига қўйганман. Ўзлари ҳам қилган айбларига иқрор бўлишган. Уларнинг гуноҳлари ўзлари билан бирга! - деди кўзи бойланган йигит.

Унга охирги сўз берилди.

- Мен ўлим ҳукмини маҳкумнинг кўзи очиклигида, икки ракаатли номозини ўқиб бўлганидан кейин ижро этганман. Сизлардан илтимос, кўзимдаги бойлагични, қўл-оёқларимни ечсаларингиз. Намозимни ўқиб олай.


Ҳайитбекни отиш учун беш қизил аскар қатор бўлиб тизилиб туришибди. Ўртадагиси - қўлига узун милтиқ ушлаб тургани Ҳусанбек эди.

Ҳусанбек бир пайтлари Ҳайитбек билан бир сафда қизил босқинчиларга қарши курашганди. Кейинчалик у йигитлари билан бирга қизиллар сафига ўтиб кетди.

Ҳайитбек икки ракаатли намозини ўқиб, ўрнидан ирғиб турди-да, халққа мурожаат қилди:

- Халойиқ! Менинг ҳеч кимдан қарзим йўқми?

Тўпланганлар орасидан "йўқ, йўқ" деган овоз янграй кетди.



Бироқ бир киши:

- Ҳой, Ҳайитбек! Нега менинг ўғлимни ўлдирди-линг? - деб сўраб қолди.

Ҳайитбек овоз чиққан томонга қаради.

- Мен сизни танидим. Ўғлингизни фалончи дердилар. У сотқин эди. Осон ўлим топди. Отиб ўлдиргандик. Аслида уни икки дарахт шохига бойлаб, ўртасидан иккига бўлиб ташлаб, бир қисмини бизларга, иккинчи бўлагини эса қизилларга ташлаш лозим эди. Бизни кўриб қолса, қизилларни сотар эди. Қизилларга эса бизни. Ундан ташқари ҳам гуноҳлари кўп эди, - деб жавоб қилди бек.

Сўнг у яна юқоридаги саволни такрорлади:

- Ҳеч кимдан қарзим йўқми?

- Йўқ, йўқ, - дейишди тўпланганлар.

Ҳайитбек:

- Менинг бир кишидан қарзим қолди. Уни ҳозир адо этаман. У ҳам бўлса яратганга, берган омонатини топширишдир, - деди-да, ёқасини очди. - Отинглар!

Аскарлар ўқ узишувди, ўқлар кўрғон деворларини ўпириб чангитиб юборди.

Ҳусанбекнинг кўнгли бўлмадимми, ўқ узмади. Бундан Ҳайитбекнинг жаҳли чиқиб:

- Ҳусан! Сен отгин. Кофурлар қўлида ўлмай! - деб юборди.

Ҳал отишга рухсат этилгани йўқ эди. Ҳусанбек беихтиёр ўқ узди. Йигирма беш ёшли йигит ўқ зарбидан сўнг бир қалқиб қибла томон юзланди-ю, оҳиста йиқилди...

### ХОТИМА ЎРНИДА

Ҳайитбек тўғрисидаги мълумотларни 1987 йилдан буён тўплаш бошладим. Уни ўз кўзи билан кўрган айрим сафдошларининг суҳбатларида бўлдим. Хурриятга эришганимиздан сўнг ёзиш имкони туғилди. Кўп манбаларга мурожаат қилдим. Баъзида қарама-қарши фикрларга ҳам дуч келдим.

Шу ўринда бир нарсага аниқлик киритиш жоиз. Негаки, бир воҳада бир хил исми икки бек фаолият кўрсатишган. Улардан бири қахрамоним Ҳайитбек Бозор ўғли, иккинчиси - Хуррамбекнинг акаси бўлган Ҳайитбекдир. Кишини чалғитадиган ўхшашлик тарафи шундаки, иккалалари ҳам - бек. Ҳар бирлари алоҳида ўз йигитларига эга бўлган. Шунингдек, уларнинг бошларида сочлари бўлмай, эл ичида "кал" деган лақаб олишган.

Бозор ўғли Ҳайитбек ҳақида фикр юритсак. Бир куни Ҳайрондара қишлоғига бордим. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, кўпни кўрган қарияларга учрашдим.

- Ҳайитбек Ватан мустақиллиги учун курашиб шаҳид кетди. Амаким Остонакул бекнинг сафдошларидан бири эди. У киши менга бу ҳақда кўп нарсаларни сўзлаб берарди, - дейди деновлик Қобил бобо Мамараимов бир воқеа хусусида тўхталиб. - 1914 йил Урусиядан бир гуруҳ одамлар Деновга келишди. Улар бир неча кун шу ерда бўлишди, ўзларини қизиқтирган ишларни бажариб

бўлишгач, Деновбеги ҳузурида йиғилишган аёнлар, бойлар, савдогарлар, оқсоқоллар, қози ва давлат хизматидаги мутасадди кишиларнинг барчасини суратга олиб кетишди.

Кейинчалик, қатағон йиллари бошлангач, ўша 14-йилдаги суратга тушганларнинг ҳаммаси қатори Остонакул қамокқа олинди. Ҳатто, кексайиб, кўзлари ожиз бўлиб қолган Ҳайдаркул ҳожи ҳам ҳибсдан четда қолмади.

Бу фоний дунёдан Ҳайитбек йигирма беш ёшида шаҳид кетди. Кўрғон ичида отилганидан сўнг, унинг жасадини эгалари олиб кетмаслиги учун махсус соқчилар қўйилди. Кучайтирилган назоратга қарамай, пайт пойлашиб, отаси - Бозорбой, укаси Ҳамза ҳамда яқинлари - Мамаюсуф ва Мамашариф халифалар Ҳайитбекнинг жасадини олиб кетишади. Улар мархумнинг ҳурматини бажо келтиришиб, исломий одатга биноан Сармозор ота (шайх Алоуддин-Аттор) қабристонига дафн қилишади. Бу воқеаларни шу қабристон яқинида яшовчи, дафн маросимида қатнашган Юсуф бобо Раҳимов шундай эслайди:

- Ҳайитбекни дафн этиб, қабр атрофини пахса девор билан ўраб олдик. Ўшанда ёшроқ бўлганлигим сабабли деворчиларни сув билан таъминлаб турдим. Бундан хабар топган Эрдон кофур бир неча кунлардан сўнг, кўрғонда жонсиз ётган Ҳайитбекнинг жасадига бир ўқ узиб ва оёғи билан тепиб юборгани етмаганидек, отда келиб, ўраб олинган қабр деворини кулатишга уринди. Ҳарчандки отни қамчилаб девор томон ҳайдамасин, от қабр тарафга юрмасди. Деворни бузишга ўзининг кучи етмади. Шундан кейин, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Эрдон кофур шол бўлиб ётиб қолди. Кунларнинг бирида у яратганнинг ҳақига бир мол сўйиб тонг отгунга қадар Ҳайитбек қабрини устида тунаб чиқди. Шундан кейингина дарди енгиллаша бошлади.

Қизил империячилар ўз ниятларини маҳаллий халқ вакилларида ташкил топган отряд ва унинг бошлиқлари ёрдамида амалга ошириб бўлишгач, аста-секин уларнинг ўзларини ҳам бир баҳона излаб йўқотишга тушдилар. Эшнӣёз командир, Эрдон кофурлар шулар қаторида Термизга қақиртирилиб қуролсизлантирилди ва шу бўйи бедарак кетди.

Ҳайитбек шаҳид бўлган Денов кўрғонининг қиблагоҳ жойидан бир анжир дарахти ўз-ўзидан униб чиқди. 1954 йилда ўша анжир дарахти таг-туби билан суғуртирилиб, шаҳар қабристонига олиб бориб ташланган. Бироқ ўша жойдан тагин анжир дарахти ўсиб чиқди. У ерда нафақат Ҳайитбек, балки унга ўхшаш Ватан учун жон берган халқимизнинг не-не фарзандларининг муборак қонлари тўкилдандир.

Ҳозирги кунда ўша жой зиёратгоҳ манзилга айланган.

**Ҳабибулла ҒАҒУР** 1960 йили Денов шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат маданият институтини тугатган. Унинг "Халқ ўйинлари, қўшиқлар ва аънаналарига бир назар", "Аждарнинг ўлими", "Лақаб ва кимоблар" номли китоблари чоп этилган.

1977 йилдан буён Денов туман маданият уйида ишлаб келмоқда.

Ўткур Жўраев

# Кимга бир яхши сўз айтсам...

*Яхши шеър - кўнгил ойнасидир. Бизнинг халқимиз азал-азалдан жуда шеърсевар, куй-ғазалга ошно бўлиб келган. Шеър эса касб-кор танламайди. Шеърга шайдо киши камтарин, фозил зот бўлса агар, янада қувониб кетасан. Мен Ўткурбек дўстимизни, авваламбор, бир хоксор инсон сифатида, сўнгра бир дилкаш, самимий шоир сифатида анча йиллардан бери биламан. Шеъри ҳам айни ўзига ўхшайди - мисраларнинг ёруғ, камсуқумлигидан кўнглинг ёришиб кетади.*

**Абдулла ОРИПОВ,**  
Ўзбекистон халқ шоири.



## ҲАМА ҲАМ БИЛМАС...

Ҳама ҳам куй-навонинг сиру сеҳри нелигин билмас,  
Ҳама ҳам мутрибон бўлмас, дуторни чертса чертгандур.  
Чаманда сайраган булбул навоси дилни ром этгай,  
Ҳама ҳам хушовоз бўлмас, қўшиқни айтса айтгандур.  
Саролаб боғда гулни узгучи илдам кишилар кўп,  
Муаттар гулни қадрига фақат боғбони етгандур.  
Назарга илмагаймиз ким мулойим, хокисор бўлса,  
Мулойим ҳақ сўзин айтса висоли онга етгандур.  
Кўёшнинг бағри ёнди лов этиб дунёга нур сочди,  
Ўзи ёнган билан одам чироғи мангу қолгандур.  
Ки инсон кўзи ҳеч тўймас, агар нафси бузуқ бўлса,  
Шунингчун юз балоларга гирифтор шоҳлар ўтгандур.  
Ғазал-ашғорни битсангки у мискин дилни шод этса,  
Ҳама ҳам шоир эрмаски, китоб чоп этса этгандур.  
Аё Ўткур, манам андак ризоман умри жонимдан,  
Кима бир яхши сўз айтсам у дилдан қайғу кетгандур.

\* \* \*

Эй болам, шамсдек ёниб йўлларга нур сочгил мудом,  
Ҳар киши тугтай сани чин ошино, қардошдек.

Бошинга келса қаро кун ҳам шукур қилгил чунон,  
Топмагайсан яхши ошно дилга чин бардошдек.

Дўсту ёр, элу ватаннинг хизматида бўлки то,  
Йўлларин этгин равону рўшино фаррошдек.

Дилда борин ошкора айлама ҳар кимсага,  
Ҳар сўзинг ўйлаб гапир, отма палахмон тошдек.

Мартаба ёки амал, осмонда ойни кўзлама  
Меҳру дастингни узат ким бўлса ҳам муҳтождек.

Сўзи ёлғонни ишонгин ҳоли кўп войдир мудом,  
Ул киши шарманда бўлгай Мансури Халлождек.

Яхшилиқ қилгинки токи танда жонинг бор экан,  
Ўткуро, тахтиравон чорлар сени Меърождек.

## ДУО БИРЛАН

Соғинсам таскин топдим ман қуриб суҳбат рўё бирлан,  
Жунундек чўлу саҳролар кезиб ҳар бир гиё бирлан.

Насиму ул сабога дарду ҳасратим тўкиб солсам,  
Ҳилолидин етур таскин тўлин ойдек зиё бирлан.  
Оёғи остига қўймоқ эдим бошимни илло деб,  
Ики аждар яратмиш қўймади сочу сиё бирлан.  
Мани вайрона кўнглимни давоси қайда деб сўрсам,  
Дедики кет мундан, бўлмайин дил сиё бирлан.

Фақир у нотавонликдан қутулгум жоним олсанг сен,  
Десам, дер жонинг на қилдим кетур молинг юз тўё бирлан.  
Дедимки, гарқи ўлғайсан тўкилган кўзда ёшимни,  
Деди ул, раҳмим келмасдур, фиғону дийдиё бирлан.

Йўлида хону монимни, аё дўстлар, фидо қилдим,  
Кечиб кўнглини майлидан кўнглини минг жафо қилдим.  
Билолмай кўнглини найлай ўзимни ҳар бало қилдим,  
Нетайки, мақсудим ҳосил эрмас ул бевафо бирлан.

Ахийри Ҳаққа кўз тутдим Ўзидан садо уқдим ман:  
Эй Ўткур, муддао ҳосил бўлур тун-кун дуо бирлан.

## АГАР ЭР БЎЛСАНГ

Эр бўлсанг ўт чақнасин юрганда оёғингдан,  
Вафоли бўл доимо куймасин доғингдан,  
Тутма ўзингни баланд сен асло одамлардан,  
Дўстлар андоза олсин, завқлансин сиёғингдан.

Муҳаббат қадрин бил, қайтарилмас ҳар они,  
Ҳар ким ҳам гул термасин ул яшнаган боғингдан.  
Яхшилар билан бўлгин, яқин этма ғанимни,  
Яхшиларга сув тутгин, муҳаббат булоғингдан.

Гулбоғларни кезганда узма дуч келган гулни,  
Шундай гул узгин ҳиди кетмасин димоғингдан.  
Йўқса беҳуда хазон этарсан гул умрини,  
Қон отилар зор қақашб ул нозик бармоғингдан.

Даврага кириб қолсанг, сўзлама беҳудага,  
Кўп ўйлаю оз сўзла, кетмасин қулоғингдан.  
Дўстлар билиб танла, дўст бўлсин бир умрга,  
Қулоққа тутгин шуни, асра ёшлиқ чоғингдан.

Насиҳат дема асло сўзлаган сўзларимни,  
Айрилиб қолма дейман кўзлаган муродингдан.  
Ўткур, йўқотмай десанг гар бахтинг - юлдузингни,  
Талаб қилгин шуни сен ҳар битта зурёдингдан.





Иброҳим МУҲАММАД

# ОЛОВ ЁНАВЕРАДИ

Ҳикоя

\* \* \*

Улар бир ҳафта бурун тасодифан танишиб қолган эдилар.

Зумрад ўша куни эрталабки соат тўққизларда адир ёнбағридаги якка тут соясида дам олиб ўтирган эди. Бир маҳал эскироқ юк машинаси шу томонга кела бошлади. Зумрад бундан ажабланиди, машиналар якка тут ёнидан сира юрмас, бугдойзорга эса бошқа йўлдан борилар эди. Машина яқинлашавергач, Зумрад рўмолини боғлаб олиб, тутнинг орқа тарафига ўтди. Ҳайдовчи йигит уни узоқдан кўрган экан шекилли, етиб келгач, кабинадан бошини чиқариб:

- Сиздан ёрдам сўрамоқчи бўлиб шу ёққа келаяпман, беркинманг-да, - деди.

Зумрад тут ортидан чиқишга мажбур бўлди. Қиз этаклари тўпиғига тегай-тегай деб турган, энглари узун сарғиш кўйлак кийган, юзини оқ рўмол билан ўраб олганди. Унинг пайваста қошлари-ю, узун қайрилма киприкли қоп-қора кўзлари йигитни ўзига маҳлиё этиб қўйди.

- Айтишларича, шу тарафларда бугдой ўрилаётганмиш, - деди йигит кабинадан тушиб. - Бизни дон ташишга юборишганди. Йўлда машинам бузилиб қолиб, шерикларимдан анча орқада қолиб кетдим. Бу жойларга биринчи бор келишим. Сиз бугдойзорга қайси йўлдан боришни билмайсизми?

- Шу қирдан ўтиб, пастликка энсангиз, олдингиздан бир дарё чиқади. Ундан ўтиб, тагин бир қирдан ошсангиз, бугдой ўрилаётган жойга етасиз. Унча узоқ эмас ўзи.

- Ўзингиз ҳам ўша томонларга бормаяпсизми?

Зумрад бош ирғади. Йигит кувониб кетиб:

- Худо хайрингизни берсин, жон синглим. Мен билан бирга юра қолинг, - деди ялинчоқ оҳангда. - Агар йўл кўрсатиб бормасангиз, бу ерларда адашиб кетиб, сарсон бўлишим ҳеч гапмас.

Иссиқда пиёда юриш жонига теккан қиз "майли", деди-да, кабинага чиқиб, эшикка яқинроқ ўтирди.

- Тугунча кўтариб, кимнинг олдига кетаяпсиз? - деб сўради йигит машинани юргизар экан.

- Дадам ўша тарафларда комбайнда бугдой ўраяптилар. Тушликка уларга овқат пишириб бергани бораяпман.

- Ҳа-а... Ошпазман денг-а, ҳали.

Қиз тасдиқ маъносида бош ирғаб қўйди.

- Анави нима? Бодрингми-а? - ажаблангансимон сўради йигит.

Қиз тугунчасидан иккита бодринг олиб, йигитга узатди.

- Э, йўғ-э, қўйсангиз-чи, - дея хижолатомуз жилмайди у. - Ўзим шунчаки сўровдим-да.

- Олинг, қўлимни қайтарманг, - деди қиз.

- Энди битта хурмо ҳам топиб берсангиз, зўр иш бўларди-да, - деди йигит бодрингни қизнинг қўлидан оларкан.

- Хурмо дедингизми? - таажжубланган қўйи чимирилиб сўради қиз. - Ҳозир хурмо қоптими, кузнинг охирида пишади-ку у. Нима қиласиз уни?

- Эҳ, ҳозир бўлгандами, бодрингга қўшиб мазза қилиб еярдим-да.

- Ие, ҳеч замондаям хурмони бодрингга қўшиб ейдими одам?

Йигит қизнинг соддалигидан кулиб қўйди.

- Мен сизни ҳали мадарасада ўқисангиз керак деб ўйловдим, - деди йигит қизнинг узун кўйлақда, ўраниб юрганга ишора қилиб. - Мадрасада таҳсил кўргангизда, эҳтимол гапимга тушунган бўлармидингиз. Биласизми, пайғамбаримиз хурмони бодрингга қўшиб истеъмол қиларканлар. Негаки, хурмо иссиқлик, бодринг эса совуқлик ҳисобланиб, иккови бирга ейилганда, мўътадил бўлиб, саломатликка фойдаси кўп тегай экан.

- Қизиқ, - деди ўйланиб қолган қиз.

Адирдан ўтиб, дарё бўйига етишгач, йигит машинани тўхтатди. Шовуллаб оқиб ётган дарёдан ярим челақ сув олиб, машина капотини секин кўтарди. Радиатор қапқоғини очган эди, юзига гуп этиб иссиқ буғ урилди. Қиз унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб турар экан, шу тобда қай йўсинда ташналигини қондиришни, терлаб қизиб кетган бўйнию бетларини ювиб олишни ўйлар эди.

Ўн дақиқалар ўтгач, бортига дон тўлдирилган яп-янги "ЗИЛ" дарёнинг саёзроқ еридан шиддат билан сувини сачратиб ўтиб, улар турган жойга келиб тўхтади. Эллик ёшлар чамасидаги, сариқдан келган, қисик кўк кўзли семиз Ҳайдовчи кабинадан кал бошини чиқариб, оғзида эриб кетган носвойни зилол сувга туфлаб ташлади-да, хириллоқ овозда:

- Намунча орқада қоп кеттинг десам, бу жонончани миндириб, маза қилдириб юрган экансанда-а, Элёрвой, - деди муғомбирона илжайиб.

- Нималар деб валақлаяпсиз, Сапар ака, хаёлиз жойидами ўзи? - деди Элёр жаҳл билан капотни қарсиллатиб ёпар экан. - Қиз бола олдида сал ўзизди тутсайиз бўлмайдимиз?

Ўғли тенги йигитдан бундай танбех эшитиш Сафар акага қаттиқ тегиб кетди шекилли, боя ҳазил қилган бўлса, энди жиддийликка олди:

- Ўзинг-ку ишдан қочиб, бу ерда маза қилиб ўтирибсан. У ёқда комбайнчилар сани кута-кута қайга тўқишни билмай, хуноб бўлиб ўтиришибди. Инсофинг борми ўзи? Отанг тенги одамга ақл ўргатгандан кўра, тезроқ бугдой ташишга бор.

Сафар ака машинасини шитоб билан ҳайдаб кетди.

- Яп-янги "ЗИЛ"лару "КамАЗ"ларни ўзларига олволишади-да, бизга нуқул эски, бузуқ мошиналарни бериб, сўғин ишламайсанлар деб кун беришмайди, - дея тўнғиллаб қўйди йигит.

Ҳийла вақт йигит-қиз ўз ўй-хаёллари билан банд бўлишиб, жимгина кетишди.

\* \* \*

Ниҳоят адир ортда қолиб, бугдойзорга етдилар.

- Хув анави чайла ёнида тўхтатиб кетинг, - деди Зумрад қозон турган жойни кўрсатиб.

Комбайнчи Элмурод акадан бошқа ҳамма тушликка чиқиб кетган экан.

- Энди хотиржам бўлиб, абетга борсак ҳам бўлаверади, - деди у киши Элёрнинг ёнига чиқар экан.

Улар чайла ёнидаги бидондан сув олиб, қўлларини ювишди-да, овқатланиб ўтиришган одамлар даврасига қўшилишди.

Давра тўрида кўр тўкиб ўтирган истараси иссиқ, қирқ беш-эллиқ ёшлар чамасидаги салобатли киши чайла томонга юзланиб:

- Зумрад, чалопингдан яна борми, қизим? Бўлса тезроқ опкелгин,- деди.

"Шу киши дадаси эканлар-да", - дея хаёлидан ўтказди Элёр. Ҳали йўлда бирга келаётганларида, қизнинг исмини сўрамаганига ўзиям ҳайрон бўлди.

Зумрад ичига шивит билан бодринг майдалаб тўғраб солинган чуқур темир товоқдаги чалопни келтириб, дадасининг ёнига кўйди.

- Овқатингдан қолганмиди, қизим?

- Бор, ҳозир опкеламан, - дея жавоб қилди қиз бўшаган косаларни йиғиб олар экан.

Элёр шўрвани ичиб бўлиб, косани ўчоқ бошига олиб борди.

- Қишлоққа қачон қайтасиз, Зумрадхон? - кўзлари қақнаб сўради Элёр. - Мен шаҳарга жўнаяпман, агар кетсангиз...

- Ҳали бу ерда қиладиган ишларим бор-да, Элёр ака.. - Қиз йигитнинг исми оғзидан қандай чиқиб кетганини ўзиям сезмай қолди. Зумраднинг бехосдан уни Элёр ака дея ўзига яқин олгани йигитга жуда ҳам хуш ёқиб тушди.

\* \* \*

Икки ёш бугун ҳам яка тутнинг ёнида учрашишди. Зумрад эрталаб бу ёққа келиш олдидан йигитга бериш ниятида ширин олмалардан тугунчасига солиб олган эди. У "боғимиздан", дея олмалардан йигитга узатди.

- Мақтабни битирганингизга қанча бўлди? - дея қизиқсиниб сўради Элёр қизни гапиртириш мақсадида.

Зумрад қандайдир мунгли хотиралар эсига тушгандек, бирдан кайфияти тушиб:

- Икки йилдан ошди, - дея маъюсгина жавоб қилди.

- Ўқишга бормадингизми?

Зумрад йўқ дегандай бош чайқаб кўйди.

- Ким бўлишни истагандингиз...

- Менми? Актриса бўлишни, - унчалик хушламайгина жавоб қилди Зумрад.

- Сиз-а? Йўғ-э?

- Бу туришимда актриса бўлишимга ишонмаслигингиз табиий, - деди Зумрад жиддий тарзда. - Аммо икки йил илгари мени кўрганингизда борми, бошқалар сингари сиз ҳам актриса бўлишимга чиппа-чин ишонардингиз.

- Гапларингиздан актрисаликка иштиёкингиз баланд бўлган кўринади, Зумрадхон, аммо шунчалик бўла туриб ўқишга бормай, ўзингизни бир синаб кўрмаганингизга ҳайронман, - деди йигит.

Бундай эзмаланиш жонига тегди шекилли, қиз қатъий оҳангда:

- Боргим келмади, бормадим вассалом! - деди.

- Узр, Зумрадхон, билмабман, - дея дарҳол кечирим сўради йигит.

- Ўзингиз-чи, ўзингиз ўқишга борганмисиз? Ё бир умр шофёр бўлиб ўтмоқчимисиз? - дея энди Элёрни сўроққа тута бошлади қиз.

Элёр ўзи тўғрисида гапириб берди. У Зумраддан тўрт ёш катта экан. Биринчи йил Тошкент автомобиль йўллари институтига бориб, ўқишга қиролмай қайтибди. Дадасининг маслаҳати билан кузда олти ойлик шофёрлик курсига кириб ўқиб, баҳорда армияга жўнабди. У хизмат қилиб юрган даврида дорихонада ишлайдиган дадаси бедаво дардга чалиниб қолган экан. Хизматдан қайтганига ўч ой бўлар бўлмас, бир кеча дард қатиқ хуруж қилиб, тез ёрдан келгунга қадар дадаси унинг қўлида жон берибди.

Элёр оиланинг тўнғич фарзанди экан. Дадасидан

кейин рўзгорни тебратиш унинг зиммасига тушибди.

Онаси кутубхонада ишлар, тўртта укаси ҳали ёш бўлиб, мактабда ўқишар экан. У хизматдан сўнг ўқишга бормай, рўзгорни тебратиш учун автобазага ишга кирибди. Бир ярим йилдан бери ҳайдовчилик қилар экан.

\* \* \*

- Сўраганинг айби йўқ, жўра, - деб қолди бир куни Сафар ака Зумраднинг дадасига қараб: - Бу қизингиз шундай иссиқда нега бетини беркитиб юради-а? Ё гўдак-лигида бетига яра-мара чиққанми?

- Мунинг онаси туркман-да, оғайни. Туркман аёллари юзими офтоб урмасин деб доимо рўмол билан ўраб юришларини ҳеч кўрмаганмисиз?

Сафар ака бу гапга чиппа-чин ишонди.

- Кўнглингизга олмайсиз-да гапимни, жўра, - деди бирпасдан сўнг Сафар ака атрофга аланг-жаланг кўз ташлагач. - Анави бола неча кундан бери қизингизнинг бошини айлантеририб юрибди-да.

- Қайси бола? - бирдан қовоғи уюлиб, жиддийлашди Отамурод ака.

- Ҳе анави мишиқи Элёрни айтаман-да. Тунов куни хув пастда, дарё бўйида қизингизнинг қўлидан ушлаб, нима балолар деб авраб ўтирганини ўз кўзим билан кўрдим, ўлай агар. Ҳозирги шаҳарлик ёшлар ёмон бўп кетишган. Хушёрроқ бўлиш керак-да, жўра.

Дарди ичида, маъюсгина юрадиган қизининг икки-уч кун ичида бирдан ўзгариб, хушнуд бўлиб қолганлиги боисини Отамурод ака тушунгандай бўлди.

Зумрад бу ерга отасининг: "Иш бошдан ошиб ётибди, овқат пиширишга ҳеч кимнинг қўли тегмайди. Қизим, тўрт-беш кунгина бизларга тушликка овқат тайёрлаб беролмайсанми?" - дегани учунгина келган эди.

Мана, тўрт кундирки, у хирмонга бошқаларнинг эмас, фақат Элёрнинг машинасида келиб кетади. Элёр шаҳарга кетаётганида ортидан қўлини силкиб, яхши бориб келинг дегандай кузатиб қолади. Йигит қайтгани заҳоти ўчоқ бошидаги юмушларини ташлаб, унинг ёнига боради. Элёр унга қандайдир китоблар берадимми-ей.

Четдан қараганда, Элёр ёмон йигитга ўхшамас эди. У шерикларига қўшилиб сигарет чекмас, нос отмас, шармсиз латифабозлик қилмас, бўш қолди дегунча китоб ўқиб ўтиради.

- Шу ерга келганингиздан бери кузатаман, қўлингиздан китоб тушмайди. Одам билан мундай ўтириб гурунғ ҳам қилмайсиз-а, жиян, - деди Отамурод ака хушқолик билан.

Сўнг Отамурод ака Элёрнинг отаси ким эканлигини суриштирди. Элёр дадаси ҳақида сўз бошловди:

- Э, э, сиз ҳали Маҳмудхон аптекачининг ўғилларимисиз? - деди юзи ёришиб. - Э, мен у кишини жудаям яхши танийман. Раҳматли дадангиз билан ошначилигимиз бор эди. Икки-уч марта уйларингизга ҳам борганман, жиян. Улфатчиликни яхши кўрадиган, меҳмондўст, бағрикенг, ажойиб инсон эди-да, раҳматли.

Бегона кишидан дадаси ҳақида бундай илиқ гапларни эшитган Элёрнинг кўнгли бир хил бўлиб кетди.

- Бегона эмас эканмиз, қадрдон ошманнинг ўғиллари экансиз, бизниқига ҳам мундоқ бир ўтинг ахир, жиян.


- Бу ишлардан қўл сал бўшасин-чи, меҳмондорчилик қочмас, бирор кун ҳовлингизга, албатта, ўтармиз, - деб жавоб қилди Элёр.

\* \* \*

...Ўнинчи синфда ўқишни энди бошлаган кезлари. Бир куни мактабдан қайтарканлар, Санобар:

- Ие, сенгаям хўснбузар чиқибдимми? Балоғатга етиб қопсан-а? - деди ҳазил аралаш.

Бу хабардан кўнглига гулгула ўрмалаган Зумрад уйга келган заҳоти ойна олдига ўтириб, юзини текширишга тушди. Иягининг остида ҳақиқатдан ҳам қандайдир до-



нача пайдо бўлган экан. Сал каттарса, сиқиб ташлайман деб кўнглидан ўтказди у. Бироқ бу донача ҳуснбузарга сира ўхшамасди. Бир ҳафта ичида худди нўхатдек бўлиб каттариб, ёнида яна худди шундай майда-майдаси пайдо бўлди. Муйчинак билан биттасини юлган эди, ўрни яра бўлиб, бир неча кун азоб берди. Онасига кўрсатгани: "Бу ҳуснбузар эмас, сўгал-ку, - деди уни ҳайрон қолдириб, - уни зинҳор-базинҳор юла кўрма, қизим, ўрни чандиққа айланиб қолади". Икки ҳафтанинг ичида силлиққина оппоқ юзюю, бўйинларига йигирматача худди шундай ғадир-будир доначалар чиқиб, қизни бутунлай саросимага солиб қўйди. "Бу юзим билан мактабга қандай бораман энди?! - дерди у фиғони чиқиб. - Бирорта давоси бордир, ахир?! Суриштириб кўринг, жон ая?!" - дея ялинди йиғламсираб. Дадаси шаҳардан сўгалга қарши дори топиб келтирди. Дори кучсизроқ эканми, унга таъсир қилмади. Кимдир онасига анжир сутини суртишни айтибди. Афсуски, бу ҳам унинг дардига малҳам бўлолмади. Бир куни онаси уни шаҳардаги шифохонага олиб борди. Кўзойнак таққан кекса врач аёл унинг юзини текшириб кўриб, қандайдир дори ёзиб бераркан сўгаллар ҳам ҳар хил бўлишини, бири дори таъсирида тўкилиб кетса, яна бир хилининг ўз даври борлигини, бир йилми, икки йилми муддати ўтгач, ўз-ўзидан тўкилиб йўқолишини тушунтирди. Доктор опа тавсия қилган дорини ўша кунидек топиб суртиб кўришди, аммо бундан кутилган нажот топилмади. Очпушти рангдаги ғадир-будир сўгаллар эса кун сайин чиройли чехрасини хунуклаштирганча каттариб, қизнинг аҳволини абгор қилиб борар эди.

Ёзининг ёндирувчи жазирамалари-ю, қишнинг қаҳратон совуқ кунларида бошига рўмол ўрамаган шаддод қиз эндиликда бу лавнати сўгалларни ўзгалардан беркитиш учун ноиложликдан мактабга ўраниб боришга мажбур бўлди. Унинг бундай рўмол боғлаб, юзини беркийтиб юришидан ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам ҳайрон бўлишди. Ўғил-қизлар орасида ғалати шивир-шивирлар бўлиб ўтди. Бундан кўнгли оғринган Зумрад икки кун мактабга бормади. Учунчи кун тушдан кейин синф раҳбари нима гап бўлганини билгани уларникига келди. Онаси ҳамма гапни ётиғи билан синф раҳбарига тушунтирди.

Энди Зумраднинг аввалги шижоати, шаддодлиги, "Албата актриса бўламан!" дейишлари қайгадир йўқолган, дарсларга бурунгидек фаол қатнашмасди. Ўзини ҳаммадан олиб қочар, биров билан иши бўлмас, мактабга жимгина бориб, жимгина уйига қайтар эди.

Баъзида дилгирик ила келажак тўғрисида узоқ ҳаёлга толиб қолар эди.

"Наҳотки энди ҳаммаси тугаган бўлса. Наҳотки орзу орзулигича қолиб, ниятларига етолмас? Наҳотки бир умр ярамас сўгалларини ўзгалардан яшириб азоб ила шаша?! Наҳотки гулгун ёшлигини адоқсиз ғуссалар курсида фиғон чекиб ўтказса?! Қандай ажойиб орзулари бор эди-я!.."

- Э худо! - дерди у гоҳида онаси олдида алам билан. - Нима гуноҳларим учун менга мундай дарди бедавони раво кўрдинг-а?

- Сабр қилгин, жон қизим! - дея тасалли берарди шунда муштипар онаси. - Худойим ҳам суйган қулига дард бераркан. Ўзи берибдимми, ўзи бир кун давосиниям берса ажабмас. Кўп куйинаверма, жон болам, ҳали тузалиб ҳам кетарсан.

- Эй парвардигори олам! - дея қўлларини тепага кўтариб нола қиларди Зумрад. - Мени суйиб, манави балоларингни берганингдан кўра, майли, розиман, мени ёмон кўриб, олгин шу ярамас сўгалларингни!

- Ундай демагин-а, айланай, жон болам, оғзингдан ел олсин-а, ундай демагин-а! Худойим ёмон кўрган банда у дунёда дўзахи бўлади-я! - дея яна тасалли беришга шошиларди онаси.

Бора-бора қизнинг ҳаётга қизиқиши сўнди. Шулар боис

ўйлай-ўйлай бу армонли дунёдан йўқ бўлиб кетгиси келди. "Ўзимни ўлдираман-да, бир йўла ҳаммасидан қутиламман-кўяман!" - деган шайтоний фикр миясида чарх ура бошлади охир оиқбат. Бир кеч икки қулоч арқонни олиб, сирдоши бобо - ёнғоққа ўзини осмоқчи бўлди ҳам. Аммо...

\* \* \*

- Кеча юзингиз ҳақида эшитдим, - деди Элёр ариқ бўйидан қариб қолган ялпиз баргини юлиб олиб ҳидлар экан.

Зумрад титраб кетди. Бўшашиб, ариқ бўйига ўтириб қолди.

Кутилмаганда сирининг фош бўлиши Зумрадни ваҳимага солганди.

- Бир нарса эсимга тушиб қолди, - дея гапида давом этди Элёр. - Элмурод деган укамнинг қўлига ҳам болалигида худди сизникига ўхшаш ўттизтача суял тошиб кетганди.

Зумрад бу гапга қизиқиб қолиб, кейин-чи, кейин нима бўлди, дегандай Элёрга саволомуз қаради.

- Эсимда: ўшанда раҳматлик дадам укамнинг қўлидаги суялларни куйдириб йўқотгандилар.

- Куйдириб дейсизми? - бирдан эти жунжикиб, юраги орқага тортиб кетиб сўради Зумрад.

- Ҳа. Қизиган темир билан куйдириб.

Зумрад бу гапдан кейин эсига нимадир тушгандек ўйлиниб қолди.

- Нега сиз чўчиб кетдингиз? - ажабланиб сўради Элёр.

- Ҳеч нимадан қўрққаним йўқ. Ўзим шунчаки, - деди Зумрад ўзини тетик тутишга ҳаракат қилиб. - Кейин укамнинг қўллари яхши бўлиб кетдимми, ишқилиб?

- Бўлмасам-чи, бир ҳафтага етар-етмас, биттаям қолмай, ўз-ўзидан тушиб кетувди ўшанда.

"Қанийди, меники ҳам бита қолмай, тўкилиб кетса!"

- дея орзу қилди ичида Зумрад.

- Бир тақлифим бор, Зумрадхон, агар сиз чўчимасангиз, юзингиздаги анавиларни бир куйдириб кўрсакмикин? - деди Элёр.

Зумрад Элёрнинг бу кутилмаган тақлифидан боягидек тагин юраги орқага тортиб кетаёзди.

- Мен аввал-яхшилаб ўйлаб кўрайин, хўпми, Элёр ака, - дея жавоб қилди у ўзини хотиржам тутишга интилиб. - Кейин сизга бирон нима дерман.

\* \* \*

Зумраднинг ҳаётида ўчмас из қолдирган бу мудҳиш ҳодиса саккизинчи синфда ўқиб юрган кезлари юз берган эди.

Бир куни онаси қора қозонда ёғ доғлаётганида, қўшни хотинлардан бири кўйлак тиктиргани келиб қолди. Онаси Зумрадни ёнига чақириб:

- Қозондаги аччиқ тутун йўқолиши билан ўчоқдаги оловни тортиб, манави арчилган пиёзни астагина ёққа ташлайсан, - деб тайинлаб, ўзи мижозининг ёнига кетди.

Зумрад худди онаси айтганидек қилиб, тутун йўқолиши ҳамона белкурак билан ўчоқдаги чўғни ўзига томон тортди.

Кун иссиқ бўлганлиги боис калиши оёғини қиздираётганди. У калишини четга ечиб ташлаб, арчилган пиёзни қозонга ташлади. Қизиб турган ёғ бирдан чарсиллаб, икки-уч томчиси қизнинг кафтига келиб тушди. Қўли ачишган Зумрад воҳ-воҳ дея ўзини орқага оламан дея эҳтиётсизлик қилиб, ҳозиргина ўчоқдан тортилган чўғни босиб олиб, ўнг оёғини ёмон куйдириб олди. Бечора қиз куйишининг даҳшатли азобларини бошдан ўтказиб, бир ой оёғини босолмай қийналиб ётди. Шушу у оловдан чўғидиган бўлиб қолди. Ёши улғайиб, бутун рзгорнинг юмушлари ҳозир унинг зиммасида бўлса-да, ҳали-ҳануз ўша куйганини эсидан чиқаролмас, олов билан жуда эҳтиёткорона муносабатда бўлар эди.

Бировнинг бирор жойи куйиб қолибди деб эшитса борми, ўзи бошидан ўтказгани учун вой бечора-ей, дея унга ич-чидан ачиниб кетар эди. Элёр укамнинг кўлидаги сўгалларни раҳматли дадам куйдириб йўқотгандилар деганида, Зумраднинг юраги орқага тортиб, чўчи тушганлигининг боиси ҳам шу эди.

Эҳтимол, сўгаллар куйдирилса, битта қолмай, таг-туби билан тўкилиб ҳам кетар? Элёрнинг ишонч билан айтишига кўра тўкилиб кетиши тайин. Бироқ юзидаги йиғирмата сўгалнинг ҳар бирини куйдиришнинг ўзи бўладими, ахир? Қайси мард чидар экан бунга? Куйиб кўрмаган одам куйиш оғриқларини қайдан билсин? Шунча сўгал куйдирилгач, ўрни ундан беш баттар тузалмас чандиққа айланиб қолмайдими ахир?!

Сабр қилиб юрса, хув икки ярим йил бурун кекса доктор опа айтганидек, юзидагилар бир кун келиб, ўзидан тўкилиб кетар.

Бироқ умид қилиб шунча кутди-ку, мундан ортиғи бўлмас ахир! Икки йил эмас, икки ярим йил деганда ҳам тўкилиб кетмаяпти-ку бу лаънатилар!

Зумрад шуларни ўйлай-ўйлай, ухлай олмади.

Элёр ҳам кечаси билан бу тўғрида роса ўйланди. “Ўзи қўлимдан келармикан бу иш? Шифокор бўлмасам, тагин бировни даволайман деб, кечириб бўлмас хато қилиб қўймасмиканман? Эҳ, ҳозир дадам ҳаёт бўлганларидами, ҳаммасини ипидан игнасиғача сўраб, билиб олардим. Дадам раҳматлига бу оппа-осон иш эди. Қандай қилсам экан энди?..”

- Жуда яхши, - деди Элёр Зумраднинг сўгалларини куйдиришга рози бўлганидан мамнун бўлиб. - Салгина оғриққа чидасангиз бас, кейин ҳаммаси кўнгилдагидек бўлиб кетади.

- Илоҳо, айтганингиз келсин.

Элёр “ҳозир-ҳозир” дея учи салгина қайрилган алюмин симни ўчоқдаги чўғ устига қўйди-да, кейин машинасида устига “Аптечка” деб ёзилган малла ранг сумкачани олиб келиб, ичидан ҳали очилмаган писка, йод, бинт чиқарди.

- Ҳаммасини бир-бир куйдирасизми-а? - кўрқа-писа сўради Зумрад.

- Нега энди? - ҳайрон бўлди Элёр. - Фақат биринчи-иккинчи чиққанларини, холос.

Бу гап Зумраднинг юрагига сал далда бергандек бўлди.

Зумрад ияги остидаги иккита катта-кичик сўгални “аввал чиққанлар шулар”, деб кўрсатганди, Элёр яхшилаб разм солиб, “ҳеч хавотирли жойи йўқ, куйган ўрни яқиндан қараганда ҳам унча билинмай кетар экан”, деб қизнинг кўнглини кўтарди.

Элёр: “Ё Олло, ўзинг шифо бер!” - дея шивирлаб, қиз кўрсатган сўгалларни таги билан шарта-шарта кесиб олди. Жароҳатдан оққан қонни тезда бинт билан артиб ташлаб: “Менинг кўлларим эмас, дадамнинг кўллари”, дея чап қўли билан қизнинг елкасидан маҳкам ушлаб, чўғдек қизариб кетган симнинг учини сўгалнинг оқариб турган томирчаларига жизиллатиб босиб-босиб олди. Кўзларини юмиб, тишини тишига қўйиб ўтирган Зумрад оғриқнинг зўридан “имм-имм” деб юборди, ўридан туриб кетаёзди. Элёр куйган жойни совутиш мақсадида жароҳатга дарҳол хуш исли балзам суртиб кўяр экан:

- Узр, жоним, сизга бунчалик азоб беришим мумкинлиги хаёлимга ҳам келмаган экан, - деди овози титраб.

\* \* \*

Шундай қилиб, қиз интизорлик билан энтикиб кутган бу ажойиб бахтли воқеа орадан уч кун ўтиб юз берди.

Сирли, фараҳбахш соҳир ойдин тун яримлаб қолган эди. Чиройли сарғиш ёғду таратиб турган гўзал тўлин ой шундоққина қишлоқ тепасидаги баланд адир устида

қўндириб қўйилгандек турар, дарё томонида эсиб турган хур-хур шабада ой ёғдусида ялтираб кўринган терак япроқларини ёқимли шитирлатар эди. Ойдин тун сукуна-тига халал бераётган тўлқинларнинг тинимсиз шовуллаши ҳам, япроқларнинг бир-бирига урилиб ёқимли шитирлаши ҳам “уйқудаги қизнинг гўзал тушларига” сира раҳна сололмас эди.

Кун бўйи жуфтдан айри тушган қалин қайрилма киприклар ниҳоят бир-бирлари билан қовушган, бир тутам қоп-қора майин сочлар қундуз қошлар устида бетартиб сочилган; қулгичлар ярашган чиройли лаблар ширин жилмайиб, қандайдир лаззатни қайта тортиш ниятида тамшанган эди...

Дарвоқе, у туш кўрар эди.

Тўлқинлари офтобда ялтираб, мавж уриб оқётган ўша дарёда тиззаларигача сувга киришиб, шодон қийқирганча бир-бирларига сув сачратар эмишлар. Элёр унга энди ҳеч чўчимасдан рўмолингизни ечиб юрсангиз ҳам бўлаверади, дея маза қилиб хурмо еяр эмиш. Зумрад йигитга хаваси келиб, менга ҳам бир дона хурмо беринг дермиш тамшаниб...

Бир таҳал унинг уйқуси қочди. Хўрсинган қўйи ҳозиргина кўрган тушининг таъбирини ўйлаб, адир тепасидаги тўлин ойга анча вақт термилиб ўтирди.

Сал ўтиб, томоғи қақраб, сув ичгиси келиб, аста ўридан туриб, гулзор четидаги ариқ лабига борди. Муздек-кина сувдан бир ҳовуч ичиб, қизиб кетган юзларини аста ювган эди қўлига нимадир илашгандек бўлди. Нима экан деб ҳайрон бўлиб ойдинга олиб қараса, нўхатдан сал каттарок сўгал экан. Ҳаяжонланиб кетган Зумрад юзини яна икки-уч марта яхшилаб ювганди, роппа-роса икки ярим йил зулуқдай ёпишиб ётган ғадир-будир сўгаллар бирпасда битта ҳам қолмай тутдек тўкилиб кетди. Бу ҳолдан ҳаяжони ичига сиғмаган қиз югуриб бориб ичкари уйга кирди-да, чироқни ёқиб, ойнага тикилди. Гўзал чеҳраси бурунгидек тиниқ ва сип-силлиқ эди...

Хайр энди сизга, эски армонлар!

Хайр энди сизга, ёш қизнинг кўҳна изтироблари!..

Зумрад адир ёнбағридаги ўша катта тутга суянган қўйи жовдираб Элёрни кутиб ўтирарди. Ўн беш-йигирма дақиқалар ўтиб, ниҳоят Элёрнинг машинаси кўзга ташланди. Машина тутга яқинлашаётган маҳал Зумрад ўридан тура солиб, йигитни кутмай, ундан аразлаган каби бурилиб кетиб қолди.

- Ҳой эрка қиз, кабинага чиқинг-чи, - дея ҳазиллашди Элёр унга етиб олган деразадан бошини чиқариб. - Йўл олис-а, нозик оёқларингиз толиқиб қолмасин тагин.

- Шундайми ҳали? - дея рўмолини ечиб жилмайганча Элёрга қаради қиз.

Элёр кўзларига сира ишонмай, Зумраднинг ойдек юзига ажабланиб тикилганча беихтиёр машина тормозини босди...

- Сизга яхши кўрган қизимнинг расмини кўрсатайми? - деди сира кутилмаганда Элёр Зумрад кабинага келиб ўтирганида жиддийлик билан.

Бу гапдан Зумраднинг хаёли бошидан учиб, лаҳзада шодон кайфиятидан асар қолмади. У анграйганча нима деярини билмас эди.

- Ҳайрон бўлманг, сиз уни аввал ҳам кўргансиз. Қани, бир дақиқа кўнгизни юминг-чи.

Зумрад юраги дуқиллаганча истар-истамай кўзларини юмди.


Элёр қоғозга ўроғлиқ нарсани очгандай бўлди.

- Марҳамат.

Зумрад кўзларини очди.

Элёр қизга унинг рангли қилиб ишланган чиройли портретини кўрсатиб турарди... Уялиб кетган Зумрад кафтларини юзига босди.





# ТАФРЕЪ

# САЪЪАТИ

Мен ярим ҳазил, ярим чин тарзда тафреъ санъатини буюк шоир шоғирдига ўргатмайди, дегим келади. Негаки, шеърга таъсирчанлик бағишловчи ўнча энг самарали бадий усул орасида тафреъ алоҳида ажралиб туради. Тўғри, энг кўп қўлланиладиган умрбоқий бадий санъат ташбиҳ (ўхшатиш) ва унинг иккинчи босқичи, сеҳрлироғи истиорадир. Ийҳом ҳам сўзнинг кўпмаънолилиги туфайли Навоий томонидан “хосса маъно” деб улуғланган санъатдир. Талмеҳда ҳам таъсирчанлик имкониятлари катта. Чунончи Ҳалима Худойбердиеванинг энг яхши шеърларидан бири “Бегим” бўлса, ундаги барча фазилатлар фақат ва фақат талмеҳнинг хилма-хил кўринишлари туфайлигинадир.

Тафреъ санъатини эса, камдан-кам шоирлар қўллайдилар. Нега бунақа? Менимча, кўпчилик ижодкорлар бундай санъат борлигини яхши билмайдилар. Шунинг учун шундай таъсирчанлик омилини шоирлар ўз ижодларида оз қўллайдилар. Тафреъ санъати хусусида назарий мулоҳаза юритмасдан олдин шу санъат асосида яратилган бир шеърни намойишга қўймоқчиман.

“Куз манзаралари” номли Абдулла Ориповнинг шеъри асосан тафреъ санъати туфайли бунёд топгандир. Ўн тўртликдан иборат ушбу яхши шеърнинг ҳар бир банди бир тафреъ усули хизмати туфайли кучли таъсирчанлик фазилати билан сайқаллангандир:

*Яна далаларга бошлайди ҳавас,  
Боғларда хазонлар ёнади лов-лов.  
Дўстларим, бу кўзнинг барглари эмас,  
Менинг юрагимдан тўкилган олов.*

*Шохларда мезонлар ялтирар хира,  
Пойида шивирлар менинг қуйларим.  
Дўстларим, булар ҳам, мезонмас сира,  
Бу менинг чувалган, сўнгсиз ўйларим.*

*Кўёш ҳам фалакда бамисли рўё,  
У энди ёндирмас, ялтирар фақат.  
Дўстлар, у ҳам энди кўёшмас асло,  
У олис ёшликда қолган муҳаббат.*

Абдулла Орипов - сўз сеҳргари. “Куз манзаралари” да тафреъдан бошқа таъсирчанлик омилларидан ташхисни айтиш мумкин. Ташхис - шахслантириш бўлиб, шоир тасвирда одамдан бошқа нарса-ҳодисаларни кишига хос хусусиятлар билан гавдалантиради, “Ҳаваснинг далаларга бошлашида” шу ҳолни кузатамиш. Иккинчи мисрада апроқларнинг сарғиш-қизғиш ҳолатини шоир “ёнмоқда” деган сўз билан муболағали ифодалаган...

Энди тафреъ моҳияти ҳақида сўз очайлик. Шеърдаги тафреъ нима у? Биринчи тўртликда шоир қизғиш баргларни инкор этди, барглар эмас деб, уларнинг юрагидан тўкилган олов эканлигини даъво қилди; иккинчи тўртликда мезонлар эмас, деб кўриниб турган мезонларни рад этиб, “бу менинг чувалган сўнгсиз ўйларим!” деб ўз гапини ўтказмоқчи бўлди. Учинчи тўртликда ҳам ижодкор кўёшни инкор этди: “у ҳам энди кўёшмас асло” ва ўрнига: “У олис ёшликда қолган муҳаббат” деб бизни ишонтиришга уринди.

Биз шоир инкор этган нарсаларга ҳам, тасдиқлаган - аслида ўшаларга ўхшатиш бўлган нарса-ҳодисаларга ҳам ишондик. Ишондиккина эмас, завқландик, қойил қолдик...

Тафреъ санъатининг энг яхши намуналарини биз Саъдий Шерозий, Алишер Навоий ва Заҳририддин Муҳаммад Бобур шеърлятида кузата оламиз. Шоир Турди Фароғий Саъдий Шерозийнинг қуйидаги матлаб билан бошланган ғазалига бежиз муҳаммас боғланмаган:

*Нест он долаҳо, ки дар бодяҳо жилвагаранд,  
Қуштагонанд, ки зи хок бароварда саранд.*

(Мазмуни:

Даштларда жилваланаётган долалар эмаслар, улар ердан қон-талаш бошларини чиқариб турган сўйилган кишилардирлар.)

Форс шоири бу байтда даҳшатли манзарани тафреъ санъати туфайли ярата олган.

Алишер Навоий ижодидида тафреъ санъати билан зийнатланган байтлар жуда кўп бўлиб, биз қуйида шулардан айримларини тизиб келтирамир:

*Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушти ўт,  
Йўқ шафақким, бир қироқдин осмонга тушти ўт.*

*Қон эмаским, ёпти гулгун хулла жаннат хозини  
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач.*

Алишер Навоий тафреъ санъатини қўллашда ижодий мўжиза кўрсатади, десак муболаға бўлмаса керак. Чунки у анъанавий ҳолат: байтда бир тафреъ санъатини қўллаш билан кифояланмай, байтда икки тафреъ санъати қўллашнинг ҳам ажойиб намунасини кўрсатади:

*Кун эмас, олам кўзига мунтазир айлар баёз,  
Тун эмас, балким чекар хуришд рухсорига миг.*

Заҳририддин Муҳаммад Бобур ижодидида ҳам тафреъ санъатининг ўта таъсирчан қўлланилган ҳолати диққатимизни тортди: Сел эмасдур, ер юзин туткан кўзумнинг ёшидур,  
Раъд эмасдур, кўкка чирмашқон кўнгул афғонидур.

Адабиёт тараққиёти бадий санъатлар тараққиётини ҳам белгилайди: мумтоз адабиётимизда тафреъ санъати шеърнинг бирор байтида учраб қоларди, холос. Биз юқорида, Абдулла Орипов ижодидан тафреъ санъатининг бутун бир шеър бўйлаб амал қилгани ҳодисасининг гувоҳи бўлдик.

Абдулла Ориповнинг тафреъ қўллаган яна бир байтини айтиш жоиз кўринди. Ижодкоримиз “Ўзбекистон” шеърда талмеҳ санъати билан қоришиқ ҳолда тафреъ санъатини қўлагандир:

*Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас,  
У - Улғбек кўзидаги ёш!*

Зукко олимлик ва шоирлик зеҳни билан бу санъат моҳиятига ёндашсак, бу усулни ташбиҳда ифодалаш мумкиндай туюлади. Аммо бундай эмас. Ташбиҳда тафреъдагидай таъсирчанликни юзага чиқариб бўлмайди. Бунга ишониш учун келтирилган мисолларимиздан истаганингизни олиб ўхшатишга айлантириб кўрсангиз, бу мулоҳазамизга ишонасиз.

Кўшиқни эслайлик-да, аввал ташбеҳда, сўнг тафреъда ёзиб кўрайлик:

*Ташбеҳ:  
Унинг сочи шаршарадай...*

*Тафреъ:  
Соч эмас у, шаршара у, шаршара...*

Таъбир жоиз бўлса: тафреъ санъатини энг истеъдодли шоирлар қўлайди, дейиш мумкин. Маъшхур озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулий “Лайли ва Мажнун” дostonида тафреънинг жуда гўзал намуналарини яратгандир:

*“Лайло дема, шамъи мажлисафрўз,  
Мажнун дема, оташи жигарсўз.  
Лайло дема, жаннат ичра бир хур,  
Мажнун дема, зулмат ичра бир нур.  
Лайло дема, авжи ҳусна бир моҳ,  
Мажнун дема, мулки ишқа бир шох.  
Лайло дема, бир ягонаи даҳр,  
Мажнун дема, бир фасонаи шахр...”*

Кузатилган мисоллар шундан далолат берадики, тафреъ санъати назмнинг кўп навлярида қўлланилиши мумкин бўлган таъсирчанлик яратувчи бадий усулдир. Буни билиш китобхонга ҳам, шоирга ҳам, олимга ҳам фойдадан холи эмасдир. Чунки бадий санъатларни билган китобхоннинг шеърлардан оладиган бадий лаззати икки баравар кучли бўлади, шоирларнинг эса маҳоратлари ошади.


**Ваҳоб РАҲМОНОВ,**  
филология фанлари номзоди, доцент.

**Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД**

Туркий халқларнинг қадимий аجدодлари йўлбошчиларидан бири Маде хон милоддан аввалги 209-174 йилларда ота-боболаримизнинг Хитой (Чин) билан чегарадош бўлган бепоеъ ватанларида ҳукмронлик қилган. Маде хон ўз элининг мустақиллиги йўлида Чин подшолари билан самарали сиёсий музокара-лар олиб борган. Босқинчиларга қарши мардонавор жангларда музаффар бўлган.

Маде хоннинг "Ер бу - мамлакатнинг асосидир" деган ўлмас шиорини дунё ҳам жамияти ҳануз юксак қадрлайди...

Мен бу достонимни халқимизнинг мустақиллик байрамига бағишлайман.



# МАДЕ ХОН СЎЗИ ёхуд ЧИН ИПАГИДАГИ БИТИК

## Тарихий достон

I

Кундузи Куёшга,  
тунда Ойга топиндим.  
Боболарнинг  
жондор бўри руҳларига сизиндим.  
Қилич қайраб,  
камонимга ўқ йўндим.  
Кулунларни  
ботирларим миниб чопар от бўлишин соғиндим.

Кулунларим тулпор бўлиб,  
қолдузларни кўзлади.  
Ўғлонларим йигит бўлиб,  
қаҳрамонлик излади.

Отам - Туман.  
У қартайди - ириди.  
Онг - шуури мадда бойлаб,  
тафаккури чириди.

Аτροφимга йиғдим ўн минг бўрини,  
Ўн минг қашқир - бўриларнинг зўрини.  
Ўздан олиб сувга солдим минг бора,  
Сувдан олиб ўтга солдим минг бора -  
Бир бовурлик болғасининг зарби-ла ҳўб тобладим.

II

Ўзгалардан ортиқ эди ўқ-ёйимнинг "қилиғи" -  
Қаҳрланиб отган ўқим бўри бўлиб улийди.  
У дунёнинг элчисидай учиб борар ишқириб,  
Ғанимларга сочар эди ҳалокатнинг уруғин.

Ўн минг мардга фармон бердим:  
"Эшитинглар сўзимни!  
Бўри бўлиб улийдиган ўқни отсам, шу зумда  
мен нишонга олган зотни ким бўлса ҳам отинглар,  
кўнглингиздан дариф тутинг шафқат деган сезимни!"

Арғумоғим бўлар эди сулув қиздай қалқиган,  
Кенг яйловда ойдай сузган, кенг осмонда балқиган.  
Ботирларни синаш учун ўз отимга ёй отдим,  
Учиб кетди қонсираб ўқ,  
ортидан ўқлар учди,  
ўқлар учди кетма-кет...

Тулпоримга кўкел садақ саккиз минг ўқ қадалди,  
Икки минг эр ёй тортмади - икки мингта ўқ қолди.

Хон буйруғи - Тангри амри:  
"Икки минг эр гуноҳор!"

Шул икки минг эр кесилди бир бовурлик ҳақиға...  
Саккиз минг зўр йигит қолди ёнимда яловбардор.

III

Сулувларни сайлаб суйдим - тойча белли сағрини,  
Битта ёрим - оққуш нозли, бири - товус ишвали.  
Тангри - ёлғиз,  
Осмон - ёлғиз,  
Куёш - ёлғиз,  
Ой - ёлғиз...  
Кўнглим яна ботирларни синамоқни истади.

Садоқ тортдим сулувимга,  
Йиғлаб-ҳўнграб учди ўқ.  
Ой баданин, қумуш танин ажал бўлиб тешди ўқ.  
Етти минг Алп - етти минг Гурт,  
Тирамади қўллари,  
Сулувим қон томиридан етти минг кўз очди ўқ.

Отилмаган минг ўқ қолди...  
Ёй тортмаган минг эрнинг  
жонларини Кўк тангримга  
қурбон қилиб юбордим.

IV

Тошни шохлаб қайралади қора буқанинг шохи,  
Элнинг дарди - менинг дардим,  
Менинг дардим - эл дарди.

Эл-юрт учун аямадим арғумоқ-тулпоримни!  
Эл-юрт учун қурбон қилдим қўйнимдаги ёримни!

Эл-юрт учун тожу тахтим,  
тулпор мендан садаға!  
Эл-юрт учун жоним, бахтим -  
дилбар мендан садаға!

Қоронғу тун қучоғида етти юлдуз - қароқчи,  
Қўл қўйнида етти минг Гурт юрт қўриқлар қўриқчи.

Мой айниса туз сепилар,  
Эр айниса не бўлар?!  
Чин бўрилар айнамайди.  
Айниганлар ит бўлар,  
шоғол бўлар, тулки бўлар, ликиллатар кетини.  
Мардлар элнинг тузи бўлар - мард айнитмас элини.

Отам Туман айниганди - Чин душманга қўл берди,  
ғайри динга, ғайри тилга қучоқ очиб йўл берди...  
Қаҳрланган бўри ўқим улиб учди Туманга,  
Нақд етти минг ўқ қадалди... Жазоладим отамни!



Хон айтгани - Кўк айтгани:  
 “Жонни фидо этармиз!  
 Эр айниса, биз калласин  
 тандан жудо этармиз!

## V

Шамшир сермаб, найза урдим,  
 Эл бирлигин тузатдим.  
 Кипригимга ханжар қадаб, ким дўст-душман кузатдим.  
 Баланд тоғда Бургут - подшоҳ, кенг саҳрода - Қашқирлар!  
 Эрлик, Мардлик, Ботирликни улуғладим - Сўз айтдим!

Илгаридан душман эди Чин юртининг подшоси.  
 Шул шоҳ битган нома келди. Хат ўқиди элчиси:

“Эй, Маде хон, пиёда юр! Ярашмас от минганинг,  
 Чибин жонинг омон бўлсин, тахт минсанг - от минганинг!  
 Остингда Елсув тулпоринг - менга бер шул отингни!  
 Гар отингни бермасанг, мен кесамаман элатингни!

Уч минг ботир турди қабоғидан қор ёғиб,  
 Ўқловдайн томирида номус бирла ор оқиб:  
 “Чин юртнинг қалъасига бошла бизни, Маде хон!  
 Иснод чекиб яшагунча, қиличдан берайлик жон!  
 Минган отинг - Елсув тулпор, бу - хонлиқнинг нишони,  
 Бадавлатлик, элдавлатлик ва халқликнинг нишони!”

Мен буюрдим: “От - бир маҳлуқ!  
 От ўрнини той босур!  
 Кўшнимиз тинч - бизлар ҳам тинч...  
 Булут ўрнин Ой босур!  
 Чин юртининг аждарҳоси майли отимни олсин!  
 Юртимга ўт пуркамасин,  
 От билан нафси қонсин!”

Хон буйруғи - Тангри амри.  
 Барча эл дардин ютди,  
 Хонлик нишони отни  
 Хитойга ҳада этди...

## VI

Элчи келди Чин юртидан бир йил ўтгач орадан,  
 Аждарҳоси панжа урди юрагимни яралаб...

Хат ёзибди: “Ўн беш яшар кенжатоинг, қизингни,  
 Кўзичоғинг, оқ улоқчанг - эркатой Кундузингни  
 Етмиш яшар чол демасдан хотинликка бер менга!  
 Олтин ортган қарвон юбор, икки қилма сўзимни!

Олти минг эр қиличларин қинларидан суғурди,  
 Чин юртини босамиз деб отига эгар урди.

Кўз ёшларин ичга ютди...  
 Киприклари муз эди...  
 Найзаларин тошга қайраб,  
 Лов-лов ёниб сўз айтди:  
 “Асл бўри уядамас, дала-тузда ўлади!  
 Асл ўғлон ўткир қилич, ўткир сўздан ўлади!  
 Қизингизни менсимаса, менсимайди хонликни,  
 Фанимларга ханжар уриб, биз ўлгимиз келади!”

Фармон бердим: “Қиз бола бу - палахмоннинг тошидир,  
 тақдир отса, саҳролардан, тоғлардан ҳам ошадир!  
 Молу дунё - қўлнинг кири,  
 ювилади-кетади.  
 Қўшни подшоҳ тинч яшаса,  
 Халқим ҳам тинч яшайди!  
 Чин юртининг подшосига айтганини беринглар!”  
 Айтилган сўз - отилган ўқ!  
 Мен сўзимдан қайтмадим.

Хон буйруғи - Тангри амри,  
 Фармон ижро этилди.  
 Эл-халқимни қайғу босди,  
 қобирғаси сўтилди...

Олтин ортган узун қарвон қизим олиб қўзғалди,  
 Эл-юртимнинг юрагида тош ёндирган кўз қолди.

Элим, халқим бу қисматдан ханжар каби қайралди,  
 Чархлаб ётган шамширимдай сараланди, сайланди.

Бўлтириқлар индан чиқди - етмиш мингта жой тутди,  
 Улийдиган ўқлар йўнди. Бўриларга айланди...

## VII

Бир йил ўтгач, Чин юртидан элчилар келди яна,  
 Аждар йили муз-қаҳратон қиш ўн еттинчи сана.  
 Хат ёзибди: “Чўп кўкармас, қақраб ётган ерингдан,  
 От туёғи, қуш қаноти куяр сувсиз чўлингдан,  
 Кунботардан, кунчиқардан, жануб, яна шимолдан  
 Юз чақирим тақир ерни бўлиб бергин элингдан!  
 Мен Чин юртин аждаҳоси буюраман! Маде хон,  
 Буйруғимни тез бажарсанг, ўлмай қоларсан омон!”

Кўкрагимга ғазаб тўлди, кўзларимга тўлди қон!  
 Тангримга илтижо қилдим ҳар кунботар, туну тонг,  
 “Эй, Кўк тангрим, ўзинг қўлла! Куёш қўлла! Ой қўлла!  
 Бўриларнинг юрагин бер, қудратин бер, Художон!”

Тез қурилтой чақирдим мен, тўпланди кадхудолар,  
 Тили билан темир тутун, тилсим ечар донолар.

Ким бировлар: “Тиёҳ унмас чўл-ку, берайлик...” - деди.  
 Ким бировлар: “Бир қарич ер бермай, ўлайлик!” - деди.

“Ер берайлик...” - деганларнинг калласини уздирдим,  
 “Ер бермайлик!” - деганларга қиз бердим, от миндирдим!

Юртга айтдим: “Мамлакатнинг асоси ер бўлади!  
 Ерсиз элат - пуч дон бўлар. Ерли юрт эл бўлади!  
 Инсиз бўри бўри эмас! Ошёнсиз қуш қуш эмас!  
 Ватансиз эр эркак эмас! Ватанли эр шер бўлади!  
 Фанимга ер берганларнинг терилари шилинсин!  
 Юрак-бағрин итга ташланг! Бўйинлари узилсин!  
 Бул фармоним бориб етсин авлодлардан авлодга  
 Ер қадрини билмасларга тайин жазо берилсин!”

## VIII

Тош синдирди қаҳрланган қаҳратон қиш қиличи,  
 Соқол-муртли ҳайдарли эр отта минди эл учун.

Элим елка тутди, қалин ўрмондайн тебранди,  
 Етти ёш кокилли ул ҳам ўзини алп, эр билди.

Уч юз минг алп Чин юртига бўри бўлиб бурилдик,  
 Биз чалажон, ўлик эдик, жанг-жадалда тирилдик!

Уч юз минг ўқ - Кўк ғазаби! Улиб учди ёвларга!  
 Қилич урдик, найза санчдик, талқон бўлди тоғлар ҳам!

Чин юртининг аждарҳосин аср олдим. Мен уни  
 ўлгунича чўпон қилдим саҳродаги қўйларга.

Етмас жойда этагимни кесиб олдим, енг этдим,  
 Ер бермадим ўзгаларга, ўз еримни кенг этдим.  
 Доноларни, ботирларни ва мардларни қўлладим,  
 Мен элимни осмон ўпар тоғлар билан тенг этдим!

Мен сўзладим,  
 Хатга солди шоирлару донолар,  
 Кундуз - Куёш, кечаси - Ой, руҳи тирик боболар:  
 “Эл-юртимга темир қонун, адолагли тузук бу -  
 Тойлар ўсиб тулпор бўлсин ботирни миндиришга,  
 Уллар ўсиб ботир бўлсин отларни елдиришга...”

Менинг сўзим - Тангри сўзи!  
 Нуқта қўйдим. Гап тамом...  
 Юртим учун яшадим мен,  
 Тамға босдим - Маде хон!

*Қорақалпоқ тилидан  
 Рустам МУСУРМОН таржимаси.*

Комила НОСИРОВА



# ЎКИЛЧ

## Ҳикоя

Қалбимдаги изтироблар кун сайин чуқурлашиб борапти. Ўзимни чалғитишга, бу нарсалар ҳақида ўйла-масликка тиришаман. “Бир кам дунё!” дея таскин беришга интиламан. Аммо... Аммо барибир ўша, мени неча йил-лардан буён таъқиб этаётган, қалбимни титроққа солган аламдан қутулолмайман...

Бу алам умр бўйи менга ҳамроҳлик қилса керак. Ота-сиз ўсган инсоннинг дилида қандай туйғулар бўлишини биласизми? О, йўқ! Менга эса, бу хўрлик жуда таниш...

Оиламиз ҳамма қатори ҳа“т кечирарди. Бировдан ортиқ ёки кам жойимиз йўқ эди. Тўқис яшамасак-да, етишмовчилик сезганимизни эслолмайман. Ота-онам, ниманики истасак, муҳайё қилишга, кўнглимизни ўқсит-масликка интилишарди. Оилада бош фарзанд бўлганим учун укам ва сингилларимга қараш менинг зиммамда эди. Чунки отам ҳам, онам ҳам ишларди. Адам қаерда, нима иш билан шуғулланганини билмайман-у, хизмат сафа-рига тез-тез бориб тургани ёдимда. У бир кетса, ҳафта-ўн кунлаб йўқолиб кетар, бизларни роса соғинтириб қай-тарди. Аммо “гуноҳ”ини ювиш мақсадида ҳар биримизга совға опкеларди. Совғаннинг каттаси, шубҳасиз, ҳар доим оймга аталган бўларди. Бундай эътибордан унинг боши осмонга етарди.

Ўша воқеалар... содир бўлгунга қадар... ота-онамнинг қаттиқ уришиб қолганини, жанжаллашганини эслолмай-ман. Ойим адамни жуда хурмат қилар, барча истаклари-ни бажо келтирар, ардоқларди. Бизга ҳам “Адангга гап қайтармаларинг!” деб кўп такрорларди. Ойим айтса-айт-маса, ҳаммамиз адамни яхши кўрардик, гап қайтаришга ботинмасдик. Уни дунёда энг ақлли одам деб билар-дик. Мен синфдошларимга адам “катта” жойда ишлаши-ни айтиб мақтанардим. Сингилларим ҳам худди мендек яхши кўришарди. Укам-ку, ҳали гўдак бўлишига қара-май, адамга қаттиқ боғланиб қолганди. У (улар дейишга тилим бормайди!) сафарга кетганда, “адамни кўраман!” деб ҳаммамизни сиқиб юборарди... Хуллас, оиламиз тинч, осуда ҳаёт кечирар, иноқ эдик.

Аммо... Аммо қутилмаганда ҳаммаси ўзгариб кетди. Бир воқеа сабаб бўлиб, ойим, менинг меҳрибон, мулоим, оққўнгил ойижоним асабий бўлиб қолди. Ўшанда ҳам... адам “Москвага боришим керак!” деб сафарга кет-ганди...

Сингилларим ҳали мактабдан қайтмаган, укам боғча-да, ойим эса, ишда эди. Уйда ёлғиз ўзим эдим (қаттиқ шамоллаганим учун иситмам чиқиб кетгнли). Кўнгироқ чалиниб қолди. Аранг юриб бориб эшикни очдим (Бо-шим оғриб тургани учунми, кимлигини сўрамабман ҳам).

Остонада башанг кийинган, сочларини чиройли қилиб турмаклаган, кўхликкина аёл турарди.

— Ассалому алайкум... — ажабланиб қарадим унга. Аёлни танимаётгандим.

— Ваалайкум ассалом, — деди у менга тикилиб.

— Ойингиз уйдадилар?

— Ҳали ишдан келмадилар, — дедим унинг қараши-дан ўнғайсизланиб. Аёл кўхликкина бўлса-да, нимаси-дир ёқимсиз туюларди менга. — Сиз ким бўласиз ўзи?!

Аёл жилмайди. Аммо жилмайиши зўраки, сохта ту-юлди менга.

— Эски танишиман, — деди бироз ўйланиб тургач. — Ҳатто... қариндошчилигимиз бор деса ҳам бўлади...

Мен индамадим. Қараб туравердим.

— Ойингиз зарур гапим бор эди, — негадир ҳадикси-раб, хижолат бўлиб гапирди аёл. Шунда лаблари тит-раб кетганини сездим. — Ичкарида кутиб турсам бўла-дими?

— Киринг, — дея унга йўл бериш учун ортга тислан-димё Аммо шу лаҳзадаёқ ойимнинг ҳар куни ишга ке-таётиб тайинлайдиган гапи эсимга тушди: “Танимаган-билмаган одамларингни уйга киргиза кўрма. Кўчада ҳар хил одамлар кўпайиб кетган”. Кўнглимга шубҳа оралаб, “Тўхтанг!” демоққа чоғландим. Бироқ кеч бўлган, аёл ичкарига кириб улгурганди. Ўзимга таскин бериш нияти-да “Ойимнинг таниши экан-ку!..” деб қўйдим ичимда.

Нотаниш аёл эгилиб бежирим, сўнги урфдаги туф-лисини ечди-да, секин юриб менинг ортимдан ўтди. . У бирпас менга қараб турди-да, таклиф бўлавермагач, ди-ванга ўтирди. Хонадаги буюмларга бир-бир кўз югурти-риб чиқаркан, нигоҳларида англаб бўлмас ифода бор эди. Мен эса, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатар-канман, дастурхон ёзиш керакми ёки йўқ деб ўйлар-дим.

— Ойингиз қачон келади?! - сўраб қолди аёл.

— Соат бирлардан кейин, - аранг жавоб бердим мен. Ўрнимдан турганим учунми, баттар иссигим чиқаётганди. — Бугун олти соат дасрлари бор.

— Шунақа де? — аёл жимиб қолди. Шундагина унинг кўзларида саросима борлигини, нимадандир кўрқаётган-ини пайқадим. Аммо бунга ортиқча эътибор берадиган аҳволда эмасдим.

— Сен нечанчи синфда ўқийсан? — сўради у менга қарамай.

— Менми?.. Олтинчида... — дедим хушламайгина.

Аёл бир муддат ўйланиб қолди. Кейин яна сўради:


— Ҳаммаларинг мактабда ўқийсизларми?

У мендан гап сўрарди-ю, негадир менга эмас, бошқа ёқларга қарарди. Гўё кўзимга боқишга ботинмаётгандек.

— Йўқ, укам ҳали боғчага боради... Энди учга тўлди...

— Шунақами?.. — аёлнинг оппоқ юзлари қизариб





кетди. Дарров бошини куйи солди. Назаримда, айна дамда унинг кўзлари ёшга тўлгандек эди. Мен бу галати аёл нима мақсадда уйимизга келганини билишни истардим. Аммо энди сўрашга чоғланганимда, эшик кўнгираги жиринглаб қолди. Бориб очдим. Ойим келган экан.

— Эрта қайтибсиз? — сўрадим салом бергач.

— Иккита синфни кўшиб дарс ўтдим, — ойим менинг юзимдан безовталигимни пайқади. — Нимадир бўлди-ми?

— Меҳмон... бор, — шундай дея залга ишора қилдим.

Ойим “Ким?” дегандек саволомуз қаради-да, жавобини ҳам кутмай ҳалиги аёл ўтирган хонага кирди. Мен унга эргашдим.

— Ассалому алайкум, — ёши ўзидан кичик бўлса-да, биринчи бўлиб салом берди ойим. — Хуш келсиз!

Аёл довдираб қолдими, саломга алиқ олишни ҳам унутди. Ойимга тикилиб қолди. Улар ёнма-ён тургани учунми, беихтиёр солиштирдим. Бегона аёл ойимдан анча ёш, устига-устак, гўзал эди. Бу эса, негадир менга алам қилди. Аёлга нисбатан кўнглимда ғаразга ўхшаш туйғу тугилди.

Бир муддат давом этган жимликдан сўнг, аёл ниҳоят тилга кирди:

— Сиз мени танимайсиз... Лекин мен сизни биламан... Рамзиддин акам сиз тўғрингизда гапириб берган... Кўнглимда сизга нисбатан ҳеч қандай ғаразим йўқ... Ҳатто сизни танимасам ҳам, ҳурмат қиламан... Аммо... сизга бир ҳақиқатни айтишга мажбурман... Буни айтиш менга оғир... Бироқ бошқа иложим йўқ...

Ойим ҳеч балага тушунмади чоғи, бир менга, бир аёлга анграйиб қаради.

— Нима деяпсиз?! Мундоқ тушунтириб гапиринг!

— Биласизми... мен Рамзиддин акамни яхши кўраман... Никоҳига олаётганда, оиласини жондан ортиқ кўришини ҳам билардим... Ҳаммасига рози эдим... Аммо вақт ўтган сари бундай яшаб бўлмаслигини тушуниб боряпман... Бу вазиятда бир менга эмас, ҳаммага қийин... Мен балки нотўғри қилаётгандирман. Ҳозир сизга жуда оғир, биламан. Эҳтимол, мени қарғарсиз... Аммо мен шунга мажбур бўлдим... Кечиринг, Рамзиддин ака ҳеч қачон сизга айтмасди. У сизга озор беришни истамайди...

Ойим тўсатдан ўқириб йиғлаб юборди. Мен нима гаплигини тушунмасам-да, ойимни йиғлатгани учун бу аёлни ёмон кўриб қолдим. Унга ғазаб билан қарадим-да, чийиллаб бақирдим:

— Кетинг!.. Йўқолинг бизнинг уйдан!..

Аёл менга эмас, ойимга қаради-да, эшикка йўналди. Бўзлаб ўтирган ойим сакраб турди-да, ортидан отилди.

— Тўхтаг!.. — бақирди ҳамон йиғларкан. — Рамзиддин ака... сиз билан яшармиди шунча пайтдан бери?!

Аёл ўгирилди. Ойимга бир лаҳза тикилиб турди-да, ачингандек деди:

— Тўрт йилдан бери биргамиз... Ўғлимиз бор...

— Э Худо!.. — пичирлади ойим. Кўзларида даҳшатли ифода пайдо бўлди, ранги бўздек оқариб кетди. Эшик ёпилгач, ойим ўзини ташлаб юборди. Кўзлари очиқ, юзида қон йўқ.

— Ойи!.. — жон ҳолатда унга ёпишдим мен. — Сизга нима бўлди, ойи?!

Ойим бир нималар деб пичирлар, лаблари титрар эди. “Сув!.. Сув бер!..” — деяётганини зўрға англадим. Югуриб ошхонадан бир пиёла муздек сув олиб келдим-да, оғзига тутдим. Ойим қимирлолмади. Бир қўлим билан бошини кўтардим-да, сувни эҳтиёткорона оғзига тутдим. Аммо пиёладаги уч-тўрт томчини ҳисобга олмаганда, ҳаммаси палосга тўкилди. Ойимни кўлтиғидан амаллаб

тутиб ўз хонамга олиб кирдим-да, каравотга ётқиздим. Унинг ранги бўздек оқариб кетган, кўзларида ғайритабиий бир ифода — кўркувми, даҳшатми — акс этган, қорачиклари бир нуқтада қотиб қолганди. Ойимни илгари ҳеч қачон бу аҳволда, бу қадар аянчли қиёфада кўрмагандим. Кўрқиб кетдим.

— Ойи!.. Сизга нима қилди?!

— Илтимос... қизим, мени ёлғиз қолдир... дам олмақчиман...

Ойимнинг овозидаги мунг, дард юрагимни эзиб юборди. Бир ўзини ташлаб кетгим келмасди. Аммо ойимнинг сўзини икки қиллолмасдим, ошхонага чиқдим. Барибир, хаёлим, бутун фикру зикрим унда эди. Бояги хотин айтган гапларнинг маъносини чақишга уринардим. Ҳаммасини англаб етмасам-да, “Ўғлимиз бор” деган гапи миямга ўрнашиб қолганди. “Наҳотки, ота-онам энди бирга яшамайди. Наҳотки, акам бизларни ташлаб кетса?!” Бу совуқ ўйлар вужудимни музлатиб юборди-ю, ойимнинг олдига отилдим.

— Адам энди биз билан яшамайдиларми?! — қичқирдим аламимга чидолмай. — Шунақа бўладими, ойи?!

Ойим саволимни эшитмаган каби бояги алфозда, яъни шифтга тикилган кўйи индамай ётаверди.

— Ойи!

У киприк қоқмади ҳам. Мен гўё ҳайкалга гапираётгандек эдим. Назаримда, ойим мени танимаётгандек, сўзларимни англолмаётгандек эди...

Бироздан сўнг сингилларим мактабдан қайтди. Ойим уларнинг гапига ҳам парво қилмади. Ҳатто укамни боғчадан олиб келганимиздаям ўрнидан турмади. Минг йиллик касалдек ётаверди тўшамга қапишиб. Сингилларим ҳайрон, ҳаммаси менга саволомуз қарагани-қараган. Гап нимадалигини билсам-да, айтмадим. Айтиб уларнинг кўнглини бузгим келмасди.

Ўша куни биз кечки овқатга нон билан мураббо едик. Овқатни ойим пиширарди-да. Ҳеч балодан хабари йўқ укам, сингилларим иштаҳа билан овқатланишди. Мен эса, бир бурда нонни оғзимда у ёқдан-бу ёққа айлантиргача чайнаб ўтиравардим. Ойимни икки-уч марта қақирдим. Аммо у... ҳамон ўшандай ҳаракатсиз, ҳиссиз ётар, менинг чорловимга жавоб қилмасди. Касаллигим ёдимдан кўтарилиб кетди ҳам. Икки кун шу тарзда совуқ ўтди. Энди мен тугул, сингилларим ҳам маъюс кайфиятга тушиб қолар, укам эса, ҳеч балага тушунмас, ҳиқиллайвериб безор қилганди.

Учинчи куни ойим ниҳоят ўрнидан турди. Аммо... у жуда ўзгариб кетганди. Худди... ўн ёшга қариб қолгандек туюлди менга. Қоп-қора сочларининг деярли ярми оқарган, чиройли кўзлари ич-ичига ботиб, суяклари бўртиб чиққан, пешонасига бир талай ажин тушгандек. Кўзлари... Оҳ, ойимнинг кўзлари ҳиссиз эди!.. Гўё бизга эмас, етти ёт бегонага қараётгандек совуқ эди нигоҳлари!.. Даҳшатдан қотиб қолгандим. Ойим... менинг меҳрибон ойижоним ўша... олифта аёлни деб шу кўйга тушганди.

— Ойижон!.. — кучоқлаб олдим мен уни. — Ойи!.. Сизга нима бўлди? Нега бунақа қиялсиз?!

— Болам!.. — деб қолди ойим тўсатдан. — Нега мактабга бормаяпсан?

Ҳайрон қолдим. Ойимнинг овозидаги хотиржамлик... У шундай дея тез-тез юриб ошхонага ўтди. Қозон-товоқни бир-бир кўздан кечириб чиқди-да, менга ажабланиб қаради.

— Бу нимаси?! Мен касал ётсам, оч ўтираркансанларда! Ҳеч бўлмаса, тухум қовуришни эпларсан. Ёки ҳаммасини мен қилиб беришим керакми?!

Ойим мени койирди-ю, кўзларини яширарди. Нигоҳини тикишдан чўчиди. Шунда мени: “У ўзини хотир-

жам тутишга уриняпти, аслида қийналяпти”, деб ўйладим. Ажаб, мен энди адамни соғинганимни (уни неча кундан бери кўрмаётгандим, ахир) сезмасдим. Гўё у умуман йўқдек, ҳеч қачон бўлмагандек. Гарчи ўша куни аёлнинг гапларини тузук-куруқ англамаган бўлсам-да, адамга нисбатан кўнглимда совуқлик уйғонган, “Ойимнинг қийналишига отам сабабчи. Фақат у! Ўша ёмон хотинни — унинг ёмонлигига ишончим комил эди — ҳам адам юборган!” — деган хулосага келгандим. Энди мени ойим ташвишлантирарди.

— Энди... тузукмисиз? — сўрадим хавотирланиб.

— Ҳа, анча яхшиман... — ойим яна мендан кўзини олиб қочди.

Кутилмаганда эшик тақиллаб қолди. Мен ойимга қарадим. У... ранги оқаринқираб, “Оч!” дегандек ишора қилди. Истамайгина бориб эшикни очдим. Остонада... адам турарди. Мени кўриб жилмайди. Кейин кучоқламоқчи бўлди. Аммо... мен ўзимни олиб қочдим. Қандайдир туйғу мени ундан итариб тургандек эди. Ҳатто салом бергим ҳам келмасди. Адам менга бирпас индамай қараб турди-да, паст товушда сўради:

— Ойинг уйдаими?

— Ҳа! — дедим зарда билан.

Адам ичкарига кирди-да, тўппа-тўғри ошхонага ўтди (ойимнинг у ердалигини қаердан билдийкин?). Мен ортидан. Аммо ойим киришим билан буюрди.

— Сен чиқиб тур... Катталарнинг гапига аралашма!..

Биров бўйнимдан арқон билан судрагандек зўрғазўрға қадам босиб чиқиб кетдим. Шу захоти ошхона эшиги қарсиллаб ёпилди. Ичкарида нималар бўлаётганини жуда-жуда билгим келарди. Эшик тагида писиб ўтирарканман, бутун вужудим кулоққа айланиб кута бошладим. Аммо ҳадеганда ҳеч нарса эшитилавермади. Жимлик. Нима бало, кўз уриштириб ўтиришибдими? Бир неча дақиқа шундай сукунат ичра ўтди. Ниҳоят, мен кутган шивир-шивир бошланди. Бироқ қанчалик уринмай, бироррта сўзни англай олмасдим. Зум ўтмай, овозлар кучайиб, шивир-шивир бақир-чақирга айланди. Ойимнинг: “Мени ўша аёлга алмашибсиз-да!.. Мендан ҳам яхшимиди?..” деб бақирганини эшитиб, қотиб қолдим. “Ўғил ҳам туғиб берибди-ку!..” овоз келди яна ичкаридан. Яна жимлик.

— Мениям тушунишга ҳаракат қил... Ўғлимиз учунгина яшайман у билан... Лекин сени ҳамон илгаригидек севаман... Илтимос, мени тушун...

Бу адамнинг товуши эди.

— Нимани тушунишим керак?! Нимани?!

Энди ойимнинг ўкириб йиғлагани, “Тақдирим курсин!..” дея қичқиргани эшитилди. Ошхонага отилиб киришимга озгина қолди. Адам пичирлаб, бир нималар деб ойимни юпатишга уринди шекилли, овозлар пасайиб қолди. Кейин яна шивир-шивир... Нима дейишаётганини эшитолмасдим. Орадан ярим соатми, бир соатми вақт ўтгач, ошхона эшиги очилди-да, адам, унинг ортидан ойим чиқиб, ётоқхонага кириб кетишди. Бироздан сўнг адам сафарга борганда оладиган жомадонини кўтариб чиқди-да, менинг ёнимга келди. Бир муддат маъюс нигоҳларини тикиб тургач, пешонамдан аста ўпиб қўйди.

— Катта қиз бўл... — Катта қиз бўл... — Катта қиз бўл...

Ичимдан нимадир “чирт” этиб узилгандек бўлди. Адамнинг кетаётганини, энди қайтиб келмаслигини кўнглим сезиб турса-да, бошқачароқ... иликроқ хайрлашгим келмасди.

Адам эшикни очди-ю, тўхтаб қолди. Аввал менга, кейин ётоқхона томонга қараб турди-турди-да, бошини эгиб чиқиб кетди. Ётоқхонада ўтирган ойим ўкириб йиғлаб юборди. Мен турган жойимда қаққайиб туравердим...

Ўшандан буён олти йил ўтди. Олти йил!.. Бир қараш-

да бу арзимаган муддатдек туюлиши мумкин. Аммо азоб, хўрлик, ситамага тўла йиллар нақадар қийин кечганини ойим ва биз тирик етимларгина тушунамиз, ҳис этамиз, холос. Мактабда синфдошларим ота-онасини кўқларга кўтариб гапиришса, мен мунгайиб, тилимни тишлаб, қаёққа яширинишни билмай қолардим. “Ишқилиб, мендан ҳеч нарса сўрашмасин-да!” дея чўчиб, юрагим пўкиллаб турардим. Кейинчалик... институтга кирганимда ҳам шундай бўлди. “Ота-онам ажрашган” деб айтишим қанчалар оғир!.. Гўё ҳамма сенинг аҳволингдан воқиф-у, ярангга туз сепиш ниятида атай сўраётгандек. Баъзан... Эй Худойим! Энг оғири ва энг даҳшатлиси шуки, мана шундай саволлардан безор бўлиб, ота-онамнинг “нима сабабдан” ажрашганини “тушунтириб” ўтиришга сабрим чидамай, “Адам ўлган!” деб кўяқолардим... Даҳшат-а?! Отанг тирик бўла туриб... “етимман” дейиш... Буни азовини бошидан ўтказган одамгина билиши мумкин... Бошқа ҳеч ким тасаввур қила олмайди. Ҳеч ким!..

Ўзимнинг дардларимни тўкиб соляпман-у, ҳаммадан кўпроқ қийналган, хорланган одам ойим. Фақат у!.. Ахир эрининг бошқа аёл билан яшаётганини, фарзанди борлигини билатуриб, бемалол, шод-қувноқ яшаш мумкинми? Ўз ёрени бировнинг кучоғида кўриш... Аёл учун бундан ортиқ хўрлик, азоб, бахтиқаролик бўлмаса керак. Эрак киши хотини хиёнат кўчасига кирганини сезиб қолса, гурури озор чекади, бу ҳамиятига тегади. Аёлидан боплаб ўч олишни, жазолашни ўйлайди. Аммо... Аёлчи?! У қандай ҳолатга тушади? Биласизми?! Мен эса, эри ташлаб кетган хотин нечоғлик қийналишини ўз кўзим билан кўрганман, гувоҳ бўлганман. Балки сингилларим, укам сезмагандир, аммо мен... ойимнинг ҳар кеча ёстиқни кучоқлаб йиғлашни, оғир-оғир хўрсинишини, тақдирига лънатлар айтишини билардим. Эрталаб қовоқлари салқиб, кўзлари ич-ичига ботиб кетишини, қалбидаги аламлар юз-кўзида акс этиб турганини кўрардим. Тўғри, ойим ҳеч қачон бизларга ҳаётдан нолиб, ё адамни ёмонлаб гапирмасди. Кулиб туришга, ҳаётдан мамнун одамга ўхшашга интиларди. Аммо... кўзларидаги мунг қалб изтироби нақадар кучлилигини аён этиб қўярди. Ойимга жуда ачинардим.

Адам... Ойим билан ажрашгандан буён, бизларни кўриш учун икки ё уч ойда бир келиб турарди. Ҳаммамизга совға обкеларди. Ширин-ширин гапирарди, “Сизларни соғиндим!” дерди. Бироқ... Менинг музлаган юрагим на унинг ширин сўзларидан, на “болам, бўтам” дея эркалашларидан илтирдди. “Ота” сўзи аллақачон сўз бойлигим сақланадиган дафтар саҳифаларидан ўчиб кетганди. Энди ҳеч қачон қайта ёзилмаса керак, деб ўйлардим. У киши ҳам менинг кўзларимдаги нафратни сезарди. Сезгани учун яқинлашганда, кўришаётганда нигоҳларини ердан узолмасди. Нимадир демоққа чоғланиб, оғиз жуфтларди-ю, айтолмасди.

Аммо... яқинда уйимизга кўнғироқ бўлди. Гўшакни кўтардим.

— Алло?

— Алло, ким бу? Манзуран мумкинми? — сўради нотаниш аёл.

Вужудим жимирлаб кетди. Бу овоз... Менга танишдай туюлди. Аммо кимлигини билолмадим. Унда нега мени сўрайди?..


— Ким сўраяпти?

— Мен... мен танишиман... — бироздан сўнг иккила-ниб жавоб берди у.

“Танишиман!” Бу сўз... Бу сўзни илгари ҳам қаердир эшитгандай эдим. ўйланиб қолдим.

— Илтимос, менга Манзуран чақириб беринг! — Бу сафар аёлнинг товуши қатъийроқ чиқди. — Тезроқ!..

Унинг безовталаниши мени хавотирга солди.



— Кимсиз ўзи? Мен сизни танитайман...

Аёл мен билан гаплашаётганини билиб, жим бўлиб қолди. Кейин пиқиллаган овоз эшитилди. У йиғларди.

— Нима гап ўзи? Нима бўлди? Кимсиз ўзи? — бетоқатландим мен. — айтақолсангиз-чи!..

— Рамзиддин акам... адангиз...

Қалтираб кетдим. "Рамзиддин акам!" Ким шундай деганди?.. Бундан бир неча йил аввал содир бўлган ва... оиламизнинг тақдирини остин-устун қилиб юборган воқеани эсладим. Ҳа, бу ўша аёл эди! Ўша!.. Оёқ-қўлим титраб кетаётганини сездим. Гўшакни кўйиб қўймоқчи бўлдим. Аммо... Аммо уни бизга кўнғироқ қилишга нима мажбур қилганини билгим келарди...

— Менда инма гапингиз бор?! — сўрадим зарда билан. Аёл эса, гўшақдан эшитилаётган товушларга ишонадиган бўлсам, йиғларди.

— Адангиз... Рамзиддин акам...

Мен ортиқ чидам. Унинг чайналишидан кўра "Рамзиддин акам" деб гапириши асабимни титратаётганини кейинроқ пайқадим.

— Гапирсангиз-чи!..

— Адангиз бетоб ётибдилар... — деди у ниҳоят. Шу гапни айтиш асносида чуқур хўрсинганини аниқ эшитдим. — Сизларни кўрмоқчилар...

— Мен эса кўрмоқчи эмасман! Айтинг, мен адамдан аллақачон тонганман... — Ихтиёрига қарши ўларок, товушини титраб чиқди. — Хайр!..

— Илтимос, гапимни эшитинг. Адангиз жуда оғир ётибдилар... келмасангиз бўлмайди... Тушунсангиз-чи, бу у кишининг сўнги истаги бўлиши ҳам мумкин...

Аёл яна изиллаб йиғлаб юборди. Мен эса, гўёки тош эдим. Унинг на бир сўзи, на эзилиб йиғлаши қалбимга таъсир этди. Асабийлашаётгандим. Гўшакни кўйишни истардим. Бироқ... Бироқ нимадир менинг бундай қилишимга йўл қўймасди.

— Илтимос, Манзура!.. Келинг... адангиз биринчи касалхонада... Юрак касалликлари бўлимида...

"Юрак касалликлари" бўлими... Вужудим жимирлаб кетди. Ўзимни гуноҳкор сезмасам-да, ғалати бўлиб кетдим. "Сўнги истаги..." Балки чиндан ҳам сўнги истагидир... Ортиқ гапирмай гўшакни жойига қўйдим. Нима қилишга ҳайрон эдим. Шунча йилдан бери адамга бўлган нафратим энди эриб йўқ бўлиб кетмаган эди. Аммо...

Бу кўнғироқ ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса демадим. Айтолмасдим. На ойимга, на сингилларимга. Аммо оромим йўқолди. Асабийлик... Бир кунни амаллаб ўтказдим. Ўзимни турли баҳоналар билан алдамоқчи бўлардим: "Бугун вақтим йўқ!", "У бизни ташлаб кетган, мен аллақачон отамдан воз кечганман!"

Эртасига... барибир, касалхонага бордим.

Аёл айтган палатани топгач, иккилашиб қолдим: Кирсамми ёки... Бир муддатлик пайсаллашдан сўнг эшикни нимадандир ҳадиксираб очдим. Ичкарига кирдим. Кирсам, ўша аёл... адамнинг билагига укол қилаётган экан. Мен уни дарров танидим. У ҳам мени таниди. Буни кўзларининг чақнаб кетганидан билдим. Мен бир лаҳза нима қилишни, нима дейишни билмай қолдим. Ўша, бизнинг оиламизга бир дунё ғурбат келтирган аёл рўпарамда турарди. Энди бироз ўзгарган, яъни чиройли

юзларига ажин тушган, кўзлари ғамгин боқарди. Унинг нигоҳларида... менга нисбатан ҳеч қандай ғараз йўқ эди. Сукунатни аёл бузди. Адам томонга қараб қўйди-да, паст товушда деди:

— Бемалол гаплашиб олинглар...

— Раҳмат!.. — деди пичирлаб шу пайтгача бизни кузатиб ётган адам.

Аёл хонадан чиқиб кетди. Мен эса, яна доврираб туриб қолдим.

Жуда-жуда совуқ жимлик чўккан ва бу жимлик менинг асабимни емира бошлаганиди. Адамга қарагим келмасди. Аммо... кўзларимни тамоман бошқа нарсаларга тикиб турган бўлсам-да, хаёлимда ўтмиш воқеалар жонланар, адам уйдан кетмасдан аввал қандай бахтли яшаганимизни эслардим. Бу воқеалар эса, менга бегонадай, худди бировнинг ҳаётида содир бўлгандай туюларди. Ҳатто бу ерга келишим ҳам бир тушга ўхшарди...

— Манзура... қизим!.. — деди ниҳоят адам. — Ўтир...

Мен қаравотнинг ёнида турган стулни нарироқ суриб ўтирдим. Шундагина адамга кўзим тушди. Кўзим тушди-ю, ғалати бўлиб кетдим. У мен уч ой аввал кўрган одамга сира ўхшамасди. Ранг-рўйи бир аҳвол, кўзлари ич-ичига ботиб кетган, жағ суяклари туртиб чиқиб, хунуклашиб кетганди. Кўнглимдан "қариб қопти" деган ўй ўтди.

— Манзура... биламан, сен мендан жаҳлинг чиққан...

Бунга ҳақинг ҳам бор... Мен ўзимни оқламоқчи эмасман... айбимни бўйнимга оламан... Лекин бир нарсани билишингни хоҳлайман. Гарчи... уйдан кетган бўлсам-да... сенларни, ҳамиша яхши кўрганман... Ҳамиша... Кўришга борганимда, менга бўлган муносабатингдан эзилардим... ахир нима бўлганда ҳам мен сени яхши кўраман. Жуда яхши кўраман... Мени қарғаб яшамаслигингни хоҳлайман...

Адам бирдан жимиб қолди. Беихтиёр унинг кўзларига қарадим. Ёноқларига икки томчи ёш оқиб тушди. Мен илк марта "Адам бизларни яхши кўрмагани учун эмас, ўша аёлни севгани учун кетган" деган хаёлга бордим. Бу ўй менга бироз таскин бергандай бўлди.

— Қизим!.. — адамнинг овозида мунг борлигини энди пайқадим. Ҳар бир сўзни қийналиб талаффуз қилишдан аҳволи оғирлигини тушундим. — Мен сендан кечирим сўрамоқчиман... Биламан, ҳаммадан ҳам сенга оғир бўлди... Шунинг учун ҳам мени яхши кўр дея олмайман... Фақат мени қарғаб юрмасанг бўлди, болам!..

Титраб кетдим. "Мен уни қарғаганмидим?!" Нимадир демоқчи бўлдим. Аммо... томогимга тикилган қаттиқ нарса сўзлашимга қўймади. Адам мендан жавоб кутарди. Ҳозир... шунча йил юрагимда сақлаган нафратдан кечиси... аламларни унутиш... бу оғир эди. Бироқ... ўлим тўшагидея ётган адамни кўриш ундан-да оғир эканлигини сездим.

— Болам!.. Мени кечиршинг шунчалик... қийинми?.. — адамнинг товуши қалтираб кетди.


— Ада!.. — бўғзимдан аччиқ бир фарёд отилиб чиқди. Кўзларимдан шашқатор ёш оқа бошлади. Ана шу лаҳзада... қалбимдаги музлар эриётганини ҳис этдим. Мен бу кутлуғ сўзни олти йилдан бери, яъни адам уйдан кетгандан буён тилга олмагандим...

**Комила Носирова** 1983 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Миллий Университетининг журналистика факультетида ўқийди.

Шеър, ҳикоялари "Афанди", "Ҳордиқ" газеталарида чоп этилган.

"Ёшлик"да илк бор чиқиши.





## Ободон ТУРДИМУРОВА

### ОЛИС ОВУЛ

Соҳилдаги олис овул -  
Илдилари бекуват гул.  
Писанд этмас япроғига  
Ёғса ҳамки тузли довул.

Отадайн матонатли халқ,

Орол ташлаб кетса ҳамки,  
Сувга ташна бўлса ҳамки,  
Ватанини кетмас ташлаб,  
Элдан чиқмас ўлса ҳамки.

Онадайн муҳаббатли халқ.

Денгизда сузмоқни ўйлаб,  
Эшкак йўнар толдан сайлаб.  
Кўллар қуриб қолса ҳамки,  
Қайиқларин қўяр мойлаб.

Чин ёрдайн садоқатли халқ.



### АРМОН

Умр деган сўқмоқ тиканак тошли,  
Қиз деганинг узук, қалдирғоч қошли,  
Жоним, сенсиз менинг кўзларим ёшли,  
Олис-олисларга олиб кет мени.

Соғиндим, танамда йўқ сабру тоқат,  
Юрак туйғуларим сир-сеҳрли хат,  
Қалбимда ягона сенга муҳаббат,  
Кучофингга олиб, бахтли эт мени.

Сени деб учмоққа - қанотим қоқдим,  
Турмуш сўқмоғида синмагай шахдим  
О, йигит султони - анлаган бахтим,  
Кўкларга кўтариб, юлдуз эт мени.

Ҳар бир айтган сўзинг мен учун фармон,  
Кулиб сўзлаганинг дардимга дармон,  
Сенинг ёринг бўлиш мен учун армон,  
Оқ либос кийдириб, оққуш эт мени.

*Мўйноқ*

*Қорақалпоқ тилидан  
Рустам МУСУРМОН таржимаси.*

*Насиба ЮСУПОВА*

Кўзимда анқийди ёмғирнинг ҳиди,  
Осон! Ўрганибман алдоқларингга  
Ҳар гал вужудимни қалтироқ тутиб,  
Ҳар гал йиғлаб бердим бармоқларимга.

Ўнта бармоғимга ўн тилак экдим,  
Ўнта бармоғимга тилаб чиқдим бахт.  
Ўнта бармоғимга зор йиғлаб бердим,  
Ўнта бармоғимга тушдим мен қулаб.

Эй, ўнта бармоғимга ўқилган Исм,  
Эй, қафтларимда такрор тиланган дуо.

Эй, ҳар бир сўзи сеҳр, қараши тилсим,  
Эй, ҳар бир сўзи гуно... қараши гуно...

Минг бир андиша қўйсам сўроқлаб,  
Уйқусидан сира очмаган кўзин.  
Ишқимни кетган кўчага ташлаб,  
Кейин йиғлаб-йиғлаб овулган ўзин.

Келсам, кўзларидан ғазаблар сочиб,  
Кетсам, дод солиб йиғлайдиган бахтим.  
Кўлларимдан тутиб билмаган Соғинч,  
Мени ёлғиз ташлаб кетган бераҳм.

Яна ўзимни соғинган, энг яхши,  
Ҳаммалардан аввал қайғурган ҳолим.  
Ўзимни кўриб ҳам ҳаммадан яхши,  
Яна мени энг кўп йиғлатган золим.

Нигоҳлари совиқ, кулуши қийин,  
Ҳамиша қолдирган ерда сўзимни.  
Энди сизни қандай яхши кўрайин,  
Ҳозир ёмон кўриб ўзимни.

### ОВОЗЛАРИ МОМОГУЛДИРАК

Овозлари момогулдирак,  
Чақмоқлари чаққан чақиним.  
Ҳаммадан яхши ёмонгинамей,  
Ҳаммасидан менга яқиним.

Қадри оёқ остида хазон,  
Ўрқачларга осилган жуфт дор.  
Тилаб-тилаб олган бахтсизлигимей,  
Фақатгина муҳаббатга ёр.

Севгиси учун ўлимга маҳқум,  
Ишқи учун азиз - муқаррам.  
Ҳеч кимга бермаган гуноҳларимей,  
Умрим бўйи битмаган ярам.

Юлдузларни номма-ном санаб,  
Сувларга оқизган тушим.  
Кипригимга осилган армонларимей,  
Худойимга аталган ишқим.

Ҳамманинг пой-қадами етиб,  
Фақат менга беркилган эшик.  
Беҳосин билмаган кунларимей,  
Норасида ўғирлаган бешик.

Эй, энг катта давлати кўнгил,  
Қаҳри, меҳри бариси - суюк.  
Энг қаҳри қаттигим, энг меҳрибонимей,  
Дили, тили ўзимдай куюк.

Қадри оёқ остида хазон,  
Ўрқачларга осилган жуфт дор.  
Тилаб-тилаб олган бахтсизлигимей,  
Фақатгина муҳаббатга ёр.

Овозлари момогулдирак...

*Янгибозор.*

# РУХИЯТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Бадий адабиёт кишилик жамиятининг орзу-истаклари, идеаллари, руҳиятини ўзида акс эттирадиган асосий воситалардан. Ундан келиб чиққан ҳолда бадий асар қаҳрамонлари ҳам, ўз замонаси нуқтаи назаридан ижодкор қалами билан тасвирланади. Албатта бунда ижодкорнинг истеъдод даражаси муҳим омилдир. Тасвирланган адабий асар қаҳрамони келажак авлод кўз ўнгида ўз даврининг вакили сифатида гавдаланиб, уларга ўз замонасидаги инсонлар ҳаётидан, руҳий дунёсидан дарак беради. Авлодлар ҳам кўп ҳолда ўтмиш адабиётнинг қаҳрамонларини нечоғлик тасаввур этсалар, шунчалик ажлодлари ҳақида фикр юритадилар. Ёзма адабиётнинг тасвир кучи ҳам ана шу жиҳати билан намоеён бўлади.

Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти ҳам мазкур хусусиятлардан айри эмас. Кўп асрлар давомида адабиётимизда яратилган асар қаҳрамонлари замон ва маконларидан келиб чиққан ҳолда китобхонга ўзлари мансуб даврнинг руҳиятини у ёки бу даражада бера олдилар. XX асрнинг кейинги йилларида яратилган уч ҳикоя мисолида масалага назар ташлайлик: “Қора домла”, “Отамнинг ошнаси” ва “Қушхонадаги воқеа” ҳикоялари.

Ҳикояларни таҳлил этган зукко китобхон ажабтовур психологик жараёни бошидан кечиради. Қаҳрамонларга ачинади, куйинади, нафратланади, севиб қолади.

Атоқли ёзувчи Асқад Мухтор қаламига мансуб “Қора домла” ҳикоясида бир умр ўқувчиларга астойдил дарс бериб келган, сабоқ гўзалликларига ошно этган ўқитувчи тимсоли акс этган. Аммо у кексалик нафақасига чиққач, одамларда ўзи ҳақида яхши таассурот қолдириш, бир яхши иш билан ном чиқариш учун жисмоний оғир ишга қўл уради. Машаққатли меҳнат эвазига, йўл бўйидаги жарликда жойлашган булоққа тошлардан зинапоя ётқиза бошлайди. Бироқ бу ишни амалга оширишда у таънао дашномлар ҳам эшитади:

**“-Дашти биёбонда кимга керак бу даҳмаза, домла?”**

Қора домла эса ўз мақсадидан чекинмайди, аксинча, ишини охирига қадар етказди. **“Ронна-роса 53 та пиллапоя”.**

Савоб, бу тушунча инсонга йўлдош бўлган эзгу ҳисларнинг энг улуғларидан бири. Қаҳрамонимиз ўз ишини савоб демаса-да, аммо илинж бор эди: **“Кўнгул нисбатан тинч эди-ю, бир чеккасида нимагадир интиқлик, бир безовта ҳис бор эди. Очиғи, домла зинапоя ҳақида ҳеч бўлмаса бирон гап-сўз бўлишини кутарди”.**

Афсуски, инсон кутгани доим бўлавермайди. Ҳаётда

учраб турадиган камчиликлар, турли ножоиз ҳаракатлар ушбу ҳикоя давомида ҳам рўй беради: **“...Буниси домлага қаттиқ ботди, чунки халқ оғзидаги гапда “Қора домла зинаси” деган сўзлар ҳам ора-чора қулоққа чалинар эди. Домла эзилиб кетди”.**

Олижаноб иш ушбу воқеа замонида гўёки, қабиҳ иш даражасига чиқиб қолади. Умрини оиласида яхши кунлар билан ўтказиш ниятида бўлган қаҳрамонимиз қаерда бўлса: **“Ана Қора домла!”** - дея, кўрсатиладиган бўлиб қолади. Ва унинг заволи билан тугайди.

**“Худойим-ей, - деди у ҳамон ўз аҳволини ўйламай, - қандай кунларга қолдик? Яхшилик қилиб бўлмаса бу дунёда...”** Бу Қора домланинг сўнгги иқрори эди. Домлани тушунадиган бирдан бир дўсти Садр сангтарош эса шундай дейди:

**“-Яхшилик қилдинг, савобини олдинг - кетдинг экан-да? Йўқ, ундай эмас, Қоровой оғайни, овора бўласан, савоб деган яхши замонларда қолган гап. Бизнинг кунларда эса...”**

Аслида ҳикоя шу ерда тугайди. Бироқ, ўқувчи учун у тугамайдигандек, давом этадигандек туюлади.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Отамнинг ошнаси” ҳикоясидаги қаҳрамон эса бир туманнинг каттаконларидан, яъни амалдор. У ёшликдаги дўстиникига келади. Одатда эски дўстлар учрашганда албатта, дардлашадилар, ширин суҳбат курадилар. Аммо бизнинг қаҳрамонимиз ана шу дардлашиш мавқеидан маҳрум. Ошна меҳмонга келган, у фақат самимийлик истайди. У фақат илинж қидиради. Ёзувчи бунини ёш бола тили билан чиройли ифодалайди. Тасвирга бола назари билан қаралади. Боланинг назарида эса инсонлар турфа хил: **“Одамларнинг ҳовучи ҳам ҳар хил бўлади”.** Бу ҳикоядаги болакайнинг гапи. Ҳали катталар учун гўдак бўлган бола, одамларга ўз нуқтаи назаридан, ўз дунёсидан келиб чиққан ҳолда холис баҳо беради. Бу сирли олам ҳар кимнинг назарида турли тусда гавдаланади. Болаларнинг нигоҳида олам қандай акс этишини билмоқчи бўлсангиз, уларнинг саволларига қулоқ тутинг. Бизнинг болакай ҳам ўзи учун жумбоқ бўлган отасининг ошнасини узоқ кузатади:

**“-Ада, оғайниз, жудаям кам гапирар эканлар-а?”**

**- Илгари жа-а сергап эди.**

**- Қандай қилиб камгап бўлиб қолади, одам?**

**- Иши, ташвиши кўпайса...**

**- Оғайнизиям ташвиши кўпми?!”**

Асардаги асосий ечим футбол томошаси орқали кўзга



ташланади. Ота-бола ва отасининг ошнаси бу томошага тушишади. Футбол давомида томошабинлар ўйин ҳаяжони билан банд. Қаҳрамонларимиз эса уч тоифа кишилар: Ота - содда, оддий инсон. Отанинг ошнаси - бола учун мавҳумлик белгиси. Бола эса масъулият. У қузатади ва ўз тарозисида ўлчади:

*“Меҳмон ўрнидан туриб олган, қулоқни қоматга келтираётган қийқириқларга қўшилиб дам ундай - дам бундай овоз чиқарар; унинг олқиши, набраси бошқа мухлис-ларникидан яққол фарқланиб қулоққа ботар, ҳар сафар овоз чиқарганда беихтиёр “Бир нарса бўлдимиз?” деган хавотирда у кишининг афтига қарай бошладим”.*

Гўёки, шу билан воқеа равшандек туюлади, аммо энди бу ерда бир нигоҳ бор. Бу нигоҳ дардни сеза олган ва дарднинг инсонни қай тарзда ўртантира олишини кўрган ягона гувоҳ - дўст бор.

*“Мен меҳмоннинг кўзидан нигоҳимни узолмадим. Меҳмон ҳам менга қаради, бир зумгина кўзимиз тўқнашди. Бир нафаслик нигоҳлар тўқнашувни асносида инконицизмнинг хаёлимиздан аллақанча шубҳа-ғумон ўтиб, “суҳбатлашиб” олдик...”*

Бу дард нимадан иборат эканлигини, нима сабабдан отасининг ошнаси “юрак бўшатганлиги”ни айтиш ёзувчининг ўзига хос ҳолда мақсади эмас. Бу ўқувчига жумбоқ. Ravshan бўлган нарса фақат, дарднинг мавжудияти, нигоҳ ва дўст масъулияти.

Шодиқул Ҳамроев ёзган яхши ҳикоялардан бири “Кушхондаги воқеа” эса тушунчалар устига қурилган. Асар бош қаҳрамони қассобнинг ўғли. Қассоб, бир умр ота касбини эгалласин, деган орзуда фарзандини “қон ичида тарбия” қилади. Бева кампирга қулоқ тутайлик:

*“Мен ҳам ҳали-ҳануз шунга ҳайрон қоламан-да. Йигит ўлгур муштдайлигидан отасининг кушхонасидан ташқарига чиқмай қассобчиликка қўли балодай келишиб қолган эди. Ҳамма “отасининг даври ўтгач кушхонага ўғли эгаллик қилади”, деб гапирарди. Бандасининг айтгани ҳеч қачон бўлмакан-да”.*

Ёзувчи асар қаҳрамонининг характер хусусиятларини очиб беришда ҳикоя қилиш усулидан самарали фойдаланган. Дўст тилидан давом этади: *“...у ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ишга қўл урганди: дастига жимжимадор нақш туширилган пичоқчасини - бу пичоқчани унга отаси совга қилган эди - қинидан чиқариб, каптарларни сўйишга тушганди”.*

Аммо зўрлик билан сингдирилиб борилган касб ва бу касбни қабул қилиб олиш тантанасидаги қутилмаган ҳодиса Унинг руҳиятига қаттиқ таъсир этади.

Фарзанд падаркушлик қилди. У айбдорми? Ажрим маҳкамаси қандай хулоса чиқаради? Айбдор, бош айбдор ким?! Ўқувчи ўзи хулосалайди.

Хўш, бу дунёда савобталаб, армон билан ўтиб кетган Қора домланинг дарди қаерда-ю, бир умр турфа одамларга ҳукмфармолик қилган амалдорнинг азоби нима-ю, бир падаркушнинг нафратомуз қилмиши, жунуваш хаёлотни қандай ва улар ўртасида қай тариха боғлиқлик бор?!

Танланган учала ҳикоя ҳам мавзу, сюжет линияси, қаҳрамонлари, композицион қурилиши жиҳатидан бири-биридан фарқ қилса-да, аммо бир умумийлик мавжудки, бу эса учала асарни ҳам бирлаштиради. Бу инсон муаммоси ва унинг дарди.

**Отабек Жўрабоев,**  
**Алишер Навоий номли Давлат**  
**Адабиёт музейи ходими.**

# ТАРИХИЙ АСАР ЖОЗИБАСИ

Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” номли романи тарихий мавзуда асар яратишнинг етук намуналаридан бири бўлди.

Маълумки, дунё миқёсида бобомиз Амир Темур фамилияти ҳақида юзлаб асарлар яратилган. Буларнинг аксарияти Темурнинг жанговарлиги, жангларида кўрсатган жасорати, катта юришларни бошқариш санъати таърифига тегишли эди. Буларнинг барчасидан “Улуғ салтанат”нинг фарқи шундаки, ёзувчи буюк саркарданинг жанговарлик хислатларини назардан қочирмаган ҳолда уни оддий одам, катта бир оиланинг бошлиғи сифатида кўрсатади. Адиб Темурнинг ички кечинмаларини кўламли ва кенг тасвирлайди. Оилада рўй берган ҳар бир нохушлик уни қаттиқ изтиробларга солади. Оддий бир оила бошлиғи қандай кечинмаларни бошидан ўтказса улуғ саркарда ҳам шу хилдаги ўй-хаёллар гирдобига фарқ бўлади. У кимгадир кўтаринки руҳда хушмуомала қилиши, ўз меҳрини ифодалаб яхши сўзлар айтиши, кимнингдир келажагини, ёхуд бахтини ўйлаб зарур тадбирларни бошлаб юбориши, кимгадир танбеҳ бериб қатъиятлик билан тартибга чақириши мумкин. Хуллас, ҳар қандай одам каби, оддий оила бошига тушадиган барча ҳодисаларни, хуш ва нохушликларни у ҳам бошидан ўтказди.

Ўша давр ижтимоий ҳаётини, Темурнинг оилавий шароитини фақат унинг характерини яратиш билангина юзага чиқариш қийин. Романда худди ҳаётдагидек Амир Темур яқка эмас. Асарда Темурнинг шахсий ҳаётини кенг миқёсда тасвирлаш мақсадида, унинг атрофини ўраб олган катта ва кичик, яхши ва ёмон, ижобий ва салбий, ҳамда бошқа шахслар ҳам хизмат қилади; Амир Мусо, Зиндачашм Опардий, Қутлуғ Туркон Ока, Сароймули Хоним, Жаҳонгир Мирзо, Хонзода хоним ва бошқалар шулар жумласидандир.

Романда худди ҳаётдагидек Амир Темур улкан бир уммон бўлиб кўринадики, атрофдагилар эса унга келиб қуйиладиган дарёчаларни ташкил қилади. Натижада уммон янада салобатли бўлиб кўринади.

**Гулбаҳор Юсупова,**  
**аспирант.**



# МЕН ШОИР БЎЛДИММИ...

## ТАҚДИМ

“Гадосилан шоҳигача шоир” деган сифати бор бу юртда кунда бўлмасаям кунора бир шеър ишқибози эшигимизни тақиллятади. Ишимиз камроқ бўлса-ку ўқитиб, эшитамиз. Иш қайнаган пайтда эшиқдан келган шоир тулуд, ўзимиз ўзимизга малол келамиз. Тайёр баҳоналар билан кузатишга ё 9-қаватдаги Иқромними, 3-қаватдаги Шуҳратжонними балогардон қиламиз. Беҳзод ҳам иштли кунлардан бирида келди.

- Биз йигитларнинг шеърларини беролмаймиз. Шоира қизлар жуда кўп, - дея одатдаги жавоб билан қайтармоқчи эдим,

беҳос қўлимдаги даста шеърнинг бир бандига кўзим тушди:

Юрагим минг битта жойидан синди,  
Қачон бошланади руҳимнинг тўйи?  
Фақат бир таскин бор: ажабмас энди  
Мени одам қилса эртанинг ўйи.

Ниҳоятда тиниқ изтироб, ишончли дард. Яна ўқидим, яна... Ўзбекистон жаҳон тиллари университети талабаси Беҳзод ҳаваскор эмас, шоир экан. Унинг бир даста шеърларини - “Ёшлик”ка илиндим.

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА.**

\* \* \*

Бари бир, Вужудинг билгани - фирром,  
Кўнгилга солганинг чиндир, Худойим.  
Бошқа дунёларнинг оташи ҳаром,  
Мени бу дунёда ёндир, Худойим.

Ёнмоқ истаяпман оловларингда,  
Раббимо! Кўксимга чўғ отиб юбор  
Тобланиб олайин синовларингда,  
Уйғонгим келяпти, уйғотиб юбор.

## КЎЗИНГИЗНИ БЕРИБ ТУРИНГ

Ёлғизгинам, фариштага тенгликкинам,  
Жон риштасин жонингизга боғлаб олай.  
Иккимизнинг дардимиз бир, мунгликкинам,  
Кўзингизни бериб туринг, йиғлаб олай.

Мен бошимни урмаган бир тош қолмади,  
Ростин айтсам, юрагимда дош қолмади.  
Қуриб қолган кипригимда ёш қолмади,  
Кўзингизни бериб туринг, йиғлаб олай.

Мен шабнамман, губорларга қўнолмайман,  
Ё гул бўлиб тош юракда унолмайман.  
Қўнолмайман, бу дардларга қўнолмайман,  
Кўзингизни бериб туринг, йиғлаб олай.

Дунё қузгун, қорларидан зорим келди,  
Тоғ қалбимга нафрат деган сорим келди.  
Ўзим бўлиб йиғлолмайман, орим келди,  
Келинг, Сизнинг кўзингизда йиғлаб олай,  
Жон риштасин жонингизга боғлаб олай...

\* \* \*

Руҳим чинқиради, менадан тонади,  
Уйғониб кетади яна орларим.  
Бўғзимни куйдириб сўзлар ёнади,  
Қачон туғилади менинг шеърларим?

Минг-минг йилдан бери турибди яшнаб,  
Ишонса бўлади илдизларимга.  
Сўниб бораёпти ўзимга ўхшаб,  
Ота, нима бўлди юлдузларимга?!

Лаҳзалар тўкилиб бормоқда баргдай,  
Бир куни қақшайман уволларидан.  
Қўрқиб кетаяпман, ҳали туғилмай,  
Боламнинг эртанги саволларидан.

Юрагим минг битта жойидан синди,  
Қачон бошланади руҳимнинг тўйи?  
Фақат бир таскин бор, ажабмас энди  
Мени одам қилса эртанинг ўйи...

## МЕН ШОИР БЎЛДИММИ?


Мен шоир бўлдимми, шоирим - Танграм?!  
Ўзимнинг устимдан кулгим келади.  
Гоҳида гапимга қовушмай гапим,  
Битта сўз дардида ўлгим келади.  
Мен шоир бўлдимми?

Тилимни булбулга ўптирганинг рост,  
Кўксимда дулдуллар чоптирганинг рост.  
Буни ким билади ўзимдан ўзга,  
Қани менда журъат? Қани эҳтирос?  
Мен шоир бўлдимми?

Мисралар олифта, байтларим қуруқ,  
Ҳозирча кўксим бўш, юрагим дудуқ.  
Мен ўзим ёнамасам, эл қандай ёнсин,  
Сўзимда олов йўқ, сўзимда ўт йўқ.  
Мен шоир бўлдимми?

Менга чўғлари кўп кўз бер, Худойим,  
Куннинг суқлари кўп юз бер, Худойим!  
Ўзинг ҳамма сўзин айтиб бўлгансан,  
Берсанг, ўқлари кўп сўз бер, Худойим!  
Мен шоир бўлдимми?





# ҲАЙРАТГА ДАЪВАТ

Бетакрорлик - борлиқнинг бош хусусияти сана-лади. Ундаги ҳар бир нарса-ҳодисанинг ўзига хос-лиги аввало шакли ва ранг-тусида намоён бўлади. Теварак-атрофдаги бирор бир нарса бошқасига ай-нан ўхшамайди. Осмонга бўй чўзган улкан чинор-нинг сон-саноқсиз япроқлари орасида ҳам, бир ота-онанинг ўн ўғил-қизи ўртасида ҳам иккита бир хи-лини топиб бўлмайди. Ёки ҳар қандай синчков ҳам тоғдай уюлган бугдой хирмонидан айнан ўхшаш иккита донни топиб беролмайди. Чунки борлиқда-ги ҳар бир нарса фақат ўзига хос қилиб яратилади. Ҳеч бир ҳодисанинг айнан такрори ҳеч қачон ҳаёт-да учрамайди. Кун кундан, ой ойдан, йил йилдан фарқ қилади. Сон-саноқсиз қор зарраларининг ҳар бири осмондан фақат ўзига хос “нақш” билан ту-шиши эса ҳаммага маълум, деб ўйлайман. Нега шун-дай? Нима учун борлиқдаги нарса-ҳодисалар, жон-зотлару одамлар орасида айнан ўхшаш учрамайди? Нега рўйи заминдаги ҳар бир майса, дов-дарахт, тошу қум, жонзот-мавжудот ўзига хос шакл, ўзига мос ранг, феълу атвор билан намоён бўлиб туради? Нега мис бошқача, темир бошқача, сопол, чинни ўзгача товуш чиқаради? Бу каби саволлар кўп. Аммо одамзот ўз атрофидаги бу каби жумбоқлар сир-си-ноатини очишдан кўра, осмонларни забт этишга ин-тилади. У ўз ожизлигини шу тарзда пардаламоқчи, ақл-заковати қудратини шу тарзда намоёиш этмоқчи бўлади.

Одамзот узоқларга, тикилиб умри ўтганини бил-май қолади. Албатта, олисларга интилиш ҳам одам-зотга кўп нарса беради. Жумладан, у шу интилиш туфайли сон-саноқсиз “ақли” машиналар яратди. Улар воситасида ўзича узогини яқин, мушкулини осон қилди. Аммо кашф этган компьютерлари, ра-дио, дазмол, соат сингари буюм-ашёлари унинг учун кўп қулайликлар яратган бўлса-да, бари-бир улар-нинг ҳеч бири оддий бир майсачалик унинг кўзини қувонтиролмайди. Ариқ бўйлари, дала уватлари, қир-адирларда майин шабада оҳиста тебранаётган май-сага қараганда ҳар қандай кишининг кўнгли кўта-рилади.

Табиатдаги ўсимлик, дов-дарахтлар, жонзотлар

завқ беришини, техника мўъжизалари эса дарҳол кўзни толиқтиришини ҳамма билади. Чунки замин-дан ўсиб чиққан майса, ерда ғимирлаб юрган ҳар бир мавжудот ўздан аллақандай нур таратиб тура-ди. Уларнинг танасида тупроқнинг минг бир хил маъдани қуёшнинг қуввати билан бирикиб ҳара-катланади. Уларда тирик ҳаёт кезади. Шу боис улар кўзга иссиқ туюлади. Наботот, ҳайвонот дунёси бағ-рида ҳаёт мавжудлиги учун, ўсимлик, дов-дарахт-лар, жонзот, ҳашоратлар ўзига хос шакл-шамойил, рангу тус билан намоён бўлади. Одамлар яратган буюм-жиҳоз, восита, қуроолларда эса мана шундай ҳаракатдаги ҳаёт сезилмайди.

Одамзотнинг табиатга тақлид қилиб, “нимани-дир” яратиш истаги, айниқса, мусаввир ва ҳайкал-тарошлар ишларида аниқ-тиниқ намоён бўлади. Ҳай-калтарошлар, рассомлар, умуман, санъат аҳли асар-лари ҳар қандай техника воситасидан узоқроқ “умр” кўради. Леонардо да Винчи, Микеланжело, Ремб-рант, Беҳзод яратган ҳайкаллар, тасвирий санъат асарлари неча асрлардан бери кишиларни ҳайратга солади. Санъат асарлари эса ўз сир-синаотини тех-ника воситалари сингари осонгина очиб бермайди. Улар доимо жумбоқ бўлиб туради. Санъат асарлари табиат ҳодисаларига яқинлиги, бағрида туганмас сирни жо этгани туфайли ҳамма замонларда одам-ларни ҳайратлантиради. Ҳайрат - кишиларнинг кўнглидаги энг эзгу туйғу ҳисобланади. Бу туйғу инсоннинг ақлига боғлиқ бўлмаган ҳолда ғайриих-тиёрий тарзда туғилади. Санъат асарлари кўринмас кўприк бўлиб, аждодлар ардоқлаган ҳайрат сингари эзгу туйғуларни авлодлар қалбига олиб ўтади.

Замонларни бир-бири билан туташтиришда аждодлар ва авлодлар мулоқоти юз беришида ҳайкал-лар, расмлар, қўшиқлар, умуман, санъат асарлари қолган барча нарсалардан кўра мустаҳкамроқ, ишон-члироқ восита саналади. Бу жиҳатдан улар, ҳатто ёзувлардан ҳам устун туради. Чунки замонлар ўти-ши, ижтимоий-сиёсий тизимлар ўзгариши туфайли имлолар ҳам ислоҳ қилинади, баъзан янгича имло-лар жорий қилинади. Ўз-ўздан аёнки, замонлар ўтиши билан уларни ўқиш, тушуниш бир мунча

мушкуллик туғдиради. Тил ҳам бир жойда тўхтаб турмайди. Ҳайкаллар, суратлар, кулоллар ясаган сопол буюмлар эса қандай яратилган бўлса, қанча замонлар ўтса-да, деярли ўзгармайди.

Аслида борлиқнинг ўзи беқиёс мусаввир-ҳайкалтарош қўли билан бунёд этилган. Ундаги қуёш, ой нурлари, шамол, қор-ёмғирлар ҳатто тоғу тошларни ҳам турли шаклга солиб, маҳобатли суратга айлантиради. Дунёдаги жуда кўп жойлардаги тоғларда отлиқ чавандоз, парвозга чоғланган бургут, ўтлаб юрган қўйлар суруви, чопиб бораётган оҳу каби маҳобатли тош ҳайкаллар мавжуд. Уларнинг табиатнинг ўзи яратиб қўйибди. Теварак-атрофдаги нарсаларнинг турфа ранглари, хилма-хил шакллари Азамат Ҳотамовни бошқалардан кўра кўпроқ таъсирлантиргани аниқ. Шунинг учун у Низомий номидаги педагогика институти (ҳозир университет) физика-математика факультети тугатганидан кейин, Ленинград (ҳозир Санкт-Петербург)га И.Е.Репин номидаги рассомлик, ҳайкалтарошлик, архитектура институтига ўқишга кирган. 22 ёшида яна қайта талабалик заҳмати бўйнига олиб, олти йил таҳсил олган. Санъатшунос Галина Кекушева бу хусусда шундай ёзади: “Табиий истеъдод ва тинимсиз меҳнат туфайли у академик тайёргарликни “аъло” даражада ўтади. Халқ рассоми В.Б.Пинчук ёш ҳайкалтарошнинг тажрибаларидаёқ катта санъатга хос белгиларни кўрди. Ундан ўз маслаҳатларини аямади. А.Ҳотамовнинг энг яхши фазилатларидан бири шундаки, у сон-саноксиз санъат мактаблари ва оқимларининг асири бўлиб қолмади. Мунтазам ва қаттиқ меҳнат билан мустақил ижод йўлларни излади. Унинг пластик этюдларида, портретларида, турли шаклларида мутаносибликнинг кескин ритмини ва аниқликни, мусиқавий уйғунликнинг гўзал ечимини кўради... Ленинградда, институтда унинг икки марта шахсий кўргазмаси уюштирилди. “Чўпон” асари ёш ҳайкалтарошнинг ўзига хос услубга эга эканлигидан далolat берди. Бу асарда у ҳаётга тийрак боққан, ёшлик завқи билан жўшаётган ўспирин йигитнинг жозибали образини ярата олган...” (“Совет Ўзбекистони санъати” журнали, 1982 йил, 12-сон. 22-бет). Маълумки, ленинградлик мутахассислар ниҳоятда зукко бўлишади. Улар санъат асарлари ҳам гоят синчковлик билан баҳо беришади. Ленинградлик санъатшунос ўзбекистонлик ёш ижодкор асарларида ёрқин истеъдод нишонларини кўрганки, у хусусда шундай илиқ фикрлар билдирган.

Ҳақиқатан ҳам Азамат Ҳотамовнинг портретлари, кўп фигурали композициялари дарҳол диққатни жалб этади. Уларда инсон қиёфаси нозик чизгилар орқали ёрқин акс эттирилади. Ҳайкалтариш асарларида аниқ бир одам мана “мен” деб туради. Бу “мен”нинг юз-кўзларида турмуш машаққатлари излари, айниқса, бўртиб кўринади. Ҳайкалтарош қаҳрамонлари умр йўлини уларнинг юз-кўзиде акс эттиришга интилади. Чунки йилларнинг қувончу ташвишлари албатта инсоннинг юз-кўзига ўз “муҳ-


р”ини босади. Донишмандлар ҳам ҳар кимнинг тақдир-қисмати, кўрган-кечирганини юз-кўзидан “ўқиса” бўлади, дейишади. Азамат Ҳотамов асарларида ҳам кишиларни худди шундай “ўқиш” кўринади. Агар ҳайкалтарошнинг “Меҳнат фахрийси Тўхта Хўжанафасов портрети”, “Пахтакор Розия Бозорова портрети”, “Тракторчи Сафар Рўзиев портрети”, “Мироб” асарлари ёнма-ён қўйилса, улардаги қаҳрамонлар ўз ҳаёти ҳақида суҳбатлашиб тургандай, “Достоевский ва Умар Хайём” эса уларни тинглаб, инсон қисмати чигалликлари, одамлараро муносабатлар мураккабликлари тўғрисида ўй сураётгандай туюлади.

Азамат Ҳотамов кўп фигурали композицияларида ҳам ўйлаётган, мулоқот қилаётган кишилар қиёфасини кўрсатади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос феъл-атвор, характерга эга эканлигини намоён этади. Айни шу жиҳати билан улар дафъатан диққатни жалб этади. Ҳайкалтарошнинг “Оила”, “Сувчилар”, “Севишганлар” асарларида ҳар бир персонажнинг ўз қарашини, ўз сўзи борлигини яққол билинади.

Албатта, барча турдаги санъат асарлари кишилар дилига эзгулик олиб киради. Эзгулик эса одамларни маънан, руҳан улғайтиради. Уларнинг вужудини нафс, ҳирс иллатларидан халос қилади... Эътибор қилган бўлсак, уч-тўрт ёшли болаларни ҳамма беихтиёр яхши кўради. Бу ёшдаги болаларни “суй-гумчик” дейилади. Бу болаларнинг юз-кўзидан кўнгилни нурафшон қиладиган аллақандай нур таралиб туради. Чунки уларнинг вужуди бу пайтда нафс, ҳирс домига тушмаган бўлади. Ёш улғайгани сари эса нафс, ҳирс кучайиб, қалбдаги нурни тўсиб бораверади. Киши кўшиқ, мусиқа тинлаганида, адабиёт асарларини мутолаа қилаётганида, рассомлар, ҳайкалтарошлар ишларини кўраётганида ана шу нур яна жилваланади. Кўнгилни кўтариб, руҳни қувватлантиради. Хаёлда ажойиб-ғаройиб манзараларни жонлантиради. Шу пайтда вужудда ҳам аллақандай тозарини юз бергандай, у енгиллашиб қолгандай туюлади.

Азамат Ҳотамовнинг ижодий “мен”и туфайли тунж, ганж, ёғоч ҳақиқий санъатга айланади. Ҳайкалтарошнинг портрет жанридаги асарлари ҳам, “Севишганлар”, “Кўрлар”, “Маъбудалар”, “Орзу” сингари кўп фигурали композициялари ҳам илҳом билан яратилгани туфайли уларни лоқайд томоша қилиб бўлмайди. Ҳайкалтарош ўз асарларида қаҳрамонлари таржимаи ҳолини уларнинг юз-қиёфасида акс эттиради. Чизикларни бир-бирлари билан аниқ боғлаб, ритмик мутаносиблик ҳосил қилади. Бу чизиклар ўзаро уйғунлиги билан кўп маъноларни англатади. Гўё Азамат Ҳотамов тунж, гипс, ёғоч каби ашёларда инсоннинг ички ва ташқи олами ҳақида “ҳикоя” яратади. Ҳар бир кишининг ички олами албатта ташқи кўринишида акс этишига ишонтиради. Унинг асарлари инсоннинг ҳаёт мазмуни, эзгулик ва ёвузлик тўғрисидаги ўйлари ёзилган ривоятдай таассурот қолдиради.

Ижод ҳаяжондан туғилади. Ҳаяжон ғайритаби-



ий тарзда пайдо бўлади. Шеър, ҳикоя, роман, достон ёзиш, расм чизиш, ҳайкал ясаш, муסיқа яратиш ақл билан англаб бўлмайдиган, мантиқ “қолип”ларига сиғмайдиган сирли ҳодиса ҳисобланади. Шунинг учун одамларнинг яхши ишланган портрет, ҳайкаллари кўрганингда, унинг ташқи қиёфаси ҳам, ички дунёси ҳам жуда ёрқин гавдалантириб берилганига гувоҳ бўлганингда ҳайратдан ўзингни тиёлмайсан. Чингиз Аҳмару Абдулҳақ Абдулла, Рўзи Чори, Жавлон Умарбеку Баҳодир Жалолнинг рангасвир асарлари, Азамат Ҳотаму Илҳом Жаббор ўхшаган ҳайкалтарошларнинг турли композициялари нафосатнинг беқиёс қудратини намоиш этади ва қалбда таърифлаб бўлмас ҳолат-ҳайрат уйғотади. Ҳар қандай одам – у ёшми-қарими, барибир, ҳар қанча урингани билан истаган пайтида ҳайратланолмайди. Ҳайрат гўзал ҳодисаларнинг нафосати таъсирида туғилади. Инсон санъат асарлари бахш этадиган ҳайрат туйғуси таъсирида борлиқ ҳодисаларини кузатиб завқланади. Завқланиш туфайли кишининг ўзи ҳам қандайдир гўзал нарсалар яратишга, эзгу ишлар қилишга, атрофидаги одамларга яхшилик қилишга эҳтиёж сезади. Одамлар гўзалликдан бебаҳра қолишса, уларнинг қалби қурғоқчиликдан қақшаган саҳродай файзсиз бўлиб қолади.

Кишиларнинг моддий тўкин, маънан юксак яшашга интилиши кўпроқ уларнинг теварак-атрофини қуршаб турган нарса-ашёларга боғлиқ бўлади. Улар яхши яшашга қанчалик ҳаракат қилишса, ўзлари турган муҳитни шу интилишларига мос тарзда ўзгартиришади. Санъат асарлари, хусусан, кўча, майдонлардаги ҳайкаллар, кўп фигурали турли композициялар, меъморий иншоотлар одамларнинг қалбига эзгу туйғуларни олиб киради, уларни яхшиликка етаклайди.

Ҳамманинг ҳам атрофдаги одамларга яхшилик қилгиси келади. Ижод аҳли-шоир, ёзувчи, рассом, ҳайкалтарош, композиторларда, айниқса, бу истак кучли бўлади. Улар дунёни янада гўзалроқ қилиш, янада мукамалроқ кўриш мақсади билан яшашади. Шунинг учун “улар ўзлари кўрган, ҳис қилган нарсаларини дарров шакллантиришга, ифодалашга табиий майл ва бевосита эҳтиёж сезади” (Ҳегел). Жаҳон ва рус реалистик мактаби ва имперессионизм, қадим Шарқ миниатюраси ва замонавий тасвирий санъат анъаналаридан баҳраманд бўлиб улғайган ўзбек мусаввирлари, ҳайкалтарошлари асарларида ҳам уларнинг дунёни гўзалроқ, мукамалроқ кўриш

истаги намоён бўлиб туради. Борлиқдаги барча нарсаларда эса албатта қандайдир ўзига хослик гўзаллик бўлади. “Гўзаллик ҳажм ва ранглар мутаносиблигидан келиб чиқади” (Аристотел).

Оламнинг осойишталиги одамларнинг кўнглига, онгига боғлиқдир. Урушлар, можаролар осмондан қор-ёмғир сингари ёғмайди ёки майсадай бўлиб ердан кўкариб чиқмайди. Уруш, можаролар, аввало, одамлар онгида, кўнглида туғилади. Ҳар бир кишининг кўнглида эзгу туйғулар улғайиб борса, шубҳасиз, унинг ҳаётга қарашларига, одамларга муносабатида меҳр-оқибат бўлади. Шунда дунёда тинчлик, барқарорлик, ўзаро ишонч, дўстона ҳамкорлик ҳукмрон бўлади. Барча кишиларнинг азалий орзуси мана шундай шароит, муҳитнинг юзага келишида санъат ва адабиёт асарлари беқиёс ўрин тутади. Улар кишиларнинг кўнглига эзгу ҳислар олиб киради. Уларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга даъват қилади.

Санъат ана шундай беқиёс аҳамиятга эга бўлгани учун ҳам театрлар, кутубхоналар, музейлар, кўргазма заллари шаҳарларнинг марказига жойлаштирилади. Меҳмонхоналарда тасвирий санъат асарлари галереяси ташкил этилади, хонадонларнинг деворларига расмлар осилади, майдон, хиёбон, истироҳат боғларига ҳайкаллар ўрнатилади.

Мустақилликка эришиб, дунё ҳамжамиятида ўз мавқеини дадил мустаҳкамлаб бораётган мамлакатимизда ҳам санъат равнақиға, унинг кишилар онги тафаккурини ўзгартиришдаги таъсир кучига жиддий эътибор қаратиб келинади. Қадимдан инсоният маданияти марказларидан бири сифатида эътироф этилган юртимизда Давлат тарих музейи, Темурийлар тарихи Давлат музейи сингари қатор замонавий меъморчилик обидалари бунёд этилди. Ўзбекистонда Бадиий Академиянинг Марказий кўргазмалар зали, Замонавий санъат маркази каби санъат кошоналари мавжудки, Ўрта Осиёда улар ягона ҳисобланади. Уларда мунтазам равишда турли кўргазмалар ўтказилади. Бундан мақсад-одамлар қалбида эзгу ҳисларни улғайтириш, уларнинг руҳини кўтариш, яхшиликка даъват қилишдир. Рангасвирдек нозик, ҳайкалтарошлиқдек мураккаб йўналишда таъсирчан асарлар яратаётган истеъдодли ижодкор Азамат Ҳотамов ҳам кишиларни дунёни гўзаллаштиришга, борлиқнинг беқиёс манзараларидан ҳайратланишга ва бир-бирини ардоқлашга даъват этаётган фидойилар сафида туради.





\* \* \*

Ҳали сиз келасиз бир куни,  
 Ҳамд-сано айтасиз ёдимга.  
 Қўшилиб кетгайсиз сўнг икков  
 Хор қилган муҳаббат додига.  
 Илкимни излайсиз тутмоққа,  
 Ўпмоққа сўрайсиз кўлимни.  
 Қаранг, ҳали-ҳамон турибсиз  
 Видонинг сирпанчиқ йўлида.  
 Бу кўзлар гинадир, саволдир,  
 Сўзлар ҳам чертилмас бўғизда.  
 Исминиз тош бўлиб қотгандир  
 Кўп йиллар айтилмай оғизда.  
 Мен ҳали шафақдай тарангум,  
 Кўнгилда хаёл ранг уқалар.  
 Овутган-қунимга яраган  
 Ҳикматлар изимга нур қалар.  
 Ҳа, шунда барибир келгайсиз,  
 Ўпмоққа сўрайсиз кўлимни.  
 Хизматчим бўлади ишқингиз  
 Ёдингиз супуриб йўлимдан.  
 Ҳали сиз келасиз бир куни,  
 Йўлимда ҳазондай йиғлайсиз...

### САМАРҚАНД

Самарқанд -  
 Отамнинг кўзида офтобим,  
 Онамнинг кўкида меҳробим,  
 Боламдай суюкли суҳробим.  
 Самарқанд -  
 Минорлар ҳайбати меҳрининг,  
 Хаёллар ҳайрати сеҳрининг,  
 Салтанат - фурбати қаҳрининг.  
 Самарқанд -  
 Қақашон - юлдузлар жадвали,

# МЕН ҲАЛИ ШАФАҚДАЙ ТАРАНГУМ

Назаримда бу шеърлар беғубор  
 ва кўзлари кулиб турган Муҳаббат-  
 нинг ижодида бошланиш нуқтадай  
 туюлди. Бошланиш нуқтадай-у?  
 Аммо мукамал шеърлар.

“Куёшнинг кетаётиб қайрили-  
 ши...”, “Сўзнинг ёрлиқдай яша-  
 ши”, “гўдак кулгусидан гул, йиғи-  
 сидан дур териб бойиш” мумкин-  
 лиги қанчалик ўринли топилма-  
 лар. Нималардандир дарак берув-  
 чи, шеърхонни сергаклантирувчи  
 топилмалар. Унинг худодан, дунё-  
 дан сўровлари маъноли, илтижо-  
 лари чиройли:

Ораста кунларни қиймат қил,  
 Дунёга ҳаёдан ҳиммат қил.  
 Аёлни ҳаммадан қиммат қил,  
 Кадр бер аёлга, Худойим!

Тўмарис кўзида шахд бергин,  
 Оила, уй, рўзгор нақд бергин.  
 Эркакнинг кўксидан тахт бергин,  
 Давр бер аёлга, Худойим!

Муҳаббатжон!

Шунча ёд, шунча кадр, меҳр-  
 ни ўзига сиғдирган катта юрак  
 муборак бўлсин Сизга, кичкина  
 хоним!

Мен ҳалоллик ва мардлик би-  
 лан босиб ўтилган маюс масофа,  
 маюс йўлларни бир кун келиб  
 бахт анжуманлари - шодумонлиг  
 қасрига олиб боражагига қаттиқ  
 ишонаман.

**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,**  
*Ўзбекистон халқ шоири.*

Кўрогон ақлидай долгали,  
 Энг дилбар қўшиқсан дилдаги...

Самарқанд -

Ёғийлар талаган тўзимсан,  
 Шарқ нақши, чақнаган кўзисан,

Бибихон онамнинг ўзисан,

Самарқанд -

Регистон - шарҳидир ақлнинг,

Кўксарой - маҳридир нақлнинг,

Энг буюк эҳсони тақдирнинг.

Самарқанд.

### ДИЙДОР ЙИҒИСИ

Югурик кунларга йўлда босилиб,

Ғанимат дунёга гулдай осилиб,

Онам ҳузурига етмай, о, синиб,

Увол бўлаётган дийдор йиғлайди.

Қуш учирган бағр - энг мунглиғ савол,

Ғуссалари ширин, ғамлари ҳалол,

Қишлоқ ва Кент аро улғайган малол,

Увол бўлаётган дийдор йиғлайди.

Тонг отиб кетади, отиб кетар тош,

Уйқум каби хаста, сарғаяр бардош,

Қишлоқи лаҳжамга алла айтар Шош,

Увол бўлаётган дийдор йиғлайди.

Она, юринг дала - тузга ярашиб,

Шеъримга ярашиб, сувга ярашиб,

Кўзим устидасиз, кўзга ярашиб -  
 Увол бўлаётган дийдор йиғлайди...

### ҚИЗИМГА

Хавотири ошди дунёнинг,

Куёш кетаётиб қайрилди.

Масофалар, йўллар уйғониб,

Сени сугдан эрта айирдим.

Сўз яшади ёрдай, ёрлиқдай,

У деб ҳузуримдан айирдим.

Ризқ оқади бутун борлиқда

Сени сугдан эрта айирдим.

Кўнглим хирмонини шопириб,

Ҳисларимни янчдим, совирдим.

Юрагимни бир четга суриб,

Сени сугдан эрта айирдим.

Кулгуларинг гул сочар эди,

Йиғласанг дур териб бойирдим.

Қиз бўласан онамга энди

Сени сугдан эрта айирдим.

Кўксин тутди тонглаз энгашиб,

Куёш кетаётиб қайрилди.

Маюс кўнгил билан кенгашиб

Сени сугдан эрта айирдим.



# ЎТАР ҚАНЧА ЙИЛЛАР ТЎФОНИ...

(Телевидениемиз тарихидан)

Шайхонтохур даҳасига яқин жойда қад кўтарган баланд минора атрофида Тошкент телевидениеси студияларининг сўнгги таъмирланиш ишлари олиб борилаётган 1956 йилнинг кузида Тошкент вилоятига пахта теримига борган битирувчи филолог-журналист талабалар тушлик қилаётган дала шийпони яқинида шовқин солиб кичик самолёт келиб тўхтади. Ундан тушиб келган кўринишидан самимий ва очиққўнгиллиги кўриниб турган киши талабалар даврасига келиб, яқин кунларда Ўзбекистонда телевидение ишга тушиши, бу ерга ёшлар эшиттиришлари учун ёш, келишган, талаффузи чиройли ижодкор ёшларни излаб келганини билдирди. Самолётда келган “меҳмон”нинг телевидение, унинг мўъжизакор олами, кейинчалик одамлар ўз ҳаётини усиз тасаввур қила олмасликлари ҳақидаги ҳикоялари ҳаммани қизиқтириб қолганига қарамай, у хайрлашаётганда қорачадан келган, катта-катта кўзлари ёниб турган йигитга алоҳида қилиб “Сиз албатта боринг. Сизни кутамиз”, - деб қўл узатди.

Орадан кўп вақт ўтмай, 5 ноябрь 1956 йили Тошкент телевидениеси ишга тушди. Одамлар кичкина қора қутичада кулиб турган диктор қизлар ва унда акс этаётган ҳаёт манзараларини ҳайрат билан томоша қила бошлаганларида, ҳали олдинда уларни нима ва қандай воқеалар кутаётганини тўла англамасдилар. Шунга қарамай, телевизорни сотиб олиб, уни хонадоннинг тўрига қўйиш, кечқурунлари оила билан унинг атрофига тизилиш, унинг ясси ботинида акс этган дунёга термулишга уринишлари учун унчалик кўп вақт кетгани ҳам йўқ.

Бир неча ойдан сўнг телевидениеда ёшлар учун илк эшиттиришлар бошланиб кетди. Муаллифлар орасида Жонрид Абдуллахонов ва Элбек Мусаев номлари пайдо бўлди. Бу ўша - бири самолётда

пахтазорга бориб телевидениега ижодкорлар излаб юрган киши бўлса, иккинчиси пахтазорда телевидение ҳақидаги ҳикояни ҳайрат билан тинглаган талаба эди.

Ҳукмрон шўро мафқураси ёшлар тарбиясида телевидениенинг имкониятларидан фойдаланиш йўлини дарҳол англади ва ёшлар учун эшиттиришлар редакциясига ёшларни коммунистик жамият руҳида тарбиялаш сингари жуда ката вазифаларни юкледи.

«1961 йилнинг 16 октябрида Тошкент Телевизион Студияси ва радиоси бирлашиб, Ўзбекистон Телевидение ва Радиоэшиттириш Давлат Комитетига айлантирилди. Бундан руҳланган бир гуруҳ ижодкорлар Ўзбекистон комсомол комитетига ёшлар учун кўрсатувлар редакцияси ташкил этиш тўғрисида лойиҳа проектини топширади. Шу тариқа ижтимоий кўрсатувлар Бош редакцияси қошидаги болалар ва ёшлар бўлими ўрнида бир-биридан мустақил фаолият кўрсатадиган икки реакция - болалар ва ёшлар учун эшиттиришлар Бош реадкцияси ташкил топди», - деб хотирлайди “Ёшлик” студиясининг асосчиларидан бири Элбек Мусаев.

1961 йил режиссёр ассисенти Эргаш Каримов “Маслаҳат” номи билан ёзиб келган кичик ҳикояни ҳамкасбларига кўрсатганда, қандай ишга қўл урилаётгани ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган бўлса керак. Ҳикояда икки болакай кўчадан пул солинган кичкинагина хамёнчани топиб олишади-да, уни эгасига қайтариб беришади, лекин оилада турли муносабатларга дуч келишади. Албатта, ўша ҳикояни шундоққина саҳналаштириб, томошабинга кичкина саҳна асари сифатида ҳавола қилиш мумкин эди, лекин ижодкорлар бундай йўлдан боришмади. Улар кўрсатувга қора костюм ва қора дўппи кийган кек-

са бошловчини таклиф қилишди. Костюмининг ёқасида халқ маорифи аълочилиги нишони бор, бир неча авлодларни тарбия қилиб, ҳаётга узатган бу кекса инсоннинг ўйчан, сабр-тоқатли нигоҳи “Оталар сўзи” номи билан илк бор эфирга кетган кўрсатувнинг асосий муваффақияти бўлди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, бундай кўргазма-насихатомуз кўрсатувлар илгари ҳам бўлганди. Лекин улар акс-садо бермаган эди. Бу гал эса қутилмаганда ҳаддан зиёд катта муваффақият қозонилди, телевидениега томошабинлардан хатлар оқиб кела бошлади. Бундай катта почта телевидение тарихида илгари бўлмаган эди. Хатларнинг кўпчилиги Отахон - Карим Хонкелдиев номига ёзилар, одамлар унга миннатдорчилик билдиришар, ўзларини қийнаган саволлар билан мурожаат қилишар, шахсий ҳаётлари, ён атрофларидаги одамлар ҳақида ҳикоя қилишарди.

1963 йилнинг февралда “Ёшлик” студиясининг ёш ижодкорлари томонидан жамиятимизда учраб турадиган камчиликлар, инсонлар қиёфасидаги салбий ҳолатлар енгил кулгу тифига олинган кичик саҳна кўринишларида юксак маҳорат билан ижро этилган бир неча ҳажвиялар намойиш этилди. Ҳали “Телевизион Миниатюралар Театри” номи билан кейинчалик халқимизнинг энг яхши кўрсатувларидан бири бўлиб қоладиган ушбу эшиттириш ижрочиларини ҳеч ким танимас, ҳали улар учун махсус тайёрланган декорациялар, саҳна безаклари ҳам йўқ эди. Тез орада Эргаш Каримов, Роза Каримова, Ҳасан Йўлдошев, Садир Зиямуҳаммедов каби актёрлар эл назарига тушишди ва гоёқ қисқа фурсатда халқимизнинг ардоғидаги санъаткорларга айланишди.

80-йилларнинг бошларига келиб, мамлакатда бошланаётган сиёсий ва иқтисодий инқирозлар олдиндан Собиқ Иттифоқ партияси эскичасига яшаш бошқа мумкинмаслигини ҳис қилиб, ТВ орқали


публицистик кўрсатувларни кўпайтириш заруратини англади. Шундай қилиб маълум ва машҳур “Баҳс” кўрсатуви ташкил этилди.

“Баҳс” ўзининг илк сонидида жуда катта ижтимоий-сиёсий воқеаларга тўхталмади, давр ҳам, одамлар ҳам ҳали бунга тайёр эмасди, лекин аҳамиятсиз бўлиб туюлган воқеалар атрофидаги жуда катта муаммолар тилга олина бошланди. Дастурхонимиз кўрки, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган - нонга бағишланган телемунозара жамоатчиликнинг оғзига тушди. Қўйилаётган муаммо мунозарага моликлиги ва томошабинларнинг бу масалага бепарво эмасликлари одатда, кўрсатувларнинг асосий мезони ҳисобланади. Жиддийроқ разм солинса, “Баҳс” кўрсатувида бугунги жаҳон телесаноатида кенг қанот ёзган “ток-шоу” жанрининг элементлари: суҳбатнинг равон бориши, тажрибали бошловчи маҳорати ва албатта, мавзуга бепарво бўлмаган аудитория иштироки мавжуд бўлганини кўриш мумкин. Бундан деярли 25 йил аввал аудитория маълум бир мавзуну муҳокама қилиш учун тўпланар, ойда бир бора бир соат давом этадиган кўрсатувда бошловчи Ўткир Ҳошимов бир мавзу атрофидаги турли-туман фикрлар, мунозарага молик тортишувларга “мовий экран” олдидаги томошабинни ҳам тортишга муваффақ бўлар, уйда “мовий экран” олдида ўтирган мухлис ҳам баҳснинг ҳақиқий иштирокчисига айланиб кетарди.

Яна уч йилдан сўнг Ўзбекистонда телевидение иш бошлаганига 50 йил тўлади. Ҳаракатсиз камера суратга олган оқ-қора тасвирдаги кўрсатувлар, кунига 2-3 соатли дастур билан чегараланган Тошкент телевидениеси ярим аср давомида жаҳоннинг энг қудратли телетехнологиялари билан таъминланган, 4 канал орқали узлуксиз кўрсатувлар олиб кўрсатадиган катта телесаноатга айланди.

*Илмира РАҲМАТУЛЛАЕВА*





Абдураззоқ ОБРҶЙ

# Пародиялар

## ОЙЛИККА ЕТИБ ОЛСАМ Ҳазил

Ойликка етиб олсам,  
Уйланиб ётмас эдим.  
Сигаретга ўтардим,  
Носвойни отмас эдим.  
Сув бўларди чўимга,  
Ёнар эди чирогим.  
Таксида юрар эдим,  
Яқин қилиб ўирогим.  
Телефон ҳам ўша кун,  
Қолар эди жиринглаб.  
Ошнолар ҳам чўимга,  
Кириб келар ҳиринглаб.  
Бир маза қиб тўярдим,  
Ўшанда мен кавобга:  
Сўроганга пўл бериб  
Қолар эдим савобга.  
Роса ҳам хўриллатиб  
Ичар эдим мен чойни.  
Хотинга мақтанардим,  
Олиб бергум деб ойни.  
Яна талай изларда  
Кўпларни шоширардим.  
Сахийликни ўшанда  
Хаммадан оширардим.  
Эх, чўнча бор ҳали,  
Ўттиз кун кўтмоқ керак.  
Ўшанча кун чўларнинг  
Баҳридан ўтмоқ керак.

## ПАХТА ҚҶЙИШ

Ҳар нимага тайёрман! Шайман!  
Сен учун! Хитоблар балки кам.  
Хоҳлаган тақдирда яшайман,  
Сен шуни хоҳласанг маликам.

*Ҳикмат ЮСУФнинг  
“Ҳар нарсага тайёрман!..”  
шеърдан.*

Йўлни бошла десанг, бошлайма,  
Томдан ташла десанг, ташлайма.  
Бошини олайми хўрозни,  
Ё тутиб урайми ўрозни?  
Кўйлагин бир тортиб йиртайми,  
Сочи йўқ бошига чертайми?  
Ҳўкизинг шохини синдириб,  
Не ишни келайми тиндириб?  
Фарҳоддай йўнайми ё тошни,  
Ошамлаб отайми ё ошни?  
Банкни ҳам талайман қистасанг,  
Бажаргум нимани истасанг!  
(Кўнглини топмадинг барибир,  
Бу ёғини энди ўзингдан кўр!)

## БАРИБИР СОГИНАМАН

*Жисмингни соғинаман.  
Абдурахмон ЖҶРАнинг “Баҳор”  
шеърдан.*

Ош есам товофингдан,  
Қор ёғар қовофингдан,  
Турқингни соғинаман.

Ўнг томонни чап деган,  
Ҳар кимдан бир гап еган,  
Хулқингни соғинаман.

Калта юпқа тузук-ку,  
Қўлда тилло узук-ку,  
Мулқингни соғинаман.

Бемаҳал жаранглаган,  
Ҳамма сенга қараган,  
Кулқингни соғинаман.

Майли, қувласин ойинг,  
Ўзимга керак жойинг,  
Қисмингни соғинаман.

Висолинг дариг тутма,  
Мендан бошқа сўз кутма,  
Жисмингни соғинаман.

## ОҶЗИМ ҚУРИБ ҚОЛДИ-КУ

Пуфласанг мен ёниб кетаман,  
Туфласанг мен ўчиб қоламан.

*Ҳикмат ЮСУФнинг  
“Чўгман” шеърдан.*

Нафасинг гўё шамол,  
Қани пуфла, пуфлай қол!  
Ёниб кетдим, ловуллаб,  
Бўлди, энди туфлай қол!

Нафасингни ел олсин,  
Куйдиради оташдай.  
Мунча қаттиқ тегади,  
Туфукларинг оҳ, тошдай!

(Ловулладинг хашакдай,  
Қаттиқ бир пуфладим-ку!  
Нега энди ўчмайсан,  
Юз марта туфладим-ку?!)

Абдураззоқ Обрўйни билмаган шеърят мухлиси кам топилади. Унинг ичакузар ҳажвий шеърлари, қочирим ва кинояга бой пародияларини матбуотда кўп ўқигансиз. Шоирнинг кучини шундан ҳам билса бўладики, у ўтган йили Республика пародиячилари мусобақасида фахрли биринчи ўринни олиб, чемпионликни қўлга киритган. Ишонмасангиз, турнир иштирокчиларидан бирров сўраб кўринг.

Бизга... биз таҳририят ходимларига ҳам Абдураззоқ Обрўй баҳона бўлдию 5-6 йил муқаддам бозор шароитига чидаш бермай ёпилиб қолган “Елпугич” дўконимизни у ёқ-бу ёғини саришталаб очиб олдик. Эски ва янги харидорлар бу дўконга харидорликка марҳамат қилсинлар. Илло улар кўмагида мазкур бозоримизда ишлар юришиб тургай.

Шундай қилиб, сўз дўконининг биринчи харидори Абдураззоқ Обрўйга:

## ДАРАХТ ТҶЛА

*Қарамаса, бошқасига уйланаман.  
Кўшиқдан.*

Мен ялиниб нима қилдим, нима қилдим,  
Ошиқларнинг устидан-ай роса кулдим.  
Севги асли йўқ-ку, жўра, билдим, билдим.  
Қарамаса, бошқасига уйланаман.

Ўйламовдим боради деб у шунчага,  
Бало борми вафо деган тушунчага.  
Ҳамма нарса боғлиқ ҳозир тугунчага,  
Қарамаса, бошқасига уйланаман.

Йўқ сочимга нима қилай ай тарақни,  
Ичиш учун чиқаргайлар ҳай арақни.  
Қиз тушади силқитмайин қай дарахтни,  
Қарамаса, бошқасига уйланаман.

Менга кулиб боқмаса ой парчалари,  
Ёрдамга шай каминанинг ҳаччалари,  
Очилади пешонадан дарчалари,  
Қарамаса, бошқасига уйланаман.

Мен ялиниб нима қилдим, нима қилдим,  
Ошиқларнинг устидан-ай роса кулдим,  
Севги асли йўқ-ку, жўра, билдим, билдим,  
Қарамаса, бошқасига уйланаман.

**Ҳали бу пародияларнинг давомиям бор. Гумонингиз бўлса, “Ёшлик”нинг кейинги сонини ўқинг.**

ELIM DEB, YURTIM DEB YONIB YASHASH KERAKI



MUASSISLAR:  
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,  
«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**

O'rozboy ABDURAHMONOV

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Mirkamol Odilov

Yo'ldosh SULAYMON

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Botir UBAYDULLAYEV

Sirojiddin SAYYID

**Bosh muharrir**

Sobir O'NAR

**Bosh muharrir o'rinbosari**

Luqmon BO'RIXON

**Mas'ul kotib**

Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay'ati:**

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Vafo FAYZULLO

Yo'ldosh ESHBEK

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali 1982 yil-  
dan chiqa boshlagan.

© "Yoshlik" № 5-6 (192) 2003 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining  
kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

**MUNDARIJA**

**IJTIMOY HAYOT VA YOSHLAR**

Mukarram TOLIPOVA, Muhayyo QURBONOVA.

Boqimandalik qarashlari va oila ..... 9

**NASR**

Habibullo GAFUR.

Qo'rg'ondagi anjir. Qissa ..... 12

Ibrohim MUHAMMAD.

Olov yonaveradi. Hikoya ..... 25

**NAZM**

Sirojiddin SAYYID.

Osmon o'zi tutgay senga oynalar ..... 1

O'tkur JO'RAYEV.

Kinga bir yaxshi zo'z aysam ..... 24

Baxtiyor GENJAMUROD.

Madexon so'zi yoxud chin ipagidagi bitik ..... 30

Muhabbat TO'XTASHEVA.

Men hali shafaqday tarangum ..... 44

**ERTA SO'NGAN YULDUZLAR**

Tog'ay MUROD.

Badiiy mutolaa inson ko'zini ochadi ..... 6

**JAHON ADABIYOTI**

Mirzo Abdulqodir BEDIL.

O'tdi yuz qat osmondan orzu ..... 10

**MUMTOZ BADIYAT SAN'ATLARI**

Vahob RAHMONOV.

Tafre' san'ati ..... 29

**BIRINCHI UCHRASHUV**

Komila NOSIROVA.

O'kinch. Hikoya ..... 32

Behzod FAZLIDDINOV.

Men shoir bo'ldimmi ..... 40

**MUSHOIRA**

Vatanim, baxtimsan, kelajagimsan... ..... 36

**ADABIY JARAYON**

Otabek JO'RABOYEV.

Ruhiyat qahramonlari ..... 38

Gulbahor YUSUPOVA.

Tarixiy asar jozibasi ..... 39

**SAN'AT**

Abdulla ULUG'OV.

Hayratga da'vat ..... 41

**TELEVIDENIYE**

Ilmira RAHMATULLAYEVA.

O'tar qancha yillar to'foni ..... 45

**YELPUG'ICH**

Abdurazzoq OBRO'Y.

Parodiyalar ..... 47

**Muqovalarimizda fotojurnalist No'monjon MUHAMMADJONOV suratlardan foydalanildi.**